

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

15-сон
(931)
2020 йил
20 апрель

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

155. «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги ПФ–5980-сон Фармони
156. «Ўзбекистон Республикасида халқ таъбиқатини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ–4668-сон қарори
157. «Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈСА) иштирокидаги «Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат занжири яратишни ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ–4669-сон қарори
158. «Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ–4670-сон қарори

159. «Хоразм вилояти таркибида Тупроққалъа туманини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 апрелдаги ПҚ-4671-сон қарори
160. ««Навоий вилоятида қуввати 100 МВт бўлган фотоэлектрик станцияни қуриш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 апрелдаги ПҚ-4677-сон қарори
161. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 апрелдаги ПҚ-4678-сон қарори
162. «Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш ва биринчи навбатдаги тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 апрелдаги ПҚ-4679-сон қарори
163. «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелдаги ПҚ-4680-сон қарори
164. «Сурхондарё вилоятида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини кенгайтириш ва янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 апрелдаги ПҚ-4681-сон қарори

Бешинчи бўлим

165. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2020 йил 24 февралдаги 8-сон «Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 13 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3015-2*)
166. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 15 февралдаги 3/11-сон «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 13 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2465-8*)
167. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил

15 февралдаги 3/12-сон «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 13 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3229*)

168. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 9 мартдаги 14/02, 276-В-4-сон «Санация қилинаётган корхона махсус санация ҳисобварағининг ишлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 13 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1636-4*)

169. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2020 йил 24 февралдаги 7-сон «Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 13 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3016-3*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2020 йил 11 апрелдан 17 апрелгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

155 Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида белгиланган «Жамият — ислохотлар ташаббускори» деган янги ғояни амалда рўйбга чиқариш, аҳолининг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштироки кўламини кенгайтириш, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, фуқаролар, жамият ва давлатнинг ўзаро яқин ҳамкорлигини ўрнатиш, шунингдек давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси (кейинги ўринларда — Жамоатчилик палатаси) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жамоатчилик палаталари (кейинги ўринларда — ҳудудий жамоатчилик палаталари) ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Жамоатчилик палатаси фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

давлат, фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни янада жадал ва ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштирувчи замонавий шаклдаги тизимли ҳамда самарали мулоқотини йўлга қўйиш ҳамда уларнинг ижтимоий манфаатлари келишилишини таъминлаш;

фуқароларнинг давлат ва жамият ишларидаги иштирокини фаоллаштиришга ҳамда давлат-хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этишга қўмаклашиш;

аҳоли фикрини тизимли ўрганиб бориш, жойларда ва соҳаларда аҳолини, фуқаролик жамияти институтларини ҳамда жамоатчиликни ташвишлантираётган долзарб масалаларни муҳокама қилиш, шунингдек, уларнинг ечими бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлиси палаталарига ва Ҳукуматга тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича таклифлар киритиб бориш;

илмий-эксперт гуруҳлари иштирокида фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш юзасидан ташаббус кўрсатиш, бу борадаги давлат сиёсати ва унинг амалий нати-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 17 апрелда эълон қилинган.

жалари ҳақидаги жамоатчилик фикрини тизимли ўрганиш, умумлаштириш ва таҳлил қилишни ташкил этиш;

фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлиги даражаси, уларнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қўшаётган ҳиссасини баҳоловчи кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ҳамда улар асосида фуқаролик жамиятининг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари тўғрисида йиллик миллий маърузаларни тайёрлаш;

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда фуқаролик жамияти институтларининг амалий ва самарали ҳамкорлигини йўлга қўйишга кўмаклашиш ҳамда мазкур масала бўйича жамоатчилик эшитувларини ташкил этиш;

давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари фаолиятини кучайтириш, уларга услубий ва бошқа амалий ёрдам кўрсатиш;

норма ижодкорлиги сифатини тубдан яхшилашга кўмаклашиш, жумладан, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотадиган ўта долзарб масалаларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш, уларни жамоатчилик билан маслаҳатлашув ва эшитувлари асосида такомиллаштиришга кўмаклашиш;

фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва блогерларни сўз эркинлиги, фуқароларнинг ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқини амалга ошириш, ахборот эркинлиги кафолатларини таъминлаш бўйича муҳокамаларга жалб этиш ҳамда мазкур масалаларга оид амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

жамоатчилик назоратининг самарали тизимини шакллантириш, «жамоатчилик эшитуви», «жамоатчилик экспертизаси», «жамоатчилик мониторинги» каби таъсирчан замонавий назорат шакллари амалда жорий этиш;

ислохотлар ва давлат дастурларининг жойларда ва соҳаларда амалга оширилиши устидан жамоатчилик мониторингини ташкиллаштириш, уларни сифатли бажариш учун қўшимча чоралар кўриш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, эришилган кўрсаткичлар, ижобий ўзгаришлар ва мавжуд муаммолар тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлиси палаталари ва Ҳукуматга мунтазам киритиб бориш;

«халқ дипломатияси» институтини ривожлантириш, жумладан мамлакат ташқи сиёсатининг устувор вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш, унинг нуфузли халқаро рейтингларда эгаллаган ўрнини яхшилашда фуқаролик жамияти институтларининг имкониятларидан кенг фойдаланиш ҳамда хориждаги ватандошлар билан яқиндан алоқалар ўрнатиш, нодавлат нотижорат ташкилотларига халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда ёрдам кўрсатиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик палаталари доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органлари ҳисобланади;

б) Жамоатчилик палатаси жамоатчилик асосида ишлайдиган 50 нафар аъзодан иборат бўлиб, унинг таркиби қуйидаги тартибда шакллантирилади:
Жамоатчилик палатасининг 18 нафар аъзоси Ўзбекистон Республика-

си Президенти томонидан жамият ривожини, ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, Ўзбекистон илм-фани, спорти, маданияти ва иқтисодиёти ривожини, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга катта ҳисса қўшган, эл-юрт иззат-ҳурматига сазовор бўлган фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари орасидан тайинланади;

Жамоатчилик палатасининг 18 нафар аъзоси республика миқёсида фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари (Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган чет эл нодавлат нотижорат ташкилотлари ваколатхоналари ва филиаллари бундан мустасно), оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик вакиллари тақдим этган номзодлар орасидан танлов асосида Жамоатчилик палатаси қарорига асосан аъзо этиб қабул қилинади;

Жамоатчилик палатасининг 14 нафар аъзоси ҳудудий жамоатчилик палаталари вакиллари бўлиб, улар лавозими бўйича ҳудудий жамоатчилик палаталари раислари ҳисобланади;

в) ҳудудий жамоатчилик палатаси жамоатчилик асосида ишлайдиган 21 нафар аъзодан иборат бўлади;

г) ҳудудий жамоатчилик палаталари таркиби жамоатчилик форумларида тавсия этилган ҳудудларда фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари (Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган чет эл нодавлат нотижорат ташкилотлари ваколатхоналари ва филиаллари бундан мустасно), илмий доиралар, оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик вакилларидан шакллантирилади;

д) Жамоатчилик палатасининг ва ҳудудий жамоатчилик палаталарининг биринчи умумий йиғилишларида:

уларнинг фаолиятларини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади;

уларнинг комиссиялари шакллантирилади ва раҳбарлари сайланади;

Жамоатчилик палатаси раиси — Жамоатчилик палатаси Кенгаши раиси ва унинг учта ўринбосари, жумладан битта биринчи ўринбосари — Жамоатчилик палатаси аппарати раҳбари, шунингдек ҳудудий жамоатчилик палаталарининг раислари ва уларнинг ўринбосарлари сайланади;

Жамоатчилик палатасининг ва ҳудудий жамоатчилик палаталарининг фаолиятларини самарали ташкил этиш мақсадида уларнинг бошқарув органлари — Жамоатчилик палатаси Кенгаши ва ҳудудий жамоатчилик палаталарининг кенгашлари тузилади. Жамоатчилик палатаси Кенгашининг ва ҳудудий жамоатчилик палаталарининг кенгашлари таркибига тегишлича Жамоатчилик палатаси раиси ва унинг ўринбосарлари, ҳудудий жамоатчилик палаталари раислари ва уларнинг ўринбосарлари ҳамда комиссиялар раҳбарлари киради;

е) Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик палаталари аъзоларининг ваколат муддати Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик палаталарининг биринчи умумий йиғилишлари ўтказилган кундан бошлаб, 3 йил этиб белгиланади.

4. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасининг тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жамоатчилик палаталарининг тузилмаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки:

Жамоатчилик палатасининг фаолияти унинг ижро органи — юридик шахс ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси аппарати (кейинги ўринларда — Аппарат) томонидан таъминланади;

Аппарат Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ҳамда ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрига, бланкига, мустақил балансига, Молия вазирлигида шахсий ҳазна ҳисоб варақларига, тижорат банкларида хорижий валютадаги ҳисоб рақамларига эга бўлади;

ҳудудий жамоатчилик палаталари аппаратлари Аппаратнинг ҳудудий бўлинмалари (кейинги ўринларда — ҳудудий бўлинмалар) ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази (кейинги ўринларда — Марказ) таъсисчилари, «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати ҳамда кенг жамоатчиликнинг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

Жамоатчилик палатаси ташкил этилганлиги муносабати билан ҳамда унинг фуқаролик жамиятини ривожлантиришга оид ваколатлари бошқа орган ва жамоатчилик тузилмалари вазифалари билан такрорланишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши ва Марказни тугатиш;

Аппарат штат бирликларини ва моддий-техника базасини тугатилаётган Марказ ҳисобидан шакллантириш;

ҳудудий бўлинмалар штат бирликларини тугатилаётган Марказ ҳудудий бўлинмалари штат бирликлари ҳисобидан шакллантириш.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Жамоатчилик палатаси раиси ва ҳудудий жамоатчилик палаталари раислари жамоатчилик асосида фаолият юритади;

Жамоатчилик палатаси раиси мақоми ҳамда транспорт ва тиббий таъминотига кўра вазирга тенглаштирилади;

Жамоатчилик палатаси раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт таъминотига кўра тегишлича вазирнинг биринчи ўринбосари ва вазир ўринбосарларига тенглаштирилади;

Аппарат ходимлари — вазирликлар марказий аппарати, Аппаратнинг ҳудудий бўлинмалари ходимлари эса — вазирликларнинг ҳудудий бўлинмалари ходимларига тенглаштирилади;

Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра Аппарат ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларининг лавозим маошларини белгилашда тариф коэффициентлари икки баравар оширилган миқдорда қўлланилади.

* 1-2-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва «Юксалиш» умуммиллий ҳаракатининг «Mening fikrim» веб-порталини Жамоатчилик палатаси тасарруфига ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

9. Қўйидагилар Аппарат фаолиятини молиялаштиришнинг манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловлар натижалари бўйича ажратиладиган грантлар; халқаро молия ва бошқа институтлар, чет эл ташкилотлари грантлари; жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) Кенгашларида Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик палаталари томонидан жамоатчилик учун долзарб бўлган масалалар юзасидан ўтказилган ўрганиш ва таҳлил натижаларини ҳар чоракда кўриб чиқиш амалиёти жорий этилади;

Жамоатчилик палатаси ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига фуқаролик жамиятининг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари тўғрисида йиллик миллий маърузаларни тақдим этади;

Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик палаталари аъзолари ҳар бир давлат органининг очиқ ҳайъат мажлисида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида, «Ҳукумат соати»да, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) Кенгашлари мажлисларида иштирок этишга ҳақли;

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ҳамда тузатишлар киритиш тўғрисидаги таклифлар, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотадиган ўта долзарб масалаларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Жамоатчилик палатасига кўриб чиқиш учун юборилади;

Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик палаталарининг қарорлари давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа тузилмалар учун тавсиявий хусусиятга эга;

Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик палаталари давлат органлари ва ташкилотларига қонунларнинг, турли соҳалардаги давлат дастурларининг ижроси ҳамда уларнинг ваколатларига кирадиган бошқа муҳим масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан Жамоатчилик палатаси сўровини юбориш ҳуқуқига эга. Бунда давлат органлари ва ташкилотлари сўровга жавобни, агар бошқа муддат белгиланган бўлмаса, у олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай юбориши лозим;

Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик палаталари ҳар бир дав-

лат органи, жумладан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари бундан мустасно) таркибларини шакллантиришда иштирок этади;

давлат ҳокимияти ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз фаолиятини нодавлат нотижорат ташкилотларининг мустақиллиги ва улар фаолиятига аралашмаслик принципларига қатъий риоя қилган ҳолда Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик палаталари билан ўзаро яқин ҳамкорликда амалга оширади;

давлат органлари ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик палаталари ишининг ташкил этилиши ва амалга оширилишида зарур шарт-шароитлар яратади ва ҳар томонлама қўмаклашади.

11. Жамоатчилик палатаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда кенг жамоатчилик фикрини ва илғор тажрибани ҳисобга олган ҳолда, шу жумладан қўйидагиларни назарда тутувчи «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

Жамоатчилик палатаси фаолиятининг ҳуқуқий асослари;

Жамоатчилик палатасининг мақсад ва вазифалари, ҳуқуқ, мажбуриятлари ва функциялари;

Жамоатчилик палатаси таркибини шакллантириш тартиби;

Жамоатчилик палатаси аъзоси мақоми, фаолияти кафолатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, улар ваколатини тўхтатиш ва тугатиш тартиби;

масаласи бўйича Жамоатчилик палатаси билан келишилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари қатъий турлари;

Жамоатчилик палатасининг давлат органлари ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги;

Жамоатчилик палатаси фаолиятини молиявий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш тартиби.

12. Аппарат:

молия, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш, бандлик ва меҳнат муносабатлари, ички ишлар вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Бош прокуратураси, Олий суди, бошқа вазирлик ва идораларнинг статистика ахбороти;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджет-солиқ тадқиқотлари институти ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтининг таҳлилий материаллари мажбурий юбориладиган реестрга киритилсин.

13. Аппаратга қўйидаги ҳуқуқлар берилсин:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари мутахассисларини, фуқаролик жамияти институтлари вакилларини, илмий-тадқиқот институтлари ва марказлари ходимларини, шунингдек, маҳаллий ва хорижий олимлар ва

мутахассисларни шартнома асосида тадқиқотлар олиб боришга жалб қилиш;

тадқиқотлар олиб бориш ва кадрлар тайёрлаш бўйича халқаро ташкилотлар, жамғармалар, маҳаллий ва хорижий тадқиқот марказлари ва ўқув муассасалари билан шартномалар тузиш;

ноширлик фаолиятини амалга ошириш, ахборот-таҳлилий шарҳлар ва маърузалар, «Фуқаролик жамияти» журнали, «Жамият» газетаси ва бошқа нашрларни чоп этиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлардан зарур статистик, таҳлилий ва бошқа маълумотларни сўраш ва олиш.

14. Аппарат Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси, 1А-уй манзилида текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Аппаратга 4 та автомобиль таъминоти учун лимит ажратсин.

15. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

а) ҳудудий бўлинмаларнинг тугатилаётган Марказнинг ҳудудий бўлинмалари эгаллаб турган биноларидан беғараз фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолишини таъминласин;

б) Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари маблағлари ҳисобидан:

ҳудудий жамоатчилик палаталарининг ўз вазифа ва функцияларини самарали бажариши учун зарур моддий-техник шароитлар яратиб берсин;

ҳудудий жамоатчилик палаталарининг буюртманомалари асосида бино ва хоналарни капитал ва жорий таъмирлаш, уларни замонавий ташкилий техника, мебель ва зарур алоқа воситаси турлари билан жиҳозлаш бўйича ишларни ташкил этсин.

16. Жамоатчилик палатаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда:

Аппарат тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин;

қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 16 апрель,
ПФ-5980-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**156 Ўзбекистон Республикасида халқ табобатини ривож-
лантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси ва 2019 — 2022 йилларда юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллиги даражасини ошириш концепцияси доирасида тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва ундан барчанинг фойдалана олиш имкониятини таъминлаш, тиббиёт илм-фанининг замонавий ютуқлари ва технологияларини жорий этиш, аҳоли соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Аҳоли саломатлигини таъминлаш, тиббий-санитар ёрдам кўрсатиш, турли хил, айниқса сурункали касалликлар профилактикасида ва уларни даволашда сифат, хавфсизлик ва самарадорлик жиҳатидан амалда синалган халқ табобати муҳим ўрин тутди.

Ўтган давр ичида кўрилган чора-тадбирлар натижасида халқ табиблари томонидан хизматлар кўрсатиш соҳасида ҳуқуқий база шакллантирилди, Ўзбекистон халқ табобати ассоциацияси ташкил этилди, халқ табобатининг усуллари ва ютуқларини самарали ва хавфсиз тарзда қўллаш учун биринчи навбатдаги шарт-шароитлар яратилди, уни ривожлантиришнинг асосий мақсадлари ва йўналишлари белгилаб берилди.

Шу билан бирга, амалга оширилган ишлар таҳлили халқ табобати хизматларини кўрсатишни, унинг усуллари самарадорлигини баҳолаш механизмларини янада такомиллаштириш, халқ табобатини замонавий соғлиқни сақлаш тизимига изчил интеграциялаш, ушбу йўналишда мутахассислар ва бошқа тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш зарурати мавжудлигидан далолат бермоқда.

Халқ табобатининг касалликларни профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволаш бўйича самарали усулларини замонавий тиббиёт амалиётига жадал интеграциялаш, фуқаролар саломатлигини янада мустаҳкамлаш, ушбу соҳада мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш тизимини йўлга қўйиш мақсадида:

1. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан Халқ табобати соҳасидаги 2014 — 2023 йилларга мўлжалланган стратегия амалга оширилаётгани маълумот учун қабул қилинсин. Унинг мақсади қуйидаги йўналишларда аъзо мамлакатларни қўллаб-қувватлашдан иборат:

саломатлик, осойишталик, инсонларга қаратилган тиббий-санитар ёрдам кўрсатишни таъминлаш, тиббий-санитария хизматлари сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш хизматлари билан ялпи қамраб олишни кенгайтириш ҳамда

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 10 апрелда эълон қилинган.

истеъмолчиларга ўз соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилиш борасида онгли танлов учун имкониятлар яратишда халқ таъбаотининг салоҳиятидан фойдаланиш;

меъёрлар ва қоидаларни белгилаш, илмий тадқиқотлар ўтказиш ҳамда халқ таъбаоти маҳсулотлари ва амалиётини соғлиқни сақлаш тизимиға интеграциялаш, кадрлар малакасини ошириш, даволаш кўникмалари, хизматлари ва усулларини такомиллаштириш йўли билан халқ таъбаотини хавфсиз ва самарали қўллашға лозим даражада кўмаклашиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиғи Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг экспертларини жалб қилган ҳолда, Ўзбекистон халқ таъбаоти ассоциацияси, «Таъбаот» академияси ва манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда 2021 йил 1 январға қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 — 2025 йилларда Ўзбекистонда халқ таъбаотини ривожлантириш концепциясини мақсадли кўрсаткичлар (индикаторлар) ҳамда уни амалға оширишға доир йиллар бўйича «Йўл харитаси» билан биргаликда тасдиқлашни назарда тутувчи қарори лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасиға киритсин.

Ушбу Концепцияни ишлаб чиқишда қўйидагиларға алоҳида эътибор қаратилсин:

таклиф этилаётган чора-тадбирларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон Фармони билан тасдиқланган ва ҳозирда амалға оширилаётган 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси билан узвий боғлиқлиғи;

аниқ механизмлар ва босқичларни кўрсатган ҳолда, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Халқ таъбаоти соҳасидаги 2014 — 2023 йилларға мўлжалланган стратегиясида назарда тутилган тавсиялар ва таклифларни амалда бажариш;

Хитой, Корея, Япония, Ҳиндистон, Вьетнам, Франция, Россия ва бошқа мамлакатларнинг халқ таъбаотини ривожлантириш борасидаги илғор институционал тажрибасини, шу жумладан жойиға бориб кенг ўрганиш;

ўтказилган таҳлиллар ва тадқиқотлар асосида халқ таъбаоти воситалари ва усулларининг сифати ҳамда хавфсизлигини тартибға солишининг институционал механизмларини ишлаб чиқиш, шунингдек, унинг асосий йўналишларини ривожлантириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиғи, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиғи, Ўзбекистон халқ таъбаоти ассоциациясининг 2020 йил 1 майдан:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс мақомиға эға Республика халқ таъбаоти илмий-амалий маркази (кейинги ўринларда — Республика маркази);

тиббиёт олий таълим муассасаларида ва Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиғи техникумларида мазкур қарорнинг 8-бандида кўрсатилган молиялаштириш манбалари билан юридик шахс мақомиға эға бўлмаган Халқ таъбаотини ривожлантириш марказларини (кейинги

ўринларда — Худудий марказлар) ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

4. Қўйидагилар Республика марказининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

халқ табобати усулларида, шу жумладан ўзбек халқ табобатининг тарихий анъаналари ва ўзига хос меросидан фойдаланган ҳолда касалликларни профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволаш, шунингдек, бошқа тиббий хизматлар кўрсатишнинг самарадорлигини таҳлил қилиш ва ўрганиш;

халқ табобатининг асосий йўналишларини (фитотерапия, акупунктура, аюрведа, гомеопатия, йога, моксотерапия, натуропатия, остеопатия, термал тиббиёт, хиро-амалиёт, цигун ва бошқалар) ривожлантириш, аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлашда ва замонавий тиббиётда уларни қўллаш бўйича ўқув-методик адабиётлар тайёрлаш;

халқ табобатини касалликларни профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволаш масалаларида замонавий тиббиётга интеграциялаш бўйича, шу жумладан илмий-тадқиқот ва лаборатория тадқиқотлари ўтказиш орқали таклифлар тайёрлаш;

халқ табобатида фойдаланиладиган ўсимликларни ўстириш ва ўсимлик кўринишида бўлмаган хом ашё тайёрлашни, ушбу йўналишда лаборатория ва илмий тадқиқотлар ўтказишни ташкил этиш, шунингдек, халқ табобатида энг кўп ишлатиладиган ўсимликлар ва хомашёни ўстиришни маҳаллийлаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

халқ табобати бўйича мутахассисларни, тиббиёт ходимларини ва тиббий маълумотга эга бўлмаган шахсларни Худудий марказларда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш;

фуқаролар саломатлигини таъминлашда халқ табобатининг ролини ошириш борасидаги муаммоларни ўрганиш ва таклифлар тайёрлаш юзасидан илмий-тадқиқот муассасалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

хорижий мамлакатларнинг халқ табобати вакили бўлган ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик қилиш, мамлакатимизда халқ табобатини янада ривожлантириш масалалари бўйича биргаликда анжуманлар, форумлар ва бошқа тадбирлар ўтказиш.

5. Қўйидагилар:

Республика халқ табобати илмий-амалий марказининг тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;

Халқ табобатини ривожлантириш марказлари ташкил қилинаётган тиббиёт олий таълим муассасалари ва Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари рўйхати 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Белгилансинки:

Республика маркази халқ табобати соҳасида бош муассаса, Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси эса ушбу соҳада мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича клиник база ҳисобланади;

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Республика маркази Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг (кейинги ўринларда — Вазирлик) ташкилий тузилмасига киради ва унга ҳисобдор бўлади;

Республика марказига Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири томонидан Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади;

Республика маркази директори меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари бўйича Вазирлик бош бошқармасининг бошлиғига тенглаштирилади;

Республика маркази Вазирликнинг илмий-амалий, тадқиқот ва бошқа муассасаларини оптималлаштириш ҳисобига тўлдирилади;

Худудий марказлар Республика марказининг жойлардаги бўлинмалари ҳисобланади, Республика маркази уларга методик раҳбарлик қилади ва фаолиятини мувофиқлаштиради;

Худудий марказларда ўқитиш Вазирлик томонидан тасдиқланган, Республика маркази, Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон халқ таълим ва табиблар ассоциацияси ва «Табобат» академияси томонидан ишлаб чиқилган ўқув режалари ва дастурлари бўйича пуллик асосда амалга оширилади;

Худудий марказларда ўқитиш қийматининг миқдори Республика маркази томонидан белгиланади;

Худудий марказларга тингловчиларни қабул қилиш ва битирувчиларни аттестациядан ўтказиш Вазирлик томонидан белгиланадиган талаблар, тартиб ва муддатларга мувофиқ амалга оширилади;

Худудий марказларнинг битирувчиларига халқ таълим ва табиблар бўйича малака оширганлик тўғрисида расмий ҳужжат деб тан олинган белгиланган шаклдаги сертификат берилади;

халқ таълим ва табиблар бўйича мутахассисларни тайёрлаш курсларини муваффақиятли тамомлаган тиббий маълумотга эга бўлмаган шахсларга Вазирлик томонидан тасдиқланган шаклдаги халқ таълим ва табиблар бўйича малака оширганлик тўғрисида расмий ҳужжат берувчи гувоҳнома берилади;

Худудий марказларнинг директорлари Республика маркази директори томонидан лавозимга тайинланади;

Худудий марказларда ўқитувчилик фаолиятига тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасалари ҳамда Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумларининг профессор-ўқитувчилар таркиби, халқ таълим ва табиблар бўйича мутахассислар ва тиббиёт ходимлари жалб қилинади;

Худудий марказлар ходимларига тиббиёт олий таълим муассасаларида тегишли лавозимлар учун ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади;

талаб юқори бўлган доривор ўсимликларни етиштириш ва тайёрлаш ҳамда халқ таълим ва табиблар соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказиш мақсадида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда тегишли тиббиёт олий таълим муассасалари ва Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари балансида турадиган ва Худудий марказларга доимий фойдаланиш учун берилган 1 гектаргача бўлган майдонга эга мини-плантациялар (кейинги ўринларда — мини-плантациялар) ташкил қилинади;

Ҳудудий марказларда илғор илмий изланишлар ва тадқиқот ишлари олиб бориш учун замонавий лабораториялар ташкил этиш ҳамда уларни зарур асбоб-ускуналар, техника ва бошқа моддий-техник ресурслар билан жиҳозлаш бўйича харажатларни молиялаштириш Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Вазирлик, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси, Ўзбекистон халқ таълим ва таълим асослари ассоциацияси ва «Таълим» академияси билан биргаликда 2020 йил 1 июлга қадар муддатда мини-плантациялар ташкил қилиш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни танлаш ва ажратиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш ишларини амалга оширсин.

8. Ҳудудий марказлар фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар, шу жумладан халқ таълим ва таълим асослари бўйича мутахассисларни, тиббиёт ходимларини ва тиббий маълумотга эга бўлмаган шахсларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишдан тушган маблағлар;

халқаро молия институтлари ва ташкилотлари грантлари;

ташқи беғараз қўмак маблағлари (грантлар, техник қўмаклар ва бошқалар);

юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан норезидентларнинг хайрия маблағлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

9. Вазирлик ва Ўзбекистон халқ таълим ва таълим асослари ассоциациясининг 2020 йил 1 майдан қуйидагиларда халқ таълим ва таълим асослари хоналарини очиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

туман (шаҳар), вилоят ва республика даражасидаги давлат кўп тармоқли тиббиёт муассасаларида ва ушбу муассасалар тиббиёт ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида 1 нафардан штат бирлигини ажратиш орқали уларни тўлдириш;

нодавлат тиббиёт ташкилотларида.

Вазирлик бир ой муддатда ушбу банд талабларини ҳисобга олган ҳолда нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан тиббий фаолиятни амалга оширишнинг лицензия талаблари ва шартларини қайта кўриб чиқиш қисми бўйича қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни таъминласин.

10. Вазирлик икки ҳафта муддатда қуйидагиларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин:

Ҳудудий марказларнинг тузилмаси ва низоми;

Ҳудудий марказларда тингловчиларни ўқитиш дастури;

касалликларни профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволаш маса-

лаларида халқ таъабатининг замонавий тиббиёт билан ҳамкорлиги ва интеграциясини назорат қилиш механизмлари ҳамда тартиби.

11. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан халқ таъабати усулларини қўллаган ҳолда касалликларни даволаш учун тавсия этиладиган ҳамда маҳаллий табиий ва ўсимликлардан олинadиган халқ таъабати дори воситалари рўйхати шакллантирилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида халқ таъабати соҳасини тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3968-сон қароридан халқ таъабати усулларидан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва мутахассислар, уларнинг иш тажрибаси, кўрсатадиган хизмат турлари, алоқа ва бошқа маълумотларни ўз ичига олган ягона маълумотлар базасини шакллантириш қўзда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Вазирлик Фанлар академияси билан биргаликда мазкур маълумотлар базасига халқ таъабати усулларини қўллаган ҳолда касалликларни даволаш учун тавсия этиладиган табиий ва ўсимликлардан олинadиган дорилар, халқ таъабати воситалари, шунингдек, халқ таъабати усулларидан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва мутахассислар тўғрисидаги маълумотларни киритиш чораларини кўрсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги:

ҳар йилги давлат илмий-техникавий дастурлари лойиҳаларини шакллантиришда халқ таъабати бўйича илмий-тадқиқот лойиҳалари учун танлов эълон қилинишини таъминласин;

Вазирликнинг асослантирилган ҳисоб-китоблари ва Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Кузатув кенгаши қарорлари асосида Жамғарма маблағларини мазкур қарорга мувофиқ Худудий марказларда замонавий лабораторияларни ташкил этиш ва уларни зарур асбоб-ускуналар, техника ва бошқа моддий-техник ресурслар билан жиҳозлаш учун йўналтиришни таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Республика маркази буюртманомаларига асосан Худудий марказлар фаолиятини ва кейинчалик ишлашини ташкил этиш мақсадида хорижий мутахассисларни Ўзбекистон Республикасига жалб қилиш учун белгиланган тартибда рухсатномалар берилиши (муддати узайтирилиши), шунингдек, ушбу хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси худудида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалар берилиши (муддати узайтирилиши)ни белгиланган тўловларни ундирмаган ҳолда таъминласин.

14. Вазирлик:

а) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда: уч ой муддатда Худудий марказлар фаолиятини ва кейинчалик ишлашини ташкил этиш жараёнига хорижий давлатлардан, шу жумладан халқ таъабати энг яхши ривожланган Хитой, Корея, Япония, Ҳиндистон, Вьетнам, Франция ва Россия давлатларидан халқ таъабати масалалари бўйича мутахассис ва экспертларни жалб қилишни таъминласин;

уч ой муддатда халқ табобати соҳасида истиқболга ва ривожланиш тажрибасига эга бўлган мамлакатлар билан ушбу соҳада ҳамкорликни йўлга қўйиш, шу жумладан илмий-таълим лойиҳалари ва дастурларини амалга ошириш бўйича меморандум ва келишувларни имзоланишнинг мақсадга мувофиқлиги ва механизмлари тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2020 йил якунига қадар республиканинг (ташкilotларнинг) халқ табобати соҳасидаги халқаро профессионал ташкilotларга (Жаҳон акупунктура ва моксиотерапия ассоциациялари федерацияси, Жаҳон хиро-амалиёт федерацияси, Жаҳон гидротерапия ва климатотерапия федерацияси, Жаҳон хитой тиббиёти жамиятлари федерацияси ва бошқаларга) аъзо бўлиши масаласини кўриб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифларни киритсин;

б) Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкilotлар билан биргаликда 2020 йил 1 августга қадар Худудий марказлар кутубхоналарини Абу Али ибн Сино, Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё ар-Розий, Абу Мансур Қумрий, Исмоил Журжоний каби қомусий олимлар, файласуфлар, табиблар ва халқ табобати соҳасидаги бошқа буюк аждодларнинг илмий меросини ўрганиш билан боғлиқ ишлар тўпламларининг нусхалари билан таъминласин;

в) Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси, Ўзбекистон халқ табобати ассоциацияси, «Табобат» академияси ва манфаатдор ташкilotлар билан биргаликда аҳоли ўртасида халқ табобатининг, касалликларни профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволашда қўлланиладиган доривор ўсимликларга асосланган табиий маҳсулотларнинг афзалликларини кенг тарғиб қилиш чораларини кўрсин.

15. Республика маркази Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй манзилида жойлаштирилсин.

16. Вазирлик икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Мазкур қарорнинг бевосита ижросини таъминлаш қўйидаги шахслар зиммасига юклансин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари бўйича ўринбосари — мазкур қарорни сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида ижро қилиш, масъул вазирликлар, идоралар, ташкilotлар ва ҳокимликлар фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, кўрилган чоралар тўғрисида уларнинг раҳбарлари ҳисоботларини мунтазам эшитиш, аниқланган муаммо ва камчиликларни тезкор бартараф этишни таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шодмонов — Республика маркази ва Худудий марказлар иши самарали ташкил этилиши, уларнинг келгусида фаолият юритишини таъминласин, Ўзбекистон Республикасида халқ табобатини янада ривожлантириш масалалари бўйи-

ча Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, бошқа халқаро ва ноҳукумат тузилмалар билан яқин ва фаол ҳамкорликни ўрнатсин;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Б.Қ. Юсупалиев — касалликларни профилактика қилиш, ташхис қўйиш ва даволаш масалаларида халқ табобатининг замонавий тиббиётга босқичма-босқич интеграциялашувини, халқ табобати усулларидан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатувчи шахсларни хатловдан ўтказиш ва уларни кейинчалик тегишли гуруҳларга таснифлашни таъминласин;

масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари — барча тадбирларни мазкур қарорга мувофиқ белгиланган муддатларда сўзсиз ва сифатли бажарсин, қўйилган вазифаларни амалга оширишда Вазирликка ёрдам кўрсатсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 10 апрель,
ПҚ-4668-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**157 Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈІСА) ишти-
рокидаги «Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган
қиймат занжири яратишни ривожлантириш» лойиҳасини амал-
га ошириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Республикада мева-сабзавотчилик тармоғини жадал ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни ўз муддатида самарали амалга ошириш, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, рақобатбардош мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈІСА) билан ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 11 апрелда эълон қилинган.

а) 2019 йил 19 декабрда Ўзбекистон Республикаси ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈСА) ўртасида Ўзбекистон Республикасида «Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат занжири яратишни ривожлантириш» лойиҳасини (кейинги ўринларда — Лойиҳа) молиялаштириш учун 23 023 млн япон иени (213 175 минг АҚШ доллари эквивалентида), жумладан:

кредитларни молиялаштириш учун 25 йил муддатга, 7 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 1 фоиз ставкада 21 233 млн япон иени миқдоридagi қарз ажратилиши;

консалтинг хизматлари учун 25 йил муддатга, 7 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 0,01 фоиз ставкада 1 039 млн япон иени миқдоридagi қарз ажратилиши;

Лойиҳани амалга ошириш давридаги фоиз ставкалари миқдори 751 млн япон иенини ташкил этиши бўйича Қарз битими имзоланганлиги;

б) Лойиҳанинг умумий қиймати 337 685 минг АҚШ долларига тенг эканлиги, улардан:

213 175 минг АҚШ доллари Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈСА) қарзини ташкил этиши;

58 980 минг АҚШ доллари солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар бериш шаклида Ўзбекистон Республикасининг Лойиҳани амалга оширишдаги улушини ташкил этиши;

65 530 минг АҚШ доллари Лойиҳа иштирокчилари (кредит олувчи лойиҳа ташаббускорлари)нинг улушини ташкил этиши;

в) Лойиҳани амалга ошириш даври 6 йилни (2020 — 2025 йиллар) ташкил этиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

Лойиҳа Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда амалга оширилади;

Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) Лойиҳанинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилиши, уни мувофиқлаштириш ва бошқариш, шунингдек, Лойиҳани амалга ошириш жараёнида мониторинг ва ҳисоботни юритиш учун масъул ижро этувчи орган ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг (ЈСА) қарзига хизмат кўрсатувчи молиявий агент ҳисобланади;

Лойиҳа доирасида Лойиҳада иштирок этувчи тижорат банкларига Субсидия қарз маблағлари АҚШ доллари ёки ўзбек сўмида тақдим этилади. Япон иенига нисбатан АҚШ доллари ёки ўзбек сўмининг валюта курслари тебраниши туфайли салбий харажатлар (кейинги ўринларда — Валюта хатари) Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ҳисобидан қопланади.

3. Қўйидагилар:

«Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат занжири яратишни ривожлантириш» лойиҳасининг асосий кўрсаткичлари 1-иловага* мувофиқ;

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат занжири яратишни ривожлантириш» лойиҳаси бўйича Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈІСА) қарзининг қайтарилиши схемаси 2-иловага* мувофиқ;

«Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат занжири яратишни ривожлантириш» лойиҳаси доирасида Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈІСА) қарзи бўйича кредитларни молиялаштириш қисмининг қайтарилиши, воситачилик ҳақи ва унинг фоиз тўловларини тўлаш ҳамда консалтинг хизматлари қисмининг қайтарилиши, воситачилик ҳақи ва унинг фоиз тўловларини тўлаш прогноз жадваллари 3- ва 3а-иловаларга* мувофиқ;

«Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат занжири яратишни ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Агентлик:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки билан биргаликда бир ой муддатда сублойиҳаларни танлаш, уларни баҳолаш, кредитни қайта молиялаштириш муддатлари, фоиз ставкалари (валюта хатарини инобатга олган ҳолда) ва бошқа шартлар назарда тутилган Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈІСА) томонидан ажратилган қарздан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни (кейинги ўринларда — Низом) ишлаб чиқиб, тасдиқласин;

молиялаштирилган сублойиҳалар тўғрисида, шунингдек, уларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши устидан мониторинг натижалари юзасидан ҳар чорак якуни бўйича Молия вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот киритиб борсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги ва Лойиҳада иштирок этувчи тижорат банклари билан биргаликда кредит маблағларига эҳтиёжманд ва иқтисодий самарадор лойиҳаларни амалга оширадиган тадбиркорлар рўйхатини шакллантириб бориш, уларга белгиланган тартибда кредит маблағларини ажратиш чораларини кўрсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.И. Барноев Лойиҳа доирасида кредит маблағларининг ўз вақтида иқтисодий самарадор лойиҳаларга ажратилиши, молиялаштириладиган сублойиҳаларнинг ижобий амалга оширилиши юзасидан доимий назоратни олиб борсин.

6. Агентликнинг Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈІСА) қарзи ҳисобига молиялаштириладиган тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларининг самарали амалга оширилишини доимий ўрганиб бориш, лойиҳаларни амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларига зарур маслаҳатлар (консультациялар) бериш, уларнинг муаммоларини бартараф этишда амалий ёрдам бериш ва бошқа доимий мониторинг олиб бориш ишларини йўлга қўйиш билан боғлиқ вазифаларни бажарувчи Лойиҳани амалга ошириш гуруҳини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

* 2 — 4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈІСА) буюртманомасига мувофиқ Агентлик томонидан Лойиҳани амалга ошириш гуруҳининг фаолиятини ташкил этиш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, шунингдек, уларга мазкур банднинг биринчи хатбошиси билан юкланган вазифаларни амалга ошириш, улар фаолиятига зарур моддий-техник шароитлар яратиш билан боғлиқ ҳамда репрезентация харажатларини қоплаш мақсадида Лойиҳада иштирок этувчи тижорат банклари томонидан олинаётган қарз суммасининг 0,5 фоизи миқдордаги бир марталик тўловлар тўлаб берилиши назарда тутилсин.

7. Лойиҳани амалга ошириш доирасида Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈІСА) қарзи ҳисобидан харид қилинадиган товарлар (хизматлар, ишлар) ва транспорт воситалари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) ҳамда мамлакат ичкарисида харид қилинадиган товарлар (хизматлар) қўшилган қиймат солиғидан озод қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Ўзбекистон Республикаси номидан Агентлик ва Лойиҳада иштирок этувчи тижорат банклари билан Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг (ЈІСА) қарз маблағларини қайта кредитлаш битимларини имзолаш, шунингдек, зарур ҳолларда ушбу битимларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ваколати берилсин.

Қайта кредитлаш битимларининг шартлари Низомга асосан белгилансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈІСА) ўртасидаги қарз битимиغا;

Лойиҳа доирасида Агентлик ҳамда Лойиҳада иштирок этувчи тижорат банклари билан Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг (ЈІСА) қарз маблағларини қайта кредитлаш битимларига юридик ҳулосалар берилсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва Ў.И. Барноев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 10 апрель,
ПҚ-4669-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**158 Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Республикада сўнги йилларда доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, доривор ўсимликлар етиштириладиган плантациялар ташкил этиш ва уларни қайта ишлаш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Маҳаллий флорага мансуб 4,3 мингдан ортиқ ўсимликларнинг 750 та тури доривор ҳисобланиб, улардан 112 та тури илмий тиббиётда фойдаланиш учун рўйхатга олинган, шундан 70 та тури фармацевтика саноатида фаол қўлланиб келинмоқда.

2019 йилда 48 млн АҚШ доллари қийматидаги қайта ишланган доривор ўсимликлардан олинган маҳсулотлар экспорт қилинган.

Шу билан бирга, таҳлиллар доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, уларнинг плантацияларини ташкил этиш, қайта ишлаш орқали қўшимча қиймат занжирини яратиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Доривор ўсимликлар етиштириш ва қайта ишлашни янада ривожлантириш учун қулай муҳит яратиш, соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек, таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш жараёнларини интеграциялаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг 2020 йил 1 майдан бошлаб доривор ўсимликларни етиштириш, сақлаш, бирламчи ёки чуқур қайта ишлаш кластерларини (кейинги ўринларда — доривор ўсимликлар кластери) ташкил этиш, шунингдек, ҳудудларни доривор ўсимликлар етиштириш бўйича ихтисослаштириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Асосий турдаги доривор ўсимликларни етиштиришга ихтисослаштириладиган ҳудудлар рўйхати иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) доривор ўсимликлар кластерига ер майдони Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва ташаббускорлар ўртасида тузиладиган битим асосида ажратилади;

б) хорижий инвесторлар иштирокида ташкил этиладиган доривор ўсимликлар кластерига ер майдони Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, ўрмон фонди ерларида эса Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси билан тузиладиган инвес-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 11 апрелда эълон қилинган.

** Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тиция киритиш тўғрисидаги шартнома имзолангандан сўнг Вазирлар Маҳкамаси томонидан ажратилади.

Бунда доривор ўсимликлар кластерларига ер майдони доривор ўсимликлар етиштиришга мос бўлган, юридик ва жисмоний шахсларга ажратилмаган ва қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан, захирадаги ерлардан, шунингдек, лалми ва ўрмон фонди ерларидан ажратилади;

в) доривор ўсимликлар кластерини ташкил этадиган ташаббускор томонидан тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (ўрмон фонди ерларида — Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси)га қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

доривор ўсимликлар кластерини ташкил этиш бўйича ариза;

доривор ўсимликлар кластери фаолиятини ташкил этишда доривор ўсимликларни етиштириш, муҳофаза қилиш, қайта ишлаш ва ресурс тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан бизнес-режа ёки техник-иқтисодий асос;

доривор ўсимликлар кластерининг фаолият юритиши учун зарур инфратузилма объектлари (фойдаланиш ҳуқуқи асосида), шунингдек, мол-мулк ва бошқа воситаларнинг мавжудлиги ҳақида маълумотнома.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимлари доривор ўсимликлар кластерларини ташкил этишда иқтисодий жиҳатдан барқарор фаолият юритаётган, зарур инфратузилма объектлари, шунингдек, мол-мулк ва бошқа воситаларга эга бўлган салоҳиятли юридик шахсларни танлаш ва шакллантиришга шахсан масъул ҳисобланади.

4. Қўйидагилар доривор ўсимликлар кластерининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

доривор ўсимлик етиштирувчилар билан етиштирилган маҳсулотни харид қилиш бўйича шартномалар тузиш, уларни уруғлик, минерал ўғитлар, техника, ёқилғи ва бошқа воситалар билан таъминлаш;

ихтисослаштирилган ҳудудларда доривор ўсимликларни етиштириш, уруғликлар ва кўчатлар тайёрлаш, босқичма-босқич замонавий доривор ўсимликлар плантациялари ташкил этиш;

доривор ўсимликларни етиштириш ва уруғчилигини ташкил этишда илғор илм-фан ютуқларини қўллаш;

доривор ўсимликлар етиштириш ва уларни қайта ишлаш бўйича халқаро ташкилотлар билан ўзаро фаол ҳамкорлик қилиш ва соҳага босқичма-босқич инновацион ечимлар (ноу-хау) жорий этиш;

доривор ўсимликлар етиштириш ва уларни қайта ишлашга хорижий компанияларнинг инвестициялари ҳамда илғор технологияларини жалб қилиш;

доривор ўсимликлар ва улардан олинадиган маҳсулотларга бўлган ички бозор талабини қондириш ҳамда уларни экспорт қилиш;

тажриба ва маълумотларнинг доимий алмашинувини ташкил этиш орқали ушбу йўналишдаги хорижий илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, халқаро тадқиқот дастурлари, анжуманлар ва симпозиумларда иштирок этиш.

5. Белгилансинки:

а) доривор ўсимликлар плантациялари ресурс тежовчи технологияларни қўллаган ҳолда, «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида ажратиладиган, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан барпо этилади;

б) доривор ўсимликлар кластерларига:

ер майдонларини фойдаланишга киритишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5742-сон Фармонида;

қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари, энергия самарадор газ-горелкали қурилмалар ва қозонлар, шунингдек, энергия самарадор бошқа ускуналарни харид қилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 августдаги «Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4422-сон қарорида;

қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 апрелдаги «Аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан ўз вақтида таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4268-сон қарорида назарда тутилган имтиёзлар татбиқ этилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг доривор ўсимликлар кластерлари, доривор ўсимликлар етиштирувчилар ва уларни қайта ишловчилар томонидан 2023 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб келинадиган хом ашё, шу жумладан маданий плантациялар барпо этиш учун уруғ ва кўчатларни, ускуналар ҳамда махсус техникаларни, шунингдек, фитобарлар учун вендинг автоматларини божхона божидан озод қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Бунда, вендинг автоматлари фақат фитобарлар ташкил этиш учун, божхона имтиёзлари берилиши ҳисобидан бўшайдиган маблағлар ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилишга мақсадли йўналтирилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда:

бир ой муддатда камайиб бораётган табиий ҳолда ўсувчи ноёб доривор ўсимликлар рўйхатини шакллантирсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари томонидан амалга оширилган доривор ўсимликларга доир илмий тадқиқотлар, янги инновацион

ишланмалар бўйича маълумотлар базасини шакллантирсин, шунингдек, уларнинг тизимли равишда янгилаб борилишини таъминласин;

тиббиётда қўлланиладиган доривор ўсимликлар коллекцияси участкаси ва генбанкни ташкил этсин;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда ўсимлик хом ашёсини чуқур қайта ишлаш асосида дори субстанциялари ишлаб чиқаришни ташкил этиш механизмларини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда дори воситалари билан бир қаторда кимёвий дори воситаларининг организмга салбий таъсирининг олдини олиш хусусиятларига қараб доривор ўсимликларни минимум стандарт рецептларига киритиш бўйича тегишли ҳужжатларга ўзгартиришлар киритсин;

2020 йилнинг 1 июнидан бошлаб тиббиёт муассасалари, шу жумладан оилавий поликлиникалар ва қишлоқ (овул) врачлик пунктларида фитобарлар ташкил этсин;

б) Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги қошидаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш фонди маблағлари ҳисобидан халқ таъбиридан усулларидан фойдаланган ҳолда тиббий хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ва мутахассислар, уларнинг иш тажрибаси, кўрсатадиган хизмат турлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган ягона маълумотлар базасини шакллантирсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ҳар йили 1 декабрга қадар фармацевтика тармоғининг доривор ўсимликларга бўлган талаби (тури, ҳажми, технологик талаблар ва бошқалар)ни Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг марказий аппаратида Доривор ва зиравор ўсимликларни ривожлантириш бўлими негизида 5 та штат бирлигидан иборат Доривор ва зиравор ўсимликларни ривожлантириш бошқармаси ташкил этилсин.

Мазкур бошқарманинг қўшимча штат бирликлари Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари ва тизимидаги 3 та штат бирлигини қисқартириш ҳисобидан шакллантирилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтида мавжуд штат бирликлари доирасида доривор ўсимликлар селекцияси, уруғчилиги ва агротехникаси бўлимини ташкил қилсин.

Бунда, мазкур бўлимга доривор ўсимликларни етиштириш, уларнинг селекцияси ва уруғчилиги бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда агрокимёкартограммалар ишлаб чиқиш вазифалари юклатилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги, тижорат банклари билан биргаликда доривор ўсимликларни етиштириш, қайта ишлаш, уларнинг маданий плантацияларини яратиш, уруғчилиги ва оналик кўчатзорларини ташкил этиш учун халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, хорижий ҳукумат ташкилотларининг маблағлари ва грантларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

13. Белгилансинки:

камайиб бораётган табиий ҳолда ўсувчи ноёб доривор ўсимликларни тўплаш (ғамлаш) ва ташқарига олиб чиқиш учун рухсатномалар ажратиладиган квотанинг камида 50 фоизи ҳажмида табиий плантацияларни барпо этиш шарти билан берилади;

доривор ўсимликларни тўплаш (ғамлаш), уларни олиб кириш ва ташқарига олиб чиқишга рухсатномалар учун, аризаларни кўриб чиққанлик ва рухсатнома берганлик учун ундирилиб, маҳаллий бюджетга йўналтириладиган тўловлар (ўрмон фонди ерлари бундан мустасно) табиий ҳолда ўсувчи, шу жумладан йўқолиб бораётган доривор ўсимликларни сақлаш, хатловдан ўтказиш, уларнинг маданий плантацияларини яратиш, оналик кўчатзорларини ташкил этиш, доривор ўсимликларни етиштиришга доир технологик хариталар ишлаб чиқиш харажатларини қоплаш учун сарфланади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари табиий ҳолда ўсувчи, шу жумладан йўқолиб бораётган доривор ўсимликларни сақлаш, хатловдан ўтказиш, уларнинг маданий плантацияларини яратиш, оналик кўчатзорларини ташкил этиш, доривор ўсимликларни етиштиришга доир технологик хариталар ишлаб чиқиш харажатларини қоплаш учун маҳаллий бюджетга йўналтириладиган маблағларнинг сарфланишига шахсан жавобгар ҳисобланади.

14. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси:

а) Фанлар академияси билан биргаликда:

йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликлар муҳофазасини кучайтириш, уларни табиий плантациялар барпо этиш йўли билан тиклаш чораларини кўрсин;

икки ой муддатда камайиб бораётган ноёб доривор ўсимликлар мавжуд бўлган «махсус ҳудуд»ларни ажратиш ва уларни муҳофазага олиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

б) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда йўқолиб бораётган доривор ўсимликларни сақлаш, хатловдан ўтказиш, уларнинг маданий плантацияларини, оналик кўчатзорларини ташкил этиш, доривор ўсимликларни етиштиришга доир технологик хариталарни ишлаб чиқиш харажатларини қоплаш тартибини ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги бир ой муддатда:

а) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда доривор ўсимликлар плантацияларини барпо этиш бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда инновацион илмий-техник лойиҳалар бўйича грант танловларини эълон қилишни таъминласин. Бунда, доривор ўсимликлар маданий плантацияларини яратиш, оналик кўчатзорларни ташкил этиш ва инновацион технологияларни жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилсин;

доривор ўсимликлар маданий плантацияларини барпо этиш ва қайта ишлаш бўйича «стартап» лойиҳалар шакллантирилишини ҳамда грант танловлари асосида амалга оширилишини таъминласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Фанлар академияси билан биргаликда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида «Ўзбекистон доривор ўсимликлари» кичик инновацион корхонасини ташкил этсин. Бунда ушбу корхонанинг асосий вазифаси этиб доривор ўсимликларнинг намунавий кластерини ташкил этиш, доривор ўсимликларга оид илмий-тадқиқот ишлари натижаларини жорий этиш ва тарғиб қилиш, ҳудудларда фитобарлар очиш, доривор ўсимлик етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш, халқаро молия институтлари маблағларини, хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобланади.

Белгилансинки, «Ўзбекистон доривор ўсимликлари» кичик инновацион корхонаси фаолияти Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоёларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари, банк кредитлари, ташаббускорлар маблағлари, ҳомийлик, хизмат кўрсатишдан тушадиган, халқаро молия институтлари маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

16. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб 2025/2026 ўқув йилига қадар ўрта, ўрта махсус ва олий таълим тизимида доривор ўсимликларга оид махсус соатларни ўқув режаларига киритсин;

2020/2021 ўқув йили бошлангунга қадар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда ўқув дастурлари, дарсликлар ва қўлланмаларга доривор ўсимликлар ҳақида маълумотлар киритилишини таъминласин;

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб мактаб ва олий таълим муассасаларида фитобарлар ташкил этсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2020 йилнинг 1 июнидан бошлаб босқичма-босқич барча вазирлик ва идораларда, Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропорти ҳамда маҳаллий аэропортларда, барча турдаги автовокзал, темир йўл вокзалларида, бозорлар, санаторий-курорт муассасаларида ҳамда бошқа аҳоли гавжум жойларда фитобарлар ташкил этиш чораларини кўрсин.

18. Белгилаб қўйилсинки, тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат муассасаларида фитобарлар ташкил этилганда, давлат мулки объектларидан фойдаланганлик учун ижара тўлови белгиланган миқдорлари 50 фоизга камайтирилган ҳолда ҳисобланади.

Бунда, фитобарлар вендинг автоматлари орқали ташкил қилинган ҳолларда, давлат мулки объектларидан фойдаланганлик учун ижара тўловлари ҳисобланмайди.

19. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг палата марказий аппаратида мавжуд штат бирликлари доирасида Доривор ва зиравор ўсимлик етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш бўлимини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин;

Бунда мазкур бўлимнинг асосий вазифалари доривор ва зиравор ўсимлик етиштирувчилар манфаатларини қўллаб-қувватлаш, хорижий мамлакатларда кўргазмалар ташкил этиш, етиштириладиган доривор ва зиравор ўсимликларнинг хусусиятлари, улар етиштириладиган ҳудудлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи электрон ахборот тизимини яратиш эканлиги маълумот учун қабул қилинсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари (Ў. Барноев): икки ҳафта муддатда 2020 йилда доривор ўсимликларни етиштирувчи, қайта ишловчи ва экспорт қилувчилар томонидан ташкил этиладиган кластерларнинг манзилли рўйхати ва доривор ўсимликлар етиштиришнинг прогноз кўрсаткичларини тасдиқласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг таклифига кўра, ҳар йили 1 октябрга қадар доривор ўсимликлар кластерлари ташкил этувчиларнинг рўйхатини шакллантирсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда доривор ўсимликлар маданий плантацияларини ва оналик кўчатзорларини барпо этиш учун олиб келинадиган уруғ ва кўчатлар учун карантин рухсатномасини бериш тартибини соддалаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

22. Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг буюртмасига асосан доривор ўсимликлар соҳасида халқаро молия институтлари иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида доривор ўсимликлар етиштирувчилар, қайта ишловчилар ва мутахассисларни хорижий мамлакатларга юборсин.

23. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари:

Ўзбекистон доривор ўсимликлари кичик инновацион корхонаси томонидан намунавий доривор ўсимликлар кластерлари ва жойларда фитобарлар ташкил этилишини;

Доривор ўсимликлар кластерларига доривор ва зиравор ўсимликларни етиштиришга мос бўлган ер майдонлари ажратилишини таъминласин.

24. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Инновацион

ривожланиш вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

25. Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясига доривор ўсимликларнинг тиббий аҳамияти, тиббиётда қўлланилиши, халқ табobati, доривор ўсимликлар табиий плантацияларини яратиш, оналик кўчатзорларни ташкил этиш, инновацион технологияларни жорий қилишга оид махсус кўрсатувлар ва роликларни мунтазам намойиш этиб бориш юклатилсин.

26. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.И. Барноев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 10 апрель,
ПҚ-4670-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

159 Хоразм вилояти таркибида Тупроққалъа туманини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Хоразм вилояти таркибида Тупроққалъа туманини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2020 йил 23 мартдаги 184–IV-сон ва Олий Мажлис Сенатининг 2020 йил 24 мартдаги СҚ–61–IV-сон «Хоразм вилоятининг Ҳазорасп тумани чегараларини ўзгартириш ва Тупроққалъа туманини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Хоразм вилояти таркибида Тупроққалъа тумани ҳокимлиги ташкил этилсин.

3. Қўйидагилар:

Хоразм вилояти Тупроққалъа тумани ҳокимлиги бошқарув аппарати-нинг намунавий тузилмаси 1-иловага**;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 11 апрелда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларининг Хоразм вилояти Тупроққалъа туманидаги бўлинмалари рўйхати ҳамда уларга кўшимча штат бирликларини киритиш ҳисобидан ташкил этиладиган ходимларнинг умумий чекланган сони 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Хоразм вилоятининг Тупроққалъа туманида жойлашган давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари ўзларининг туман бўлинмалари ходимлари чекланган сонини тегишли вазирлик ва идораларнинг умумий штат бирликлари сони доирасида кўпайтириши мумкинлиги белгилансин.

4. Хоразм вилояти таркибида Тупроққалъа туманини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) таркиби 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Республика комиссияси (А.Ж. Раматов):

а) бир ой муддатда:

Хоразм вилояти таркибида Тупроққалъа туманини ташкил этиш билан боғлиқ зарур комплекс ташкилий-техник тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва уларнинг белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Тупроққалъа тумани маҳаллий бюджети ва уни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг прогноз параметрларини белгиласин;

Хоразм вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда Тупроққалъа тумани ҳокимлигини зарур бино ва иншоотлар ҳамда моддий-техника воситалари билан таъминлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

б) Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Тупроққалъа туманини ташкил этиш даврида иқтисодиёт тармоқларининг аниқ, барқарор ва бир маромда ишлашини, шунингдек, юзага келадиган ижтимоий масалаларнинг ўз вақтида ҳал этилишини таъминласин;

в) Хоразм вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда Хоразм вилояти таркибида Тупроққалъа тумани ташкил этилиши муносабати билан янгидан ташкил этилаётган давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари ҳудудий тузилмаларини кўп йиллик тажрибага эга бўлган малакали кадрлар билан тўлдириш, шунингдек, Ҳазорасп туманидаги мавжуд штат бирликларининг қисқариши ҳисобига бўшаб қолаётган ходимларни ишга жойлаштириш чораларини кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси статистика кўрсаткичларини шакллантириш ҳамда юритишда Тупроққалъа туманининг маъмурий ҳудудларини инобатга олсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси икки ой муддатда Тупроққалъа тумани ҳокимлиги ташкил этилиши натижасида Ҳазорасп тумани маъмурий-ҳудуд

* 2-3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

дий чегараси ўзгарганлиги муносабати билан ер ҳисоботларига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар икки ой муддатда Тупроққалъа туманида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тузилмаларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари билан биргаликда Тупроққалъа туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида тижорат банкларининг филиалларини мазкур туманда ташкил этилишини мувофиқлаштиришсин.

10. Қўйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Молия вазирлиги билан биргаликда Тупроққалъа туманида қўшимча штат бирликларини ажратган ҳолда адлия бўлими ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларини ташкил этиш бўйича тегишли тадбирлар амалга оширилишини;

Тупроққалъа туманида давлат хизматлари маркази ташкил этилишини;

б) Хоразм вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда Тупроққалъа туманида давлат хизматлари маркази биносининг давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ёки инвесторлар бўлмаган тақдирда, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қурилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда 2020 йил 1 сентябрга қадар Тупроққалъа тумани марказининг 2035 йилгача бўлган бош режасининг ишлаб чиқилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ–2691-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ туманлари ҳокимликлари бошқарув аппарати ходимларининг чекланган сонига 4-иловага* мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар 1-иловага мувофиқ Тупроққалъа тумани ҳокимлиги ҳамда 2-иловага мувофиқ ташкил этилаётган давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларининг туман бўлимларини сақлаш харажатларини молиялаштириш чораларини кўрсин.

14. Тупроққалъа туманининг бутун ҳудуди учун «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонасида белгиланган имтиёз ва преференциялар амал қилиши белгилаб қўйилсин.

15. Хоразм вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Ш.Д. Кудбиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 11 апрель,
ПҚ-4671-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**160 «Навоий вилоятида қуввати 100 МВт бўлган фото-
электрик станцияни қуриш» инвестиция лойиҳаси-
ни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Қайта тикланадиган энергетикани жадал ривожлантиришни таъминлаш, электр энергияси ишлаб чиқариш манбаларини диверсификациялаш, табиий газдан ёқилғи сифатида фойдаланишни камайтириш, шунингдек, электр энергетика тармоғига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

а) Халқаро молия корпорациясининг молиявий ва техник кўмагида Навоий вилоятида умумий қуввати 100 МВт бўлган фотоэлектрик станцияни лойиҳалаштириш, молиялаштириш, қуриш ва ишлатиш бўйича тажрибасинов лойиҳасини (кейинги ўринларда — инвестиция лойиҳаси) амалга ошириш учун инвестор танлаб олиш жараёни яқунланганлиги;

б) инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида Жаҳон банки гуруҳи тартиб-таомилларига мувофиқ ўтказилган тендер савдолари натижаларига кўра, «Abu Dhabi Future Energy Company PJSC — Masdar» (БАА) компанияси (кейинги ўринларда — Инвестор) фолиб деб топилганлиги;

в) Ўзбекистон Республикаси Хукумати номидан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Инвестор ўртасида 2019 йил 8 ноябрда инвестиция лойиҳасини лойиҳалаштириш, молиялаштириш, қуриш ва ишлатиш мақсадида Навоий вилоятида умумий қуввати

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 15 апрелда эълон қилинган.

100 МВт бўлган фотоэлектрик станцияни (кейинги ўринларда — ФЭС) лойиҳалаштириш, молиялаштириш, қуриш ва 25 йил давомида ишлатиш билан боғлиқ Инвестор мажбуриятларини назарда тутувчи Инвестиция битими (кейинги ўринларда — Инвестиция битими) тузилганлиги;

г) инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун Инвестор томонидан Ўзбекистон Республикасида Инвестор номидан иш юритадиган «Nur Navoi Solar» масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда — Лойиҳа компанияси) таъсис этилганлиги;

д) «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ва Инвестор ўртасида 2019 йил 8 ноябрда Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим (кейинги ўринларда — Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим) тузилганлиги, унга мувофиқ:

Инвестор ишлаб чиқарилган электр энергиясини кафолатланган тарзда «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ тимсолида ягона харидорга сотиш мажбуриятини олганлиги;

Инвестор ўзининг ва Лойиҳа компаниясининг мажбуриятларини лозим даражада бажариши бўйича 20 млн АҚШ доллари миқдоридаги банк кафолатини тақдим қилиши;

Инвестор кучланишни оширувчи ФЭС подстанциясини қуриш ва фойдаланишга топширилгандан кейин уни «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖга бепул асосда бериш мажбуриятини олиши;

инвестиция лойиҳасининг бутун 25 йиллик муддати давомида инвестиция лойиҳаси доирасида ишлаб чиқарилган 1 киловатт-соат электр энергияси учун хорижий валютада деноминацияланган 2,679 АҚШ центи миқдорида қатъий тариф белгиланганлиги;

«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим шартларига мувофиқ электр энергиясини кафолатланган тарзда харид қилиш мажбуриятини олиши ва электр энергияси учун тўловни маҳаллий валютада амалга ошириши;

«Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ электр энергиясини олти ой мобайнида сотиб олишни қоплаш учун мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида Инвестор фойдасига хорижий валютада тасдиқланган тикланадиган аккредитив очиш мажбуриятини олиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ва Инвестор ўртасидаги Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим маъқуллансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Инвестор ўртасидаги Инвестиция битими тасдиқлансин.

Белгилансикки, Инвестиция битими у имзоланган кундан эътиборан кучга киради.

4. Инвестиция битимига мувофиқ унинг амал қилиш муддати давомида электр энергиясини сотиб олиш учун хорижий валютада деноминацияланган қатъий тариф ўрнатилганлиги белгилаб қўйилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирли-

ги, «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ ва Навоий вилояти ҳокимлигига Лойиҳа компанияси ва инвестиция лойиҳасини молиялаштиришда иштирок этаётган кредиторлар билан инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида имзоланган битимлар бўйича мажбуриятлар Лойиҳа компанияси томонидан бажарилмаган тақдирда Лойиҳа компанияси ҳуқуқларини кредиторларга бериш юзасидан битимлар тузиш ҳуқуқи берилсин.

6. Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битимга мувофиқ «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ:

Электр энергиясини сотиб олиш тўғрисидаги битим шартларига мувофиқ Лойиҳа компанияси билан Харидорнинг уланиш воситаларини бериш тўғрисидаги битимни тузсин;

Харидорнинг уланиш воситаларини бериш тўғрисидаги битим шартларига мувофиқ кучланишни оширувчи ФЭС подстанцияси фойдаланишга топширилгандан кейин уни Лойиҳа компаниясидан ўз мулкига қабул қилиб олсин;

ФЭСда ишлаб чиқариладиган электр энергиясини олти ой мобайнида сотиб олишни қоплаш учун мажбуриятлар бажарилишининг таъминоти сифатида Лойиҳа компанияси фойдасига хорижий валютада тасдиқланган тикланадиган аккредитивни очсин.

7. Инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида Лойиҳа компаниясига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

кредитлаш, хорижий валютадаги маблағларни олиш ва улардан фойдаланиш (шу жумладан, бошқалардан ташқари хорижий валютада кредит маблағлари тушумлари) учун чет эллардаги хорижий банкларда банк ҳисобварақлари очиш;

Ўзбекистон Республикасининг ташқарисидаги хорижий пудратчилар, етказиб берувчилар ёки хорижий кредиторларга тўловларни Ўзбекистон Республикасидаги банк ҳисобварақлари орқали ўтказмасдан тўғридан-тўғри амалга ошириш.

8. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги «2015 — 2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сифимини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги ПҚ-2343-сон қарорининг 5-банди иккинчи хатбошисида назарда тутилган қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида сотиладиган электр энергияси ҳажмларига нисбатан татбиқ этилмайди.

9. Навоий вилояти ҳокимлиги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида Инвестиция битимида белгиланган ер участкасини ажратиб берсин ва Инвестиция битими шартларига мувофиқ Лойиҳа компанияси билан ерни ижарага бериш тўғрисидаги шартномани имзоласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида Инвестиция битими қоидаларига мувофиқ имзоланган битимлар юзасидан юридик хулоса берсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси лойиҳа ҳужжатларининг давлат экология экспер-

тизасидан ўтказилишини ва инвестиция лойиҳасини амалга оширишда табиатни муҳофаза қилишга оид қонунчиликка риоя қилиниши устидан лозим даражада назорат ўрнатилишини белгиланган тартибда таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Лойиҳа компанияси буюртманомаларига асосан инвестиция лойиҳасини амалга оширишда иштирок этадиган хорижий мутахассисларга кириш визалари расмийлаштирилишини (муддати узайтирилишини) белгиланган тартибда таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Лойиҳа компанияси буюртманомаларига асосан инвестиция лойиҳасини амалга оширишда иштирок этадиган хорижий мутахассисларга кўп марталик визалар расмийлаштирилиши, берилиши (муддати узайтирилиши) ҳамда вақтинчалик яшаш жойи бўйича вақтинчалик пропискага қўйилиши ва унинг муддати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Лойиҳа компанияси буюртманомаларига асосан Ўзбекистон Республикасига хорижий ишчи кучини (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлмаганлар орасидан) жалб этишга рухсатномалар берилишини (муддати узайтирилишини), шунингдек, хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) белгиланган тартибда таъминласин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 15 апрель,
ПҚ-4677-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**161** Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш
тўғрисида*

Давлат харидлари тизимини такомиллаштириш, давлат буюртмачиларининг масъулиятини ошириш, инвестиция лойиҳаларини самарали ва ўз вақтида амалга оширишни таъминлаш, шунингдек, бюрократик тўсиқларни қисқартириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 15 апрель,
ПҚ-4678-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 15 апрелдаги
ПҚ-4678-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
хужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «Хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3487-сон қарорининг 2-бандида:

учинчи ва тўртинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг беш минг бараваридан ошган товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилишга бўлган техник топшириқлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш марказида мажбурий экспертизадан ўтказилади;

* Ушбу қарор «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 16 апрелда эълон қилинган.

мазкур банд билан назарда тутилган тартибда, энг яхши таклифларни танлаб олиш ва тўғридан-тўғри музокаралар асосида стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналар томонидан тузилган қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг қирқ минг бараваридан ошган импорт контрактлар ва уларга қўшимча келишувлар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш марказида мажбурий экспертизадан ва рўйхатдан ўтказилади»;

олтинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ инвестиция фаолияти доирасида стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналар томонидан амалга оширилаётган товарлар (ишлар, хизматлар) харидларига, Республика минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш йиллик давлат дастурлари бундан мустасно;».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 февралдаги «Лойиҳаолди, лойиҳа, тендер ҳужжатлари ва контрактларни экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3550-сон қарорида:

а) 2-бандда:

биринчи хатбошидаги «Иқтисодиёт ва саноат» сўзлари «Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш» сўзлари билан алмаштирилсин; «б» ва «в» кичик бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг беш минг бараваридан ошган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат харидига бўлган техник топшириқларни комплекс экспертизадан ўтказиш;»;

в) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда энг яхши таклифларни танлаб олиш ва тўғридан-тўғри музокаралар асосида стратегик харид қилувчилар томонидан тузилган қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг қирқ минг бараваридан ошган импорт контрактлар ва уларга қўшимча келишувларни экспертизадан ўтказиш ва рўйхатга олади.»;

б) 2-илованинг 3-банди «б» кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг беш минг бараваридан ошган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат харидига бўлган техник топшириқ (2-иловага мувофиқ схема бўйича);»;

в) 3-илованинг 6-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда энг яхши таклифларни танлаб олиш ва тўғридан-тўғри музокаралар асосида стратегик харид қилувчилар томонидан тузилган қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг қирқ минг бараваридан ошган импорт контрактлар ва уларга қўшимча келишувлар экспертизадан ўтказилади ва рўйхатга олинади. Бунда, импорт контрактлар ва уларга қўшимча келишувларни экспертизадан ўтказиш ҳамда рўйхатга олиш учун хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга корхоналар томонидан инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳалар бўйича

лойихаолди ва лойиха ҳужжатларига, шунингдек, жорий фаолият бўйича — ишлаб чиқариш нормативларига мувофиқ импорт контрактини тузиш зарурлигининг асосланиши тақдим этилади.»

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3953-сон қарорида:

а) 2-банднинг «а» кичик банди қуйидаги таҳрирдаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари томонидан амалга ошириладиган давлат харидлари;»;

б) иловада:

12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Оммавий ахборот воситаларида матбуот анжумани, брифинг, мавзули телекўрсатув ва бошқа тадбирларни ўтказиш, реклама жойлаштириш, мақола чоп этиш;»;

18-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги» сўзлари «давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган» сўзлари билан алмаштирилсин;

27-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги» сўзлари «Давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги 36-банд билан тўлдирилсин:

«36. Давлат ва стратегик буюртмачининг ишлаб чиқариш фаолиятида фойдаланиш учун бошқа етказиб берувчи томонидан маҳсулот етказиб бериш имконияти бўлмаган тақдирда лицензия битимига (шартномасига, контрактига) асосан товарлар (ишлар, хизматлар)нинг интеллектуал фаолият натижалари муаллифидан ёки интеллектуал фаолият натижаларидан мутлақ фойдаланиш ҳуқуқига эга етказиб берувчидан, шунингдек, фан, адабиёт ва санъат асарлари, ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттиришлари каби интеллектуал фаолият натижаларининг ушбу интеллектуал мулк объектларига нисбатан мутлақ ҳуқуққа эга бўлган ягона шахсдан давлат харидлари.»

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги «Ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, саноат тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёнини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4077-сон қарори 2-банди «а» кичик бандининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«товарлар (ишлар, хизматлар) харид қилишга бўлган техник топшириқларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Лойихалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш марказида мажбурий экспертизадан ўтказиш тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган (биргаликда молиялаштириладиган) ҳолатлар бундан мустасно;».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4105-сон қарорининг 4-бандида:

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи — саккизинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи — еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 декабрдаги «Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ва давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4544-сон қарори 1-бандининг иккинчи хатбошидаги «ўн беш» сўзлари «ўн» сўзи билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

162 **Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш ва биринчи навбатдаги тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Коронавирус инфекциясининг қисқа муддат ичида глобал миқёсда тарқалиши деярли барча мамлакатлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатнинг ёмонлашувига олиб келмоқда.

Жаҳон банки, Халқаро Валюта Фонди ва бошқа халқаро институтлар 2020 йилда жаҳон иқтисодиётининг пасайишини прогноз қилмоқда, карантин муддатларининг чўзилиши туфайли ушбу прогнозлар глобал ишлаб чиқариш ҳажмларининг янада пасайиши тарафига ўзгармоқда.

Карантин даври Ўзбекистонда асосан жорий йилнинг II чорагига тўғри келиши ва шу даврда иқтисодий фаолликнинг сезиларли пасайиши Давлат бюджети барқарорлигига хавф туғдирмоқда. Шунинг учун касаллик тарқалишини максимал даражада локализация қилиш ва карантин муддатлари чўзилиб кетишининг имкон қадар олдини олиш муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш, коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича муҳим тадбирларни, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсия ва нафақалар ҳамда устувор давлат дастурларини ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштириш мақсадида:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 16 апрелда эълон қилинган.

1. 2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг тасдиқланган тақчиллиги мавсумий омилларни инобатга олган ҳолда асосан жорий йилнинг II чорагига тўғри келиши ва коронавирус пандемияси оқибатида қўшимча бюджет харажатларининг юзага келиши туфайли тақчилликнинг ушбу чорақда янада ошиши кутилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар коронавирус пандемияси ва глобал инқироз даврида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва бюджет харажатларини мақбуллаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган тадбирларни амалга ошириш;

муҳим ижтимоий харажатларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш; жаҳондаги ва республикадаги ижтимоий-иқтисодий фаоллик аҳволи таҳлили ва муҳимлик даражасидан келиб чиққан ҳолда долзарб ҳисобланмаган лойиҳа ва харажатларни кейинги даврларга кўчириш;

давлат дастурларини бажаришга йўналтириладиган бюджет маблағларини қисқартиришда лойиҳаларнинг устуворлиги ва ижтимоий йўналтирилганлигини инобатга олиш;

давлат ички ва ташқи мажбуриятларининг, шу жумладан фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш ҳамда давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш;

бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг харажатларни мустақил камайтириш бўйича масъулиятини ошириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тегишли даражадаги бюджет тушумларини, шунингдек, республика бюджетидан ажратилаётган трансфертларни, акциз солиғи бўйича ўтказмаларни, бюджет ссудаларини ҳамда бошқа маблағларни биринчи навбатда қуйидагиларни молиялаштиришга йўналтирсин:

коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш бўйича тадбирларга, жумладан дори воситалари ва тиббиёт буюмлари сотиб олиш, тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва уларни жиҳозлашга;

иш ҳақи, пенсиялар, стипендия ва нафақаларни ўз вақтида тўлашга; озик-овқат маҳсулотларини сотиб олиш, коммунал тўловлар ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган харажатларни қоплашга;

Инқирозга қарши курашиш республика комиссиясининг қарорига асосан бошқа тадбирлар ва харажатларга.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги кечиктириб бўлмайдиган харажатларни ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштириш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига бюджет ссудаларини мунтазам равишда ажратиб борсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

уч кун муддатда коронавирусга қарши курашиш тадбирларида иштирок этаётган тиббиёт, санитария ва эпидемиология хизмати муассасалари ходимлари, шу жумладан ёрдамчи ходимлар ҳамда мазкур тадбирларга жалб қилинаётган бошқа ташкилот ходимларига 2020 йилнинг 16 мартдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан қўшимча устамалар тўлаш бўйича таклиф киритсин;

беш кун муддатда тиббиёт, санитария ва эпидемиология хизмати муассасалари учун қўшимча равишда бинолар қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда уч кун муддатда барча даражадаги бюджетларнинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари харажатларини мақбуллаштириш;

2020 йилнинг II чораги учун режалаштирилган айрим харажатларни 2020 йилнинг иккинчи ярим йиллигига ўтказиш орқали карантин даврида барча даражадаги бюджетларнинг барқарорлигини таъминлаш бўйича қарор қабул қилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига давлат ҳокимияти органлари, суд ва прокуратура органлари, вазирликлар ва идораларнинг солиқлар, мажбурий йиғимлар, божлар, жарималар ҳисобидан жамланган бюджетдан ташқари жамғармалари харажатларини (ҳодимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва қонунчиликда белгиланган моддий рағбатлантириш харажатлари бундан мустасно) қисқартириш ва иқтисод қилинган маблағларни Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига йўналтириш ваколати берилсин.

Вазирлик, идоралар ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари жорий йилнинг 1 августига қадар бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан асосий воситаларни харид қилиш, қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш билан боғлиқ харажатларни тўхтатсин, молиялаштириш бошланган чора-тадбирлар бундан мустасно.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар харажатларини мақбуллаштириш юзасидан уларнинг бизнес-режаларини танқидий қайта кўриб чиқсин;

тасдиқланган инвестиция дастурлари параметрларининг кузатув кенгашлари томонидан қайта кўриб чиқилиши ва ўзгартирилишини таъминласин ҳамда уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни ҳар чоракда кўриб борсин;

устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган корхоналар ва ташкилотларда 2019 йил учун олинган ва 2020 йилда олинган соф фойда бўйича давлат улушига ҳисобланган дивидендларни тўлиғича Давлат бюджетига ўтказиш юзасидан тегишли чораларни кўрсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш даврида фойдали қазилмаларни қазиб олиш соҳасида фаолият юритувчи устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган корхоналар ва ташкилотлар учун товарлар (ишлар, хизматлар) реализациясидан тушган тушум ёки фойдани тақсимлашнинг алоҳида режимини белгилаш ҳуқуқи берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ва Вазирлар Маҳкамаси жорий йил 1 июнига қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, суд ва прокуратура органлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, барча вазирлик ва идоралар ҳамда уларнинг ҳудудий органлари, уларнинг таркибига кирувчи ташкилотлар ва жамғармалар учун ягона меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини татбиқ этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн беш кун муддатда:

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан амалга ошириладиган ва қурилиш-монтаж ишлари бошланмаган инвестиция лойиҳаларини танқидий кўриб чиқиб, айрим лойиҳаларни кечиктириш бўйича тегишли қарор қабул қилсин;

коронавирус пандемияси ва глобал инқироз даврида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларни оптималлаштиришнинг устувор йўналишларини инobatга олган ҳолда «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси мазкур қарорда кўзда тутилган тадбирларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатсин.

11. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 15 апрель,
ПҚ-4679-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**163 Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизими-
ни тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни
ошириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Тошкент давлат шарқшунослик институти томонидан Ўзбекистоннинг Шарқ мамлакатлари билан икки ва кўп томонлама сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилувчи малакали мутахассисларни тайёрлаш, жаҳонда рўй бераётган жараёнларни тўғри талқин қила оладиган таҳлилий тафаккурга эга кадрларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш, шарқ тиллари бўйича синхрон таржимонларни етиштириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, институтда шарқшунослик соҳасида халқаро стандартлар даражасида олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш, илмий-педагогик салоҳиятни ривожлантириш, таълим жараёнининг ўқув-услубий ва ахборот таъминотини яхшилаш, моддий-техник базани замон талабларига мос равишда янгилашда ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолар сақла-ниб қолмоқда.

Шарқшунослик соҳасида халқаро стандартларга мувофиқ комплекс билимларга эга малакали кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, илм-фанни жадал ривожлантириш, профессор-ўқитувчиларнинг салоҳияти, педагогик маҳоратини узлуксиз ошириб бориш, талаба-ёшларни шарқона кадриятлар асосида тарбиялашни такомиллаштириш мақсадида:

1. Тошкент давлат шарқшунослик институти негизида Тошкент давлат шарқшунослик университети (кейинги ўринларда — Университет) ташкил этилсин.

2. Университетнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

Шарқ мамлакатларининг тиллари, тарихи, маданияти, моддий ва маънавий мероси, иқтисодиёти, сиёсати, халқаро майдондаги нуфузи, уларнинг замонавий антропология ва этнологияси, таржимашунослик, шунингдек, туризм ва гид ҳамроҳлиги соҳаларида замонавий билимларни мукамал эгаллаган, меҳнат бозори учун рақобатбардош бўлган кадрларни тайёрлаш;

Шарқ мамлакатларининг ривожланиш омиллари, улардаги замонавий ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнлар, шарқ маданияти ва мероси, қадимий ёдгорлик ва қўлёзмаларни илмий жиҳатдан ўрганиш, мазкур йўналишда илмий-педагогик ходимларни тайёрлаш ҳамда маҳаллий ва хорижий ҳамкорлар билан биргаликда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

республикада шарқ тиллари ва адабиёти, тарихи, маданияти, фалсафаси, сиёсати ва иқтисодиётини ўқитиш бўйича таянч олий таълим муассасаси.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 17 апрелда эълон қилинган.

си сифатида хорижий мамлакатларнинг тегишли давлат идоралари билан ҳамкорликда шарқ тилларини билиш даражасини баҳоловчи методикаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, тил таълими соҳасида ҳамда Шарқ мамлакатлари бўйича ахборот берувчи замонавий медиа маҳсулотлар ва электрон ўқув адабиётларни ишлаб чиқиш;

Шарқ мамлакатларидаги замонавий тенденциялар, тарихий жараёнлар, шарқ халқларининг маданий алоқалари ва меросини тадқиқ қилиш, тахлилий маълумотлар тайёрлаш ҳамда мазкур соҳада илмий-оммабоп адабиётлар, дарслик ва монографиялар чоп этиш;

талаба-ёшлар ва профессор-ўқитувчиларда Ватанга муҳаббат, унинг тақдирига дахлдорлик, касбга садоқат ҳиссини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини амалга ошириш, таълим-тарбия жараёнлари ҳамда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириб бориш;

шарқшунослик ва шарқ маданий мероси соҳаларида профессор-ўқитувчиларнинг республика ҳамда хорижий мамлакатларда стажировка ўташ ва уларнинг малакасини ошириш ишларини мунтазам ташкил этиш;

хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда республика учун истиқболли бўлган янги йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича қўшма таълим дастурларини йўлга қўйиш ҳамда халқаро лойиҳаларни амалга ошириш.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб:

Университетга таълим стандартларини ишлаб чиқиш, малакавий талаблар, ўқув режалари ва дастурларини, шунингдек, илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда талабаларнинг билимини баҳолаш ҳамда ўқув жараёнининг амалиёт билан интеграциялашувини таъминлаш тизимини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳуқуқи берилади;

Университетда таълим жараёни босқичма-босқич кредит-модуль тизими асосида амалга оширилади;

хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ташкил этиладиган қўшма таълим дастурларининг ўқув режалари ва фан дастурлари Университет томонидан хорижий ҳамкорлар билан келишилган ҳолда мустақил тасдиқланади;

Университетда шарқ тиллари ўқитиладиган таълим муассасалари ўқитувчилари учун доимий фаолият юритувчи қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ташкил этилади ҳамда курслардан муваффақиятли ўтган педагог кадрларга белгиланган намунадаги сертификат берилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг:

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Университетга ўқишга қабул қилишда шарқ тилларидан (турк, араб, форс, дари, хинд, урду, хитой, корейс, уйғур, япон тиллари) топшириладиган кўп балли тизим бўйича имтиҳонлар ўрнига тест синовлари ўтказилишини йўлга қўйиш;

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб ушбу тажрибани бошқа тиллар (испан, итальян, тожик, қозоқ, туркман, қирғиз тиллари ва бошқалар) бўйича республикадаги барча давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда жорий этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда тест синовлари базасини ва керакли инфратузилмани ўз муддатида ва сифатли шакллантириш чора-тадбирларини кўрсин.

5. Университет, ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтаётганини ҳисобга олиб, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб:

профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкларини илғор хорижий тажриба асосида қайта кўриб чиқсин ҳамда уларнинг иш фаолиятини дарсларга сифатли тайёргарлик кўришга ва илмий салоҳиятини кучайтиришга қаратсин;

илмий лойиҳаларни бажариш жараёнига иқтидорли талабалар, магистрантлар ва докторантларни жалб қилишни кенгайтирсин;

иқтидорли талабалар, магистрантлар ва докторантларнинг илмий, инновацион ва стартап лойиҳаларини танлов асосида молиялаштириш чораларини кўрсин;

факультетлар таркиби ва кафедралар йўналишларини кўриб чиқсин ҳамда уларнинг фаолиятини етакчи хорижий олий таълим муассасалари тажрибаси асосида қайта ташкил этсин;

таълим сифатини ошириш, ўқув ва илмий фаолиятни илғор хорижий тажриба асосида ташкил этиш мақсадида нуфузли хорижий олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари иштирокида онлайн курслар, маърузалар ва маҳорат дарсларини мунтазам ташкил этсин;

профессор-ўқитувчилар ва масъул ходимлар учун, зарурат туғилганда, тажрибали маҳаллий ва хорижий мутахассислар иштирокида кредит-модуль тизимига ўтиш бўйича семинар-тренинглар туркумини ташкил қилсин;

нуфузли хорижий олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда салмоқли илмий нашрлар эълон қилган, «устоз-шогирд» тамойили асосида иқтидорли талабалар, магистрантлар, докторантлар ёки ёш профессор-ўқитувчилар билан ҳаммуаллифликда юқори импакт-факторли халқаро журналларда илмий мақолалар чоп этган профессор-ўқитувчиларни рағбатлантириш тизимини жорий этсин.

6. Қўйидагилар:

а) 2020 — 2023 йилларда Тошкент давлат шарқшунослик университетини комплекс ривожлантириш дастури (кейинги ўринларда — Дастур) 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин ва унда, шу жумладан қўйидагилар назарда тутилсин:

ўқув режаларида амалий ва сайёр машғулотларни ўтказишни кенгайтириш, талабаларда амалий компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган фанларга ажратилган соатлар улушини ошириш;

таълим мазмунини креатив фикрлаш, инновацион ғоя ва ишланмаларни шакллантиришга хизмат қилувчи таълим технологиялари билан бойитиш;

илғор хорижий тажриба асосида бошқарув ходимлари ва профессор-ўқитувчилар фаолиятини комплекс баҳолаш индикаторлари асосида моддий рағбатлантириш тизимини яратиш;

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Университет салоҳиятини босқичма-босқич ошириш мақсадида Университет докторантурасига қабул квотасини кўпайтириш, янги ихтисосликлар бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашни ташкил этиш;

профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар, талабалар учун бадий, илмий ва ўқув адабиётлари электрон каталоглари ҳамда жаҳон таълим ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш, Университетнинг халқаро миқёсдаги рақобатбардошлигини таъминлаш;

б) 2023 йилгача Тошкент давлат шарқшунослик университетини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари) (кейинги ўринларда — мақсадли кўрсаткичлар) 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

2020 йил 1 июлга қадар Университет ҳузуридаги академик лицей фаолиятини танқидий ўрганиб, унинг фаолиятини такомиллаштириш, қабул жараёнига қўйилган талабларни қайта кўриб чиқишни ўз ичига олган чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин;

чора-тадбирлар дастурида академик лицейга ўқувчилар хорижий тилни билиш даражасига қараб қабул қилинишини ҳамда Университет кафедра мудирлари ва етакчи олимларининг академик лицей ўқув гуруҳларига бириктирилишини назарда тутсин.

8. Шарқ тиллари соҳасида ўрта бўғин профессионал кадрларни тайёрлаш, шунингдек, истеъдодли ёшлар селекциясини амалга ошириш мақсадида Наманган ва Хива шаҳарларида шарқ тиллари бўйича техникумлар ташкил этилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2020 йил 1 августга қадар Наманган ва Хива шаҳарларида ташкил этилаётган шарқ тиллари бўйича техникумларни шарқ тилларини ўқитишга мослаштириш, уларни малакали педагог кадрлар билан тўлдириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, битирувчиларга қўйиладиган малака талаблари, ўқув режа ва дастурларини ишлаб чиқиш бўйича тегишли чораларни кўрсин.

9. Таълим сифатини ошириш, кадрлар тайёрлашда инновацион усулларни жорий этиш мақсадида Университет тузилмасида юридик шахс мақомига эга бўлмаган:

шарқ тиллари бўйича малакали таржимонларни замонавий усуллар асосида амалиёт билан уйғунликда тайёрлашга қаратилган Синхрон таржима лабораторияси;

талабаларда мустақил таълим компетенцияларини ҳамда шарқ тиллари бўйича электрон таълим ресурсларини шакллантиришга хизмат қиладиган замонавий техник воситалар билан жиҳозланган Мультимедиа маркази ташкил этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар Академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Маданият

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

вазирлигининг Университет ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Шарқ маданияти ва меросини тадқиқ этиш илмий-тадқиқот маркази ҳамда Шарқ мамлакатларининг ривожланишини тадқиқ этиш илмий-таҳлил марказини (кейинги ўринларда — марказлар) ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Қуйидагилар:

шарқ халқларининг маданияти, шарқ тилларидаги адабий, тарихий, фалсафий манбаларни ҳар томонлама чуқур ўрганишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда юртимиз қадриятлари ва миллий маданий меросимизни дунё миқёсида тарғиб этиш Шарқ маданияти ва меросини тадқиқ этиш илмий-тадқиқот марказининг;

Шарқ мамлакатлари тарихи, ривожланиш босқичлари, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тараққиёти хусусиятлари ва ривожланиш моделларини комплекс тадқиқ этиш, Ўзбекистон Республикасининг Шарқ давлатлари билан ўзаро муносабатларини ривожлантириш нуқтаи назаридан ўрганиш Шарқ мамлакатларининг ривожланишини тадқиқ этиш илмий-таҳлил марказининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин.

Белгилаб қўйилсинки, шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар, илмий-техник дастурларга ажратилган бюджет маблағлари, Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар марказлар фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

11. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг:

ёзма ёдгорликлар бўйича мақсадли илмий тадқиқотларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланаётган қўлёзма ва тошбосма манбаларнинг факсимиле, фото, сканер нусхалари билан Университетни бепул таъминлаш;

Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтлари ва музейлари ҳузурида Университетнинг адабий ва тарихий манбашунослик йўналишларида кадрлар тайёрловчи кафедраларининг филиалларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Фанлар академияси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда ҳар йилги илмий фаолиятга оид давлат дастурларини шакллантиришда уларда шарқшунослик соҳаси бўйича мақсадли илмий-тадқиқот лойиҳалари амалга оширилишини назарда тутсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Университет билан биргаликда:

Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Махмуд Замахшарий ва бошқа буюк аждодларимиз томонидан яратилган Шарқ мамлакатларининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, тили, маданияти ва тарихига оид ёзма манбаларни;

Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатлари тарихи, антропологияси, тили

ва адабиёти, ижтимоий-сиёсий жараёнлари, ички ва ташқи сиёсатини ўрғаниш бўйича илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга оширсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Молия вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида «Санкт-Петербург давлат университети» федерал давлат бюджети олий таълим муассасаси филиалини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори лойиҳасини ўрнатилган тартибда киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлигининг Университет халқаро обрўсини мустаҳкамлаш, хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлигини кенгайтириш, инвестицияларни жалб қилиш, илғор тажрибаларни ўқув ва илмий жараёнга татбиқ этиш мақсадида чет эллик мутахассислар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар ва халқаро ташкилотларнинг малакали ходимлари томонидан Университетда маърузалар ўқиш ва амалий машғулотлар ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги Университет буюртмаларига биноан дарс бериш, илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш, илмий-назарий маърузалар ўқиш учун таклиф этиладиган чет эллик профессор-ўқитувчилар, олимлар ва мутахассисларга кўп марталик кириш визаларининг берилиши ва узайтирилишини, Ўзбекистон Республикасидаги вақтинча яшаш жойида вақтинча рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

17. Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтининг Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 20а-уй манзилида жойлашган бино ва иншоотлари тегишли ҳудуди билан биргаликда Университетга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида беғараз ўтказиб берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги 2021 йил 1 августга қадар мазкур бандга мувофиқ Университетга берилган ҳудудда Университетнинг янги 9 қаватли биноси ва спорт мажмуасини қуриш ва фойдаланишга топшириш чораларини кўрсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда Университетнинг янги биноси ва спорт мажмуасини қуриш ҳамда жиҳозлаш учун зарур маблағларни жалб қилсин ва ўз вақтида ажратсин;

Ҳисоб палатаси билан биргаликда Университетнинг янги биноси ва спорт мажмуасини қуриш ҳамда жиҳозлаш учун ажратилган маблағларнинг оқилона ва мақсадли сарфланиши юзасидан доимий назорат ўрнатсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ҳамда «Эл-юрт умиди» жамғармаси Университетнинг асослантирилган таклифлари асосида юқори малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида профессор-ўқитувчилар, раҳбар ходимлар ва тадқиқотчиларнинг хорижда амалиёт ўташи ва стажировкасини ташкил этиш чораларини кўрсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

21. Мазкур қарор ижросини ташкил этишнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов — мазкур қарорнинг ижросини сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида таъминлаш, белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил қилсин ҳамда мувофиқлаштирасин, ҳар чоракда улар раҳбарларининг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини қабул қилсин ҳамда аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин;

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Маджидов — шарқшунослик соҳасида етарли билимларга эга малакали кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш, Университет фаолиятини лозим даражада ташкил этиш, шарқ тилларини билиш даражасини баҳолаш тизимини жорий қилиш, мақсадли кўрсаткичларга эришиш, Дастурни ижро этиш юзасидан барча зарур чоралар кўрилишини таъминласин, мазкур қарорда белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда масъул ташкилотларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатсин ҳамда унинг ижроси бўйича ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин;

масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари — мазкур қарорда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажариш, шарқшунослик соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш ва илмий салоҳиятни яхшилаш юзасидан барча чораларни амалга оширсин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К. Кўчимов ҳамда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси А.Д. Хаджаев — мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид мақолалар, брифинглар, матбуот анжуманлар, тематик телекўрсатувлар ташкил этсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 16 апрель,
ПҚ-4680-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**164 Сурхондарё вилоятида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини кенгайтириш ва янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Сўнги йилларда мамлакатимизда олий таълим тизимини тубдан ислох қилиш, талабаларни ўқишга қабул қилиш жараёнида шаффофликни таъминлаш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, таълим жараёнига рақамли ва педагогик технологиялар ҳамда замонавий усулларни кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясига мувофиқ ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини босқичма-босқич 50 фоизга етказиш, ҳудудларда сифатли олий таълим хизматлари қўламини кенгайтириш орқали аҳоли ва жадал ўсиб бораётган иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларини таъминлаш белгиланган.

Қайд этиш керакки, мамлакатимизнинг олис ҳудудларида ёшларнинг олий маълумот олишга бўлган интилишини қўллаб-қувватлаш учун муайян ишлар амалга оширилаётган бўлсада, ушбу чоралар ҳамон етарли бўлмапти. Бунинг оқибатида мактаб ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларининг муайян қисми хорижий мамлакатлар олий ўқув юртларига бориб ўқишга мажбур бўлмоқда. Сўнги икки йилда биргина Сурхондарё вилоятидан 7,5 мингга яқин ёшлар олий таълим муассасаларида таълим олиш учун қўшни мамлакатларга кетган.

Шу муносабат билан, республикамизнинг жанубий сарҳадларида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш, ёшларнинг илғор педагогик технологиялар ёрдамида таълим олиши учун қўшимча имконият яратиш, ҳудудда тадбиркорлик аънаналарини илмий-тадқиқот ва инновацион фаолият билан уйғун ривожлантириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ижросини таъминлаш мақсадида, шунингдек, вилоят жамоатчилиги, халқ депутатлари Кенгашларининг мурожаатлари ҳамда Сурхондарё вилоятининг энг кўп аҳолиси истиқомат қилаётган Денов тумани ва унинг марказини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари дастури амалга оширилаётганлигини инобатга олиб:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг Термиз давлат университети Денов филиали негизида Самарқанд давлат университетининг Денов тадбиркорлик ва педагогика институтини (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Институт фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 18 апрелда эълон қилинган.

ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиш истиқболлари ва устувор вазифалари, шунингдек, тадбиркорликнинг замонавий ривожланиш тенденцияларини инобатга олган ҳолда тадбиркорлик ва бошқарув, педагогика ва аниқ фанлар ҳамда меҳнат бозори эҳтиёжларига мувофиқ бошқа соҳалар бўйича юқори малакали кадрларни миллий ва халқаро стандартларга мувофиқ сифатли тайёрлаш;

етақчи хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда малакали мутахассисларга эҳтиёж юқори бўлган соҳалар учун қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш;

замонавий билим ва кўникмаларга эга юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнига илғор таълим технологиялари, шу жумладан масофавий ўқитиш услубларини жорий этиш;

ўқув ва илмий лойиҳаларни амалга оширишда, шунингдек, илм-фан, ишлаб чиқариш ва амалиёт олдида турган долзарб вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган илмий-амалий тадқиқотлар олиб боришда республика ва хорижий етақчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик қилиш;

юқори малакали профессор-ўқитувчилар, мутахассисларни жалб этган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиётнинг эҳтиёж юқори бўлган тармоқлари учун кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш;

республика ва хорижий олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларига истиқболли ёшларни магистратура ва докторантурага мунтазам юбориш орқали Институтнинг илмий-педагогик салоҳиятини ошириб бориш.

3. Белгилансинки:

Институт Термиз давлат университети Денов филиалининг барча ҳуқуқ, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Институт юридик шахс мақомига эга бўлган давлат олий таълим муассасаси ҳисобланади, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга ҳамда шахсий ғазна ҳисобварақлари ва банк ҳисобварақларига эга бўлади;

Институт Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида фаолият юритади;

Институтнинг таълим фаолияти 2020/2021 ўқув йилидан бошланади;

Термиз давлат университети Денов филиали талабалари таҳсил олаётган бакалаврият таълим йўналишлари бўйича Институтда ўқишни давом эттиради;

Институтга талабаларни қабул қилиш ҳар йили тасдиқланадиган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш параметрларидан келиб чиққан ҳолда давлат буюртмаси ва тўлов-контракт асосида белгиланади;

Институт Сурхондарё вилоятининг Денов, Сарийосиё, Узун, Шўрчи ва Қумқўрғон туманларидаги умумтаълим мактаблари, ўрта махсус таълим муассасаларида чет тили ва аниқ фанлар бўйича дарс машғулотларини олиб

борувчи ўқитувчиларга доимий равишда илмий-услубий ёрдам кўрсатиб боради.

4. Ислом тараққиёт банки иштирокида «Олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш» лойиҳаси амалга ошириляётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Институтда илмий фаолиятни ривожлантириш ҳамда таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 3.0» концепциясини босқичма-босқич жорий этиш мақсадида:

2020/2021 ўқув йили давомида «Олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш» лойиҳаси доирасида ҳамда халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилган ҳолда Институтнинг ахборот-технологиялари, биология, кимё ва физика бўйича замонавий лаборатория ускуналари билан жиҳозланишини таъминласин;

уч ой муддатда Институтга юқори салоҳиятга, жумладан фан номзоди, фалсафа доктори ҳамда фан доктори илмий даражасига эга бўлган профессор-ўқитувчиларни жалб қилсин.

5. Белгилансинки, Институтнинг педагогик ва илмий салоҳиятини ошириш, таълим жараёнини сифатли ташкил этиш учун юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш мақсадида, шунингдек, жойлашув ҳудудини инобатга олиб Институт профессор-ўқитувчилари ва ходимларига меҳнатга ҳақ тўлашда мос равишда ягона тариф сеткаси разрядларига кўра тариф коэффициентлари ва базавий лавозим маошлари 1,5 барабар миқдорда ҳисобланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги икки ой муддатда:

Институт тузилмаси олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативларга мувофиқ тасдиқланишини таъминласин;

Институт уставини белгиланган тартибда тасдиқласин ва унинг давлат рўйхатидан ўтказилиши чораларини кўрсин;

Институтни танлов асосида, шу жумладан республика олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган амалий тажрибага эга бўлган юқори малакали профессор-ўқитувчилар билан таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда Институтда ўқув-методик жараённинг ташкил этилишини таъминлаш, белгиланган тартибда штатлар жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқлаш, уни зарур жиҳозлар билан таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширсин;

Институт ахборот-ресурс марказини қўшимча ўқув, илмий ва бадиий адабиётлар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

7. Самарқанд давлат университетининг Денов тадбиркорлик ва педагогика институти Васийлик кенгаши таркиби иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

8. Республика олий таълим тизимидаги мавқеи, илмий салоҳияти, узок йиллар давомида шаклланган анъаналарини инobatга олган ҳолда Самарқанд давлат университети зиммасига Институтни оталиққа олиш вазифаси юклансин ва унга қуйидаги йўналишларда кўмак бериб бориш топширилсин:

салоҳиятли кадрларни жалб этган ҳолда таълим ва илмий фаолиятни сифатли ташкил этиш;

таълим, тарбия, илмий ва услубий жараёнларни самарали бошқариш; таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий этиш; дарслик, ўқув қўлланмалар, ўқув-услубий материал ва ахборот ресурслари билан таъминлаш;

профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва иқтидорли ёшлар селекциясини амалга ошириш;

илмий-тадқиқот ишлари учун қўшимча шароитлар яратиш ва илмий мактабларни ривожлантириш.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги Институтни салоҳиятли профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш мақсадида етакчи олий таълим муассасаларида тегишли соҳалар бўйича 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб магистратура мутахассисликлари ва 2021 йилдан бошлаб таянч докторантурада кадрларни мақсадли тайёрлаш чораларини кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Республика олий таълим кенгаши билан биргаликда Институт фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидагиларни амалга оширсин:

Институт фаолиятини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда унинг натижалари бўйича хулоса ва таклифлар киритиш;

профессор-ўқитувчилар, талабалар ўртасида сўровлар ўтказиш, жамоатчилик ва иш берувчиларнинг фикрини ўрганиш ҳамда илғор хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш орқали ўқув дастурларини такомиллаштириш ва замонавий педагогик технологияларни жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

бошқариш тизими самарадорлиги ва профессор-ўқитувчилар учун яратилган шароитлар, улар томонидан таълим беришда қўлланилаётган таълим-тарбия усулларининг таъсирчанлигига ҳолисона баҳо бериш;

очиқлик, шаффофлик ва холисликни таъминлаш, коррупцияга шароит яратувчи омилларни бартараф этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириши бўйича тавсиялар киритиш;

истикболли қўшма таълим дастурларини ташкил этиш, ҳамкорликнинг янги шакллари ривожлантириш, чет эллик профессор-ўқитувчилар ва хориждаги ватандошларни жалб этиш бўйича таклифлар киритиш.

11. Қуйидагилар Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

тулов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари;

халқаро молия институтларининг грантлари доирасида тушадиган маблағлар;

конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

12. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарорни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган харажатларни молиялаштириш 2020 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида, 2021 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан Институтнинг бино ва иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш лойиҳалари Ўзбекистон Республикасининг 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурига белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда республикамиздаги етакчи олий таълим муассасалари томонидан уларнинг юқори малакали профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда Институтда онлайн маъруза ўтказиш ҳамда масофавий таълим технологияларини жорий этиш учун телекоммуникация жиҳозлари ва инфратузилма билан таъминлаш, шунингдек, юқори тезликдаги Интернет жаҳон ахборот тармоғи ҳамда электрон таълим миллий тармоғига улаш чораларини кўрсин;

Институтда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб илғор хорижий, шу жумладан Туркия Республикаси олий таълим муассасалари билан келишув асосида қўшма таълим дастурлари бўйича кадрлар тайёрлаш ҳамда талабалар алмашинуви йўлга қўйилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Сурхондарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда «Ёш тадбиркорлар» бизнес-инкубаторини ташкил этиш, унда худуд ёшлари учун тадбиркорлик ва стартап лойиҳаларини амалга ошириш кўникмаларини шакллантириш ҳамда талабаларнинг амалиётларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

15. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда Институт фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида жалб этиладиган малакали профессор-ўқитувчиларни хизмат уйлари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5812-сон Фармонида мувофиқ Термиз

давлат университети Денов филиалига унинг моддий-техника базасини мустахкамлаш учун оператив бошқариш ҳуқуқи асосида берилган Денов қурилиш ва транспорт касб-ҳунар коллежининг бино ва иншоотлари Институтда сақлаб қолинсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 мартдаги «Термиз давлат университетининг Денов филиалини ташкил этиш тўғрисида»ги 171-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

18. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Ушбу қарор ижросини ташкил этишнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов — ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этсин ва мувофиқлаштирсин, улар раҳбарларининг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини ҳар чоракда қабул қилсин ҳамда аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин;

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Маджидов — Институт фаолиятини самарали ташкил этсин, мазкур қарорни ижро этиш юзасидан барча зарур чоралар кўрилишини таъминласин, белгиланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда масъул ташкилотларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатсин ҳамда унинг ижроси бўйича ҳар чоракда ахборот киритиб борсин;

Сурхондарё вилояти ҳокими Т.А. Боболов — Институт фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш ҳамда унинг моддий-техника базасини мустахкамлашда ҳар томонлама кўмаклашсин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К. Кўчимов, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси А.Д. Хаджаев — ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти, амалий аҳамияти ҳамда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, ҳудудда илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларни мунтазам ёритиб борсин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 17 апрель,
ПҚ-4681-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БЎЙРУҒИ****165 Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
13 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3015-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 декабрдаги ПҚ-4544-сон «Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ва давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 15 майдаги 186-сон буйруғи (рўйхат рақами 3015, 2018 йил 21 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 21-сон, 444-модда) билан тасдиқланган Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 24 февраль,
8-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 13 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2020 йил 24 февралдаги
8-сон буйруғига
ИЛОВА

Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 3-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«давлат харидлари тўғрисидаги ахборотни жойлаштиришни ва унга киришни, давлат харидлари бўйича статистик маълумотларни қайта ишлаш, давлат харидларини амалга оширишда товарлар (ишлар, хизматлар) классификаторидан фойдаланишни, электрон давлат харидларини ўтказиш, электрон харид қилиш тартиб-таомиллари натижаларига кўра шартномалар тузишни ва ХҚКП орқали мажбуриятларни бажариш кафолатларини таъминлайдиган ахборот тизимининг мавжудлиги;».

2. 12-бандда:

қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«давлат харидлари бўйича статистик маълумотларни шакллантиради;»; саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. 13-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«бююртмачилар ва иштирокчиларга электрон давлат харидларида қатнашиш учун порталдан бепул фойдаланишларини таъминлаш;».

4. 36-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«36. Бюджет бююртмачиси томонидан шахсий кабинет орқали электрон аукцион, электрон танлов ва электрон тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълон (бундан буён матнда эълон деб юритилади) жойлаштирилганидан ёки электрон дўконда иштирокчининг офертаси танлангандан (бундан буён матнда оферта деб юритилади) сўнг, портал электрон давлат харидлари якунларига кўра тузиладиган шартномавий мажбуриятларни бажариш учун, молиялаштириш манбаларини инобатга олган ҳолда, керакли суммага банд қўйиш тўғрисидаги ахборотни Молия вазирлигининг давлат молиясини бошқариш ахборот тизимидан (бундан буён матнда ДМБАТ деб юритилади) олгандан сўнг ушбу эълонни ёки танланган оферта бўйича нархлар сўрови механизмини активлаштиради.».

5. 38-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Аукцион ва электрон дўкон ўтказишда корпоратив бююртмачиси ва ижрочининг киритган закатлари шартнома бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилган ёки белгиланган тартибда бекор қилингунга қадар банд қилиб қўйилади.»;

қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Бюджет бююртмачи томонидан электрон танлов ёки электрон тендер

ўтказишда иштирокчиларнинг закалини холиб аниқлангунга қадар хатлаб қўйилади. Электрон танлов ёки электрон тендер холибининг закалини шартнома тузилгунга қадар банд қилиб қўйилади.

Корпоратив буюртмачи томонидан электрон танлов ёки электрон тендер ўтказишда иштирокчилар томонидан закалат киритиш зарурати ва миқдори корпоратив буюртмачи томонидан белгиланади ҳамда киритилган закалат электрон танлов ёки электрон тендер холиби билан шартнома тузилгунга қадар хатланади. Бунда закалат миқдори товар (иш, хизмат) қийматининг 3 фоизидан ошмаслиги керак.»

6. Қўйидаги мазмундаги 38¹-банд билан тўлдирилсин:

«38¹. Молия вазирлиги маълумотлар базаларининг электрон ҳамкорлиги орқали Оператор билан электрон хужжатлар айланмасини ҳамда давлат харидларини ташкил этиш учун зарур бўлган ахборот алмашинувини таъминлайди.»

7. 41-бандда:

биринчи хатбошидаги «ҳисобга олади ва шартнома суммасини ҲҚҚПга ўтказиб беради» деган сўзлар «ҳисобга олади, шунингдек электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома суммасини ҲҚҚПга ўтказиб беради» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бюджет буюртмачиси электрон танлов ёки электрон тендер натижасида тузилган шартнома бўйича тўловларни ҲҚҚПдаги шахсий ҳисоб рақамлардан фойдаланмаган ҳолда амалга оширади.»;

иккинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

8. 42-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«42. Корпоратив буюртмачилар электрон дўкон ёки аукцион натижасида тузилган шартнома бўйича тўловларни тўлиқ ҳажмда амалга ошириш учун ушбу шартнома порталда рўйхатга олинган пайтдан бошлаб, беш иш куни мобайнида ўзларининг ҲҚҚПдаги ҳисоб рақамларига пул маблағларини ўтказадилар. Бунда закалат, шартнома бўйича тўлаш суммасига қўшиб ҳисобланади.

Корпоратив буюртмачилар электрон танлов ёки электрон тендер натижасида тузилган шартнома бўйича тўловларни ҲҚҚПдаги шахсий ҳисоб рақамлардан фойдаланмаган ҳолда амалга оширади.»

9. 44 ва 45-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«44. Агарда, корпоратив буюртмачи электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартномада белгиланган муддатда тўловни амалга оширмаган тақдирда, унинг закалини уч иш кунда, мазкур муддат тугаганидан сўнг, кейинчалик унга хизмат кўрсатувчи банк ҳисобига ўтказиш учун, ижрочининг ҲҚҚПдаги тегишли ҳисоб рақамига ўтказилади.

45. ҲҚҚП буюртмачидан электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома бўйича келиб тушган тўлов суммасини банд қилиб қўяди ва пул маблағлари келиб тушган куннинг эртасидан бир иш кундан кечикмаган муддатда электрон шаклда тўловни амалга ошириш бўйича ижрочи-га хабарнома юборади.

Мазкур хабарнома ижрочига товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш учун асос бўлиб хизмат қилади.».

10. 47-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«47. Корпоратив буюртмачи товарни (ишни, хизматни) қабул қилгандан кейин уч иш куни мобайнида Операторга ўзининг шахсий кабинетидан фойдаланган ҳолда электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома асосида товарни (ишни, хизматни) тўлиқ ҳажмда қабул қилганлик тўғрисидаги ахборотни юборишга мажбур.».

11. 50-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«50. Оператор, товарлар (ишлар, хизматлар) электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома бўйича тўлиқ ҳажмда етказилганлиги ҳақида маълумотни олгандан сўнг, бир иш куни давомида:»;

олтинчи хатбошидаги «шартномавий» деган сўз «электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома бўйича» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. Қуйидаги мазмундаги 50¹-банд билан тўлдирилсин:

«50¹. Оператор электрон танлов ёки электрон тендер натижасида шартнома тузилганидан сўнг, бир иш куни давомида закатни банддан ечади ва уни ижрочининг тегишли шахсий ҳисоб рақамига қайтаради.

Корпоратив буюртмачи томонидан ўтказилган электрон танлов ёки электрон тендерда иштирокчилар томонидан закат киритилган тақдирда, у Оператор томонидан шартнома тузилганидан сўнг, бир иш куни давомида банддан ечилади ва ижрочининг тегишли шахсий ҳисоб рақамига қайтарилади.».

13. 51-банддаги «Шартнома» деган сўз «электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. 52-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«52. Буюртмачи томонидан электрон дўкон ёки аукцион орқали тузилган шартнома бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берилганлиги ҳақидаги маълумот тақдим қилинмаганда, ХККП ушбу шартнома бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш муддати тугагач уч иш кунидан сўнг:».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

166 «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
13 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2465-8*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 15 февраль,
3/11-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил
15 февралдаги 3/11-сонли қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2013 йил 26 апрелдаги 9/1-сонли «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2465, 2013 йил 3 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 23-сон, 309-модда);

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2013 йил 23 ноябрдаги 22/5-сонли «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 13 апрелда эълон қилинган.

(рўйхат рақами 2465-1, 2013 йил 4 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 49-сон, 640-модда);

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2014 йил 21 февралдаги 4/5-сонли «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисобкитоблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2465-2, 2014 йил 11 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 11-сон, 129-модда);

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 5 сентябрдаги 24/6-сонли «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисобкитоблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2465-3, 2015 йил 8 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 40-сон, 522-модда);

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2017 йил 24 июндаги 14/7-сонли «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисобкитоблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2465-4, 2017 йил 17 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 29-сон, 710-модда);

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2017 йил 11 ноябрдаги 31/1-сонли «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисобкитоблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2465-5, 2017 йил 22 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 47-сон, 1164-модда);

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 16 мартдаги 5/10-сонли «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисобкитоблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2465-6, 2019 йил 22 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 17-сон, 343-модда);

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 24 августдаги 21/8-сонли «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисобкитоблар тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2465-7, 2019 йил 8 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 41-сон, 782-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

167 **Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
13 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3229*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ҳамда «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 15 февраль,
3/12-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил
15 февралдаги 3/12-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз
ҳисоб-китоблар тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ҳамда «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида юридик ва жисмоний шахсларнинг тўлов ҳужжатларидан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китобларини амалга ошириш тартибини белгилайди, бундан бюджет тизими бюджетларининг газна ижроси бўйича амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар мустасно.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 13 апрелда эълон қилинган.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

1-сон картотека — тўлов муддатини кутаётган тўлов ҳужжатлари ҳисоби юритиладиган баланسدан ташқари ҳисобварақ;

2-сон картотека — муддатида тўланмаган тўлов ҳужжатлари ҳисоби юритиладиган баланسدан ташқари ҳисобварақ;

аккредитив — тўловчи томонидан тўланган ёки тўланиши лозим бўлган маблағ шартнома шартлари бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинган тақдирда, маблағларни олувчининг ҳисобига ўтказишига доир банкнинг шартли мажбурияти;

акцепт — тўловчининг, тўлов унинг ҳисобидан амалга оширилишига розилиги ёки қарздорликни тан олганлиги;

операция куни — фармойишларни қабул қилиш ва уларга ишлов бериш амалга ошириладиган вақтнинг даври;

валюталаш санаси — тўлов ҳужжати асосида пул маблағларини олувчининг ҳисобварағига ўтказиш санаси;

масофавий хизмат кўрсатиш тизими (бундан буён матнда Тизим деб юритилади) — электрон хизматлардан фойдаланиш учун тўлов хизматларидан фойдаланувчи ва ушбу хизматларни етказиб берувчи ўртасидаги алоқани таъминлайдиган телекоммуникация воситалари, рақамли ва ахборот технологиялари, дастурий таъминот ва усқуналар мажмуи;

маблағларни олувчи — пул маблағларини олувчи шахс;

маблағларни олувчининг банки — маблағларни олувчининг пул маблағлари қирим қилинадиган ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банк;

маблағларни тўловчи — тўлов кимнинг ҳисобидан амалга ошириладиган бўлса, ўша шахс;

маблағларни тўловчининг банки — маблағларни тўловчининг пул маблағлари ҳисобдан чиқариладиган ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банк;

шахсий варақча — тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун имзолар намуналари қўйилган, бошқа юридик шахслар учун имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган варақча;

электрон тўлов воситалари — ахборотни ўз ичига олган ва тўловчига тўловни амалга ошириш, шунингдек тўловчи билан электрон тўлов воситаларининг эмитенти ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган бошқа операцияларни амалга ошириш имконини берадиган банк картаси ёки бошқа электрон жисм.

2. Банклар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда қуйидаги тўлов ҳужжатларидан фойдаланилади:

мазкур Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ шаклдаги мемориал ордер;

мазкур Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ шаклдаги тўлов топшириқномаси;

мазкур Низомнинг 3-иловасига* мувофиқ шаклдаги тўлов талабномаси;

* 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мазкур Низомнинг 4-иловасига* мувофиқ шаклдаги инкассо топшириқ-номаси;

мазкур Низомнинг 5-иловасига* мувофиқ шаклдаги аккредитивга ариза.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар электрон тўлов воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳам амалга оширилиши мумкин, бунда ушбу ҳисоб-китоблар қонун ҳужжатлари ва тегишли тўлов тизими қоидалари билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

3. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларда қўлланиладиган тўлов ҳужжатларининг тури маблағларни тўловчи ва олувчи ўртасида тузиладиган шартномага (битимга) мувофиқ белгиланиши мумкин, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

4. Банк ҳисобварағи шартномасида бошқа муддатлар белгилаб қўйилган бўлмаса, тегишли тўлов ҳужжати банкка келиб тушган операция кунида мазкур Низомда белгиланган тартибда бажарилади, бундан мазкур банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолатлар мустасно.

Тўлов ҳужжати операция куни тугаганидан кейин келиб тушса, у маблағларни тўловчининг банки томонидан кейинги операция куни бошланганда олинган деб ҳисобланади ҳамда кейинги операция кунидан кечиктирмай амалга оширилади.

Халқаро тўловлар қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилган ҳолда, тўлов ҳужжатлари олинган пайтдан эътиборан икки операция кунидан кечиктирмай бажарилади.

5. Банклар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш, солиқ ҳамда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган талабларга мувофиқ ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туришга ёки уларни амалга оширишни рад этишга ҳақли.

6. Етказиб берилган маҳсулот (бажарилган ишлар, хизматлар) учун тўловлар бевосита маҳсулот етказиб берувчиларга тўланиши керак, тўловларнинг учинчи шахслар (хўжалик юритувчи субъектлар) ҳисобидан ундирилишига йўл қўйилмайди, бундан товарларни (хизматларни) электрон тижорат орқали реализация қилиш ҳолатлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳоллар мустасно.

7. Маблағлар маблағларни тўловчининг ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилгандан сўнг, маблағларни олувчининг ҳисобварағига ўтказилади, бундан электрон тўлов воситалари орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш мустасно.

8. Маблағларни тўловчининг ҳисобварағида унга қўйилган талабларни бажариш учун зарур бўлган пул маблағлари суммаси мавжуд бўлмаганда ёки етарли бўлмаган тақдирда, маблағларни ҳисобдан чиқариш Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 2342, 2012 йил 15 март) мувофиқ амалга оширилади.

* 4-5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

9. Маблағларни тўловчи ва олувчи ўртасида тузилган шартномага доир мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун тўланиши зарур бўлган пеняни ҳисоблаш ва ундириш бўйича банклар жавобгар бўлмайди.

10. Мижоз ҳисоб-китоб операцияларига доир барча масалалар бўйича унга хизмат кўрсатувчи банкка муурожаат қилади. Банк ва мижоз ўртасидаги низолар улар ўртасида тузилган банк ҳисобварағи шартномасига мувофиқ ҳал қилинади. Ўзаро келишувга эришилмаган тақдирда, низолар суд орқали ҳал этилади.

11. Банклар ўртасида миллий валютадаги ўзаро ҳисоб-китоблар банкларнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) очилган вакиллик ҳисобварақларидан Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилади.

12. Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловлар Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомга (рўйхат рақами 1545, 2006 йил 14 февраль) мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Тўлов ҳужжатларини расмийлаштириш ва уларни ижро қилиш

13. Тўлов ҳужжатларида қуйидаги реквизитлар бўлиши шарт:

тўлов ҳужжатининг номи;

тартиб рақами;

ҳужжатнинг санаси;

маблағларни тўловчининг номи;

маблағларни тўловчи ҳисобварағининг рақами;

маблағларни тўловчининг СТИРи (солиқ тўловчининг идентификация рақами);

маблағларни тўловчининг банки номи;

маблағларни тўловчининг банки коди;

маблағларни олувчининг номи;

маблағларни олувчи ҳисобварағининг рақами;

маблағларни олувчининг банки номи;

маблағларни олувчининг банки коди;

тўлов суммаси;

тўлов мақсади;

шахсий варақчада кўрсатилган шахс(лар)нинг фамилияси тўлиқлигича, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари ҳамда уларнинг имзолари (тўлов ҳужжати электрон шаклда тақдим этилган бўлса, банк ва мижоз ўртасидаги шартномага асосан берилган электрон рақамли имзо билан тасдиқланади).

14. Халқаро тўловларни амалга ошириш учун банкка тақдим қилинадиган чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари қуйидаги реквизитлардан иборат бўлади:

тўловнинг тури;
ҳужжатнинг санаси;
маблағларни тўловчининг тўлиқ номи ва почта манзили;
маблағларни тўловчининг ҳисобварағи;
тўлов суммаси;
валюта коди;
тўлов мақсади;
тўловни амалга ошириш билан боғлиқ банк комиссия харажатлари;
маблағларни тўловчининг банки номи;
маблағларни тўловчининг банки почта манзили (мамлакат, шаҳар);
маблағларни тўловчининг банки махсус коди;
маблағларни олувчининг банки номи;
маблағларни олувчининг банки почта манзили (мамлакат, шаҳар);
маблағларни олувчининг банки махсус коди;
маблағларни олувчи банкининг маблағларни тўловчининг банкидаги ҳисобварағи;
маблағларни олувчининг тўлиқ номи ва почта манзили;
маблағларни олувчининг ҳисобварағи;
маблағларни тўловчининг олувчига хабари.

15. Тўлов ҳужжатидаги тўлов суммаси рақам ва сўз билан ёзилади, бунда тўлов суммаси сўз билан ёзилганда биринчи сўз катта ҳарф билан ва тийин рақам билан ёзилади.

16. Аккредитивга аризада қўшимча равишда қуйидаги реквизитлар бўлиши керак:

аккредитивнинг амал қилиш муддати;
аккредитив очилаётган шартноманинг тартиб рақами ва санаси;
буюртманинг тартиб рақами;
буюртма берилган сана;
товарнинг (иш, хизмат) номи;
тўловларни амалга ошириш учун асос бўлган ҳужжатнинг тури;
қўшимча шартлар.

17. Агар таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бўлса, тўлов ҳужжатларини тўлдиришда маблағларни тўловчи ва олувчининг қисқартирилган фирма номидан фойдаланиш мумкин.

18. Тўлов ҳужжатлари техник воситалардан фойдаланган ҳолда тўлдирилади. Тўлов ҳужжатларини бўяш, чизиш ва тузатишга йўл қўйилмайди.

19. Тўлов топшириқномасида унинг банкка тақдим этилган ва валюталаш санаси кўрсатилади.

Тўлов топшириқномасида кўрсатилган валюталаш санаси тўлов топшириқномаси тақдим этилган санадан эътиборан ўн кундан ошмаслиги керак.

20. Мижозлар томонидан тақдим этилган тўлов ҳужжатларининг расмийлаштирилиши ва улардаги маълумотларнинг тўғрилиги учун жавобгарлик мижознинг ушбу тўлов ҳужжатини имзолаган шахслари зиммасига юклатилади.

Тизим орқали юборилган тўлов ҳужжатларининг қоғоз шаклдаги асл

нусхалари банкка такдим этилмайди. Бунда Тизим орқали юборилган тўлов ҳужжатларидаги маълумотларнинг тўғрилигига мижоз жавобгар ҳисобланади.

21. Банкда 2-сон картотекага кирим қилинган тўлов ҳужжатлари бўйича якуний тўлов автоматик тарзда амалга оширилади. Бунда тўлов ҳужжати-нинг «Тўлов мақсади» графасида якуний тўлов амалга оширилганлигини билдирувчи «Я/т» белгиси, тўлов ҳужжати-нинг рақами, санаси ва дастлабки суммаси кўрсатилади.

22. Банк томонидан қоғоз шаклдаги тўлов ҳужжатлари қўйидаги ҳолларда ижрога қабул қилинади:

тўлов ҳужжатларидаги имзолар (раҳбарлик вазифаларини ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширадиган шахснинг) ва муҳр изи шахсий варақчада кўрсатилган намунага мувофиқ бўлганда, бундан мазкур банднинг бешинчи хатбошисида назарда тутилган талаб мустасно;

якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги деҳқон хўжаликларидан тўлов ҳужжатларидаги имзо шахсий варақчада кўрсатилган намунага мувофиқ бўлган тақдирда, банк томонидан ижрога қабул қилинади.

Тўлов ҳужжатлари шахсий варақчага имзо қўйган шахслар томонидан имзоланиши шарт. Тўлов ҳужжатларини факсимиле усулида нусха кўчириш воситаларидан фойдаланган ҳолда имзолаш тақиқланади.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан такдим қилинган тўлов ҳужжатларига муҳр қўйиш ёки ҳужжатларни муҳр билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

Тўлов ҳужжатларига мазкур бандда назарда тутилмаган бошқа ҳужжатларнинг илова қилинишига талаблар белгиланиши мумкин эмас.

Банк томонидан электрон шаклдаги тўлов ҳужжатлари банк ва мижоз ўртасида тузиладиган шартномага асосан идентификация воситалари орқали тасдиқланган ҳолда қабул қилинади.

23. Банк ҳисобварағи шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қоғоз шаклдаги тўлов ҳужжатлари банк операция куни давомида банкнинг мижозлар билан ишлаш вақтидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинади.

Электрон шаклдаги тўлов ҳужжатлари банкнинг мижозлар билан ишлаш вақтидан қатъи назар тўлов ҳужжати-нинг санаси билан у такдим этилган сана мос келган ҳолларда ижрога қабул қилинади.

24. Банк ҳисобварағидаги маблағлар қўйидагилар асосида ҳисобдан чиқарилади:

қоғоз шаклдаги тўлов ҳужжатларининг асл нусхалари;

тўлов тизимлари орқали олинган электрон шаклдаги тўлов ҳужжатлари;

Тизимдан фойдаланувчиларнинг умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқлари орқали юборган электрон шаклдаги тўлов ҳужжатлари ва тўловни амалга оширишга розиликлари;

электрон тўлов воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган транзакциялар бўйича тузилган электрон шаклдаги ҳужжатлар.

25. Мижознинг ҳисобварағига маблағлар қўйидагилар асосида кирим қилинади:

тўлов ҳужжатларининг қоғоз шаклдаги асл нусхаси ёки Тизим орқали юборилган электрон шаклдаги тўлов ҳужжатлари;

тўлов тизимлари орқали келиб тушадиган электрон шаклдаги тўлов ҳужжатлари;

электрон тўлов воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган транзакциялар бўйича тузилган электрон шаклдаги ҳужжатлар.

26. Тўлов ҳужжатларининг нусхалари, шунингдек маблағларни кирим қилиш ёки ҳисобдан чиқариш амалга ошириладиган электрон шаклдаги тўлов ҳужжатлари мижознинг ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи масъул ходим томонидан имзоланади.

Мижознинг ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи масъул ходим тўлов ҳужжати тўловга қабул қилиш ва маблағларни тўлаш саналарини кўрсатида ҳамда ўзига бириктирилган банк штампи билан тасдиқлайди.

27. Маблағларни олувчининг банки томонидан Тизим орқали тақдим этилган электрон шаклдаги тўлов ҳужжатлари рўйхат кўринишида чоп этилади ва банкнинг бухгалтерия кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади. Электрон шаклдаги тўлов ҳужжатларини маблағларни олувчига тақдим қилиш тартиби банк ва мижоз ўртасидаги шартномада белгиланади.

3-боб. Мемориал ордерлар билан ҳисоб-китоблар

28. Мемориал ордер банклар томонидан фойдаланиладиган нақд пулсиз тўлов ҳужжати бўлиб, ундан қўйидаги ҳолларда фойдаланилади:

мижозлар билан боғлиқ банк операциялари бўйича ҳисоб-китобларда;

банк хизматларини кўрсатиш бўйича ҳисоб-китобларда;

банкларнинг ички операцияларида;

тўлов ҳужжатлари бўйича қисман тўлов амалга оширилганда;

кўзда тутилмаган ҳолатлар бўйича бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилганда;

мижознинг қарздорлик маблағларини қоплашда, агар ушбу талаб банк билан мижоз ўртасида тузилган шартномада белгилаб қўйилган бўлса;

бухгалтерия ҳисобидаги хато ёзувларни тузатишда;

жисмоний шахсларнинг (якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги деҳқон хўжаликларидан ташқари) ёзма мурожаати бўйича маблағларни нақд пулсиз шаклда ўтказишни амалга оширишда, бунда тўлов амалга оширилгандан сўнг, мазкур мурожаат мемориал ордер билан бирга банкнинг бухгалтерия кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади;

мижозлар билан тузиладиган шартномаларда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

29. Банкда 2-сон картотекага кирим қилинган тўлов ҳужжатлари бўйича

қисман тўлов автоматик тарзда амалга оширилади. Бунда мемориал ордерларнинг «Тўлов максади» графасида қисман тўлов амалга оширилганлигини билдирувчи «Қ/т» белгиси, тўлов ҳужжатининг рақами, санаси ва дастлабки суммаси кўрсатилади.

30. Банк тўловчи сифатида қатнашганда ва бухгалтерия ҳисобидаги хато ёзувларни тузатишда фойдаланадиган мемориал ордерлар банк раҳбарининг ва бош бухгалтернинг имзолари (шу жумладан, электрон рақамли имзолари) билан тасдиқланиши лозим. Бошқа ҳолларда мемориал ордерлар мазкур операцияни амалга оширган масъул ходимларнинг (бэк-офис бошлиғи, етакчи бухгалтер) имзолари (шу жумладан, электрон рақамли имзолари) билан тасдиқланади.

31. Мемориал ордерлар билан амалга оширилган операцияларнинг тўғрилиги бўйича жавобгарлик мазкур тўлов ҳужжатларини имзолаган шахслар зиммасига юклатилади.

4-боб. Тўлов топшириқномалари билан ҳисоб-китоблар

32. Тўлов топшириқномаси мижознинг унга хизмат кўрсатувчи банкка ўз ҳисобварағидан топшириқномада белгиланган суммани маблағларни олувчининг ҳисобварағига ўтказиш тўғрисидаги топшириғи назарда тутилган тўлов ҳужжатиدير.

33. Тўлов топшириқномалари билан товарлар (ишлар, хизматлар), солиқлар ва йиғимлар ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилиши мумкин.

Солиқлар ҳамда йиғимларни тўлаш учун тўлов топшириқномалари солиқ тўловчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтидаги шахсий кабинети орқали тақдим этилиши мумкин.

34. Банк ҳисобварағи шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тўлов топшириқномаси банк томонидан мижознинг ҳисобварағида маблағлар мавжуд бўлгандагина қабул қилинади, бундан солиқлар ва йиғимлар бўйича тақдим этилган тўлов топшириқномалари мустасно.

35. Мижознинг ҳисобварағида маблағ бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, мижознинг солиқлар ва йиғимлар бўйича тақдим этган тўлов топшириқномалари банк томонидан ижро учун қабул қилинади.

Мижознинг ҳисобварағида етарли маблағ бўлмаган тақдирда, банк томонидан мижознинг солиқлар ва йиғимлар билан боғлиқ тўлов топшириқномалари 2-сон картотекада ҳисобга олинади ва маблағларнинг етарли бўлган қисми доирасида қисман тўлов амалга оширилади, бунда тўлов топшириқномасининг орқа томонида қисман тўлов амалга оширилган сана, тўланган сумма ва қолдиқ кўрсатилади ҳамда имзо қўйилади. Тўлов топшириқномасидаги сумманинг қолган қисми маблағларнинг келиб тушишига қараб қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади.

Тизим орқали тақдим қилинган тўлов топшириқномалари асосида амалга оширилган қисман тўловлар ҳисоби дастурий равишда юритилиши мумкин.

Мижознинг ҳисобварағида маблағ бўлмаган тақдирда, солиқлар ва йиғимлар бўйича тақдим этилган тўлов топшириқномалари 2-сон картотекага кирим қилинади ҳамда маблағларнинг келиб тушишига қараб конун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўланади.

Мижоз томонидан солиқлар ва йиғимлар бўйича тақдим этилган тўлов топшириқномалари тегишли солиқ органининг ёзма ёки электрон шаклдаги мурожаати ҳамда суд қарори асосида 2-сон картотекадан чақириб олиниши мумкин.

36. Тўлов топшириқномасининг «Ҳужжат санаси» графасидаги сана у банкка тақдим этилган сана билан бир хил бўлиши керак, улар мос келмаган тақдирда, тўлов топшириқномаси банк томонидан ижро учун қабул қилинмайди.

Агар валюталаш санаси дам олиш кунига тўғри келадиган бўлса, бенефициарнинг банки валюталаш санаси деб белгиланган кундан кейинги биринчи иш кунида пул маблағларини бенефициарнинг банк ҳисобварағига ўтказади.

37. Мижоз пенсиялар, алиментлар ва бошқа тўловларни тўлаш бўйича маблағларни ўтказишга асос бўлган тўлов топшириқномаларини барча зарур ҳужжатлар (маълумотномалар, ўтказмалар рўйхати ва бошқалар) билан бирга, ушбу тўловларни амалга оширувчи ташкилот ёки банкка тақдим этади.

Ушбу ҳужжатлар банкка миждоз билан тузилган шартномада белгиланган шаклларда тақдим қилиниши мумкин.

38. Хўжалик юритувчи субъектнинг кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлари учун ўз ҳисобварағидаги маблағлардан фойдаланиши Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (рўйхат рақами 2342, 2012 йил 15 март) мувофиқ тўлов топшириқномалари асосида амалга оширилади. Бунда тўлов топшириқномасининг «Тўлов мақсади» графасига «Кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар суммаси ҳисобидан» деб ёзиб қўйилади.

39. Қоғоз шаклдаги тўлов топшириқномалари банкка икки нусхада тақдим қилинади. Бунда тўлов амалга оширилгандан сўнг, тўлов топшириқномасининг:

биринчи нусхаси банкнинг бухгалтерия кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади;

иккинчи нусхаси маблағларни тўловчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинган ҳолда маблағларни тўловчига тақдим қилинади.

40. Тизимдан фойдаланувчилардан умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқлари орқали олинган электрон шаклдаги тўлов топшириқномаси дастурий назоратдан ўтказилади ва қайта ишлаш учун узатилади. Электрон шаклдаги тўлов топшириқномаси тўлов амалга оширилганидан сўнг, рўйхат кўринишида чоп этилади ва банкнинг бухгалтерия кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади.

Маблағларни тўловчининг банки томонидан ижро этилган тўлов топшириқномасининг нусхасини маблағларни тўловчига унинг шахсий ҳисоб-

варағидан кўчирмага илова қилган ҳолда тақдим этиш тартиби мижоз ва банк ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

Маблағларни олувчининг банкига тўлов тизими орқали келиб тушган электрон шаклдаги тўлов топшириқномалари рўйхат кўринишида чоп этилади ва банкнинг бухгалтерия кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади.

Маблағларни олувчининг банкига тўлов топшириқномаси келиб тушганлиги ҳақида маблағларни олувчига хабар бериш ҳамда тўлов топшириқномасининг нусхасини маблағларни олувчига унинг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилган ҳолда тақдим этиш тартиби мижоз ва банк ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

5-боб. Тўлов талабномалари билан ҳисоб-китоблар

41. Тўлов талабномаси маблағларни тўловчининг ҳисобварағидан унда кўрсатилган суммани тўлаш тўғрисидаги маблағларни олувчининг талаби назарда тутилган тўлов ҳужжати ҳисобланади.

Тўлов талабномаси фақат асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига тақдим этилиши мумкин, бундан чет эл валютасидаги банк ҳисобварақларига тақдим этиладиган тўлов талабномалари мустасно.

42. Тўлов талабномаси товарлар (ишлар, хизматлар), шунингдек маблағларни олувчи ҳамда тўловчи ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган бошқа тўловлар бўйича тақдим этилиши мумкин.

43. Тўлов талабномалари қўйидаги турларга бўлинади:

акцептли тўлов талабномаси, унга мувофиқ тўлов талабномасида назарда тутилган тўловлар маблағларни тўловчи томонидан акцептланганидан кейин амалга оширилади;

акцептсиз тўлов талабномаси, унга мувофиқ тўлов талабномасида назарда тутилган тўловлар маблағларни тўловчининг розилиги бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар амалга оширилади.

Тўлов талабномалари қоғоз шаклда ёки Тизим орқали электрон шаклда тақдим этилиши мумкин.

44. Товар етказиб берувчи тўлов талабномасининг «Тўлов мақсади» графасида:

шартнома тури, санаси ва тартиб рақами;

товарни жўнатиш (топшириш) санаси ва товар-транспорт ёки қабул қилиш-топшириш ҳужжатлари рақами ҳамда транспорт тури, товарлар почта алоқаси орқали жўнатилганда — почта квитанцияларининг рақами;

товарлар сотиб олувчининг транспорт воситаси билан олиб кетилганда «__-сон ишонч хати асосида сотиб олувчининг транспорт воситаси билан олиб чиқиб кетилган» деган ёзув кўрсатилади.

45. Қоғоз шаклдаги тўлов талабномаси маблағларни олувчи томонидан мазкур Низомнинг 6-иловасига* мувофиқ шаклдаги икки нусхада тузилган реестр билан бирга унга хизмат кўрсатувчи банкка ёки тўловчининг банкига тақдим қилинади.

* 6-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Реестрнинг биринчи нусхаси ташкилот раҳбари ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахс томонидан имзоланган ҳамда ташкилот муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак, бунда тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим қилинган реестрда муҳр изининг мавжудлиги талаб этилмайди. Реестрнинг биринчи нусхаси қабул қилиш санаси кўрсатилиб, банк масъул ходимининг имзоси ва банк томонидан унга бириктириб қўйилган банк штампи билан тасдиқланган ҳолда банкда қолади.

Реестрнинг иккинчи нусхаси банк томонидан қабул қилинган санаси кўрсатилиб, масъул ходимнинг имзоси ва банк томонидан унга бириктириб қўйилган банк штампи билан тасдиқланган ҳолда маблағларни олувчига қайтарилади.

46. Қоғоз шаклидаги акцептли тўлов талабномалари:

а) маблағларни тўловчи ва олувчига банкнинг битта филиали томонидан хизмат кўрсатилганда, тўлов талабномаси икки нусхада тақдим қилинади.

Бунда тўлов талабномасининг биринчи нусхаси банкда қолдирилади. Тўлов талабномасининг иккинчи нусхаси кейинги операция кунидан кечиктирмай (бундан маблағларни тўловчи ёки унинг вакили белгиланган муддатда банкка ташриф буюрмаган ҳоллар мустасно), банк томонидан қабул қилиш санаси кўрсатилиб, акцептлаш учун маблағларни тўловчи ёки унинг вакилига топширилади;

б) маблағларни тўловчи ва олувчига бир банкнинг турли филиаллари ёки турли банклар томонидан хизмат кўрсатилганда, тўлов талабномалари икки нусхада тақдим қилинади. Тўлов талабномаси маблағларни олувчининг банкига тақдим қилинган бўлса, тўлов талабномасининг барча нусхалари маблағларни тўловчининг банкига юборилади. Бунда маблағларни тўловчининг банкида тўлов талабномасининг:

биринчи нусхаси банкда қолдирилади;

иккинчи нусхаси кейинги операция кунидан кечиктирмай (бундан тўловчи ёки унинг вакили белгиланган муддатда банкка ташриф буюрмаган ҳоллар мустасно), банк томонидан қабул қилиш санаси кўрсатилади ва акцептлаш учун тўловчи ёки унинг вакилига топширилади.

Тўлов талабномаси келиб тушганлиги ҳақида маблағларни тўловчига хабар бериш ҳамда Тизимдан фойдаланувчи маблағларни тўловчи томонидан тўлов талабномаси билан танишганлигини тасдиқлаш тартиби мижоз ва банк ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

47. Акцептли тўлов талабномасининг нусхаси маблағларни тўловчининг банкига келиб тушган кундан кейинги операция кунидан кечиктирмасдан, маблағларни тўловчи ёки унинг вакилига «Тўлов муддатини кутаётган тўлов ҳужжатлари» журналида ва ушбу тўлов талабномаси биринчи нусхасининг юқори ўнг бурчагига имзо қўйдирган ҳолда топширилади. Бунда топширилган акцептли тўлов талабномаси 1-сон картотекада ҳисобга олинади.

Тизим орқали топширилган акцептли тўлов талабномаларининг олинганлиги маблағларни тўловчи томонидан электрон рақамли имзо билан

тасдиқланади. Бунда ушбу тўлов талабномаларининг ҳисоби электрон шаклдаги «Тўлов муддатини кутаётган тўлов ҳужжатлари» журналида юритилади ҳамда 1-сон картотекада ҳисобга олинади.

48. Акцептли тўлов талабномаларини акцептлаш муддати улар маблағларни тўловчига топширилган кундан кейинги кундан бошлаб беш операция кунини ташкил қилади.

Бунда маблағларни тўловчининг аризасига асосан акцептли тўлов талабномалари улар топширилган кундан кейинги кундан бошлаб ўн операция кунини ичида акцептланиши мумкин.

Маблағларни тўловчи мазкур банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолатлар ва муддатларда ёзма ёки электрон равишда тўлов талабномасини акцептлашни тўла ёки қисман рад этиши мумкин.

49. Акцептли тўлов талабномаси келиб тушган кундан бошлаб ўн операция кунини ичида банк томонидан маблағларни тўловчига топшириш имкони бўлмаган, шу жумладан ушбу муддатда маблағларни тўловчи Тизимга кирмаган ҳолларда тўлов талабномасига банк томонидан «Мижознинг келмаганлиги сабабли ижро этилмади» деган ёзув киритилади ва ижро этилмасдан қайтариб юборилади.

Бунда, мазкур банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган ўн операция кунини ичида маблағларни тўловчининг топшириғига асосан унинг ҳисобварағидан маблағларни ҳисобдан чиқариш, шу жумладан нақд пул бериш операциялари амалга оширилган бўлмаслиги керак, бундан Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-сайтидаги солиқ тўловчиларнинг шахсий кабинети орқали юборилган тўлов топшириқномалари асосида тўловларни амалга ошириш ҳолатлари мустасно.

50. Маблағларни тўловчининг тўлов талабномасини акцептлашни тўла ёки қисман рад этиш тўғрисидаги аризасида рад этиш сабаблари кўрсатилади ҳамда унинг шахсий варақчасида кўрсатилган шахслар томонидан имзоланади (Тизим орқали юборилган ҳолларда электрон рақамли имзо билан тасдиқланади).

51. Акцептли тўлов талабномаси тўловчининг рухсати билан ижро қилинади. Дебиторлик-кредиторлик қарзларини солиштириш далолатномаси, етказиб берилган товарлар (бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар) бўйича расмийлаштирилган далолатноманинг тўлов талабномасига илова қилиниши маблағларни акцептсиз равишда ҳисобдан чиқариш учун асос бўлмайди.

52. Акцептли тўлов талабномаси қисман рад этилганда, тўлов акцептланган сумма доирасида амалга оширилади. Маблағларни тўловчининг банки акцептлаш қисман рад этилганлиги ҳақида маблағларни олувчининг банкини уч операция кунини ичида хабардор қилади.

Маблағларни тўловчининг ҳисобварағида маблағ бўлмаган тақдирда, тўлов талабномаси акцептланган сумма доирасида 2-сон картотекада ҳисобга олинади.

53. Маблағларни тўловчи томонидан тўлов талабномасини акцептлаш тўла рад этилганда, тўлов талабномаси шу куннинг ўзида 1-сон картотекадан ҳисобдан чиқарилади ҳамда тўлов талабномасини акцептлашни тўла рад этиш тўғрисидаги аризанинг нусхаси билан бирга маблағларни олувчининг банкига ижро этилмасдан кейинги операция кунидан кечикмаган ҳолда қайтариб юборилади.

54. Тўлов талабномаси мазкур Низомнинг 48-бандида белгиланган муддатларда тўлов талабномасини акцептлаш ёки рад этиш (тўлиқ ёки қисман) тўғрисида унинг юқоридаги ўнг бурчагига маблағларни тўловчининг шахсий варақчасида кўрсатилган шахслар томонидан белги ва имзо қўйилган ҳолда маблағларни тўловчининг банкига қайтарилиши керак, бундан тўлов талабномалари акцептлаш учун Тизим орқали тақдим қилинган ҳоллар мустасно.

Маблағларни тўловчи белгиланган муддатда тўлов талабномасини акцептлаши ёки рад этиши (тўлиқ ёки қисман) тўғрисида маълум қилмаган тақдирда, тўлов талабномаси банк томонидан умумий тартибда акцептланган ҳисобланади ҳамда тўлов амалга оширилади.

55. Тўлов талабномасини акцептлашни тўла ёки қисман рад этиш сабаблари банклар томонидан кўриб чиқилмайди.

56. Маблағлар қуйидаги ҳолларда акцептсиз ҳисобдан чиқарилади:

тўлов талабномасига маблағларни тўловчининг суммани тан олганлиги тўғрисидаги ёзма хатининг асл нусхаси илова қилинганда;

банклар томонидан маблағларни тўловчининг банкига унинг кредитлари ва уларга ҳисобланган фоизлари бўйича муддатида тўланмаган қарзларни ундириш учун;

банкдан олинган кредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар бўйича муддатида тўланмаган қарзларни кафил бўлган шахсдан ундириш учун;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

57. Қоғоз шаклдаги акцептсиз тўлов талабномалари банкка:

маблағларни тўловчи ва олувчига банкнинг битта филиали томонидан хизмат кўрсатилганда, тўлов талабномалари икки нусхада тақдим қилинади;

маблағларни тўловчи ва олувчига бир банкнинг турли филиаллари ёки турли банклар томонидан хизмат кўрсатилганда, тўлов талабномалари икки нусхада тақдим қилинади. Бунда тўлов талабномаси маблағларни олувчининг банкига тақдим қилинган бўлса, унинг барча нусхалари маблағларни тўловчининг банкига юборилади.

58. Маблағларни тўловчининг банки акцептсиз тўлов талабномалари асосида маблағларни ҳисобдан чиқарганда, тўлов талабномаси олд қисмининг юқори ўнг бурчагига «Акцептсиз» деган ёзув киритади ва тўловни амалга оширади.

59. Акцептланган, қисман акцептланган ёки акцептсиз тўлов талабномаси асосида тўлов амалга оширилгандан кейин, маблағларни тўловчининг банки томонидан тўлов талабномасининг:

биринчи нусхаси банкнинг бухгалтерия кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади;

иккинчи нусхаси маблағларни тўловчининг ҳисобварағидан кўчирма билан биргаликда тўловчига берилади. Бунда, тўлов талабномасининг нусхасини маблағларни тўловчига унинг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилган ҳолда тақдим этиш тартиби мижоз ва банк ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

60. Маблағларни тўловчининг ҳисобварағида маблағлар етарли бўлган ва тўлов талабномалари мазкур Низом талабларига мувофиқ тақдим этилган тақдирда, тўлов мазкур Низомнинг 4-бандида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

Маблағларни тўловчининг ҳисобварағида етарли маблағ бўлмаган тақдирда, акцептланган ёки акцептсиз тўлов талабномалари банк томонидан 2-сон картотекада ҳисобга олинади ва маблағларнинг етарли бўлган қисми доирасида тўлов амалга оширилади, бунда тўлов талабномасининг орқа томонида қисман тўлов амалга оширилган сана, қисман тўланган сумма ва қолдиқ кўрсатилиб, имзо қўйилади. Тўлов талабномаси бўйича сумманинг қолган қисми маблағларнинг келиб тушишига қараб тўлаб борилади.

Маблағларни тўловчининг ҳисобварағида маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, акцептланган ёки акцептсиз тўлов талабномалари 2-сон картотекада ҳисобга олинади ҳамда бу ҳақда уч операция кунидан кечикмай маблағларни олувчининг банкига хабар берилади ва маблағларнинг келиб тушишига қараб тўлаб борилади.

Тизим орқали тақдим қилинган тўлов талабномалари асосида амалга оширилган қисман тўловлар ҳисоби дастурий равишда юритилади.

61. Акцептли ва акцептсиз тўлов талабномаларининг 2-сон картотекадан ҳисобдан чиқарилиши суд қарорига, маблағларни олувчининг аризасига ва маблағларни олувчининг фаолияти тугатилганлигини тасдиқловчи маълумотномага асосан амалга оширилади ҳамда ижро этилмасдан қайтариб юборилади.

62. Маблағларни олувчининг банкига тўлов тизими орқали келиб тушган электрон шаклдаги тўлов талабномалари рўйхат кўринишида чоп этилади ва банкнинг бухгалтерия кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади.

Электрон шаклдаги тўлов талабномасининг нусхасини маблағларни олувчига унинг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилган ҳолда тақдим этиш тартиби мижоз ва банк ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

63. Тўлов талабномаси битта операция бўйича такроран тақдим этилиши мумкин эмас, бундан дастлабки тўлов талабномаси маблағларни тўловчининг банкига келиб тушмаган ҳоллар мустасно.

6-боб. Инкассо топшириқномалари билан ҳисоб-китоблар

64. Инкассо топшириқномаси унда кўрсатилган маблағларни тўловчининг банки ҳисобварағидан сўзсиз равишда ҳисобдан чиқариш бўйича маблағларни олувчининг топшириғи назарда тутилган тўлов ҳужжати.

Инкассо топшириқномаси маблағларни тўловчининг фақат асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига тақдим этилиши мумкин, бундан чет эл валютасидаги банк ҳисобварақларига тақдим этиладиган инкассо топшириқномаси мустасно.

65. Қуйидагилар инкассо топшириқномаларини тақдим этиш ҳуқуқига эга:

а) давлат солиқ хизмати органлари — ўз муддатида тўланмаган бюджет тизимига ўтказиладиган солиқлар ва йиғимларни ундириш тўғрисида;

б) божхона органлари — ўз муддатида тўланмаган божхона тўловларини ундириш тўғрисида;

в) давлат ижрочилари ва ундирувчилар:

ижро ҳужжатлари бўйича пул маблағларини ундириш тўғрисида;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва унинг ҳудудий тузилмалари томонидан истеъмолчилар — юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг банк ҳисобварақларига етказиб берилган энергия ресурслари ҳамда қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизмати бўйича қарздорликни ундириш тўғрисида;

г) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги — Ўзбекистон Республикасининг берилган давлат кафолатлари билан амалга оширилган тўловлар ва улар билан боғлиқ харажатлар суммасини қарз олувчидан ундириш ҳамда бюджет ссудаси ёки кредит линияси, шу жумладан фоизларни қайтариш тўғрисида;

д) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (бундан буён матнда Жамғарма деб юритилади) — Жамғарма маблағлари ҳисобидан тижорат агентларига («Ўзпахтасаноат» АЖ, «Ўздонмахсулот» АЖ, «Ўзагролизинг» АЖ, «Ўзмашлизинг» МЧЖ) ажратилган мақсадли маблағларни қайтариш бўйича мажбуриятлар тижорат агентлари томонидан бажарилмаган тақдирда, уларнинг банк ҳисобварақларига.

66. «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасида назарда тутилган ҳужжатлар ижро ҳужжатлари ҳисобланади.

67. Инкассо топшириқномаси ижро ҳужжатлари асосида тақдим этилганда, унга ижро ҳужжатининг асл нусхаси, агар асл нусхаси йўқолган бўлса — дубликати илова қилинади, бундан электрон шаклда тақдим этилган ҳолатлар мустасно.

Маблағларни ижро ҳужжатларининг нусхалари асосида ҳисобдан чиқариш тақиқланади.

Ижро ҳужжатлари асосида тақдим этилган инкассо топшириқномасининг «Тўлов мақсади» графасида ижро ҳужжатининг номи, тартиб рақами ва санаси кўрсатилади.

68. Инкассо топшириқномаларининг тўғри тақдим этилиши бўйича жавобгарлик инкассо топшириқномасини тақдим этган органлар зиммасига юклатилади. Инкассо топшириқномалари бўйича тўловларни маблағларни

тўловчиларнинг ҳисобварақларидан сўзсиз равишда ҳисобдан чиқаришга оид эътирозлар банк томонидан кўриб чиқилмайди.

69. Инкассо топшириқномалари бўйича маблағларни ундириб олишни тўхтатиб қўйиш ёки чақириб олиш инкассо топшириқномасини тақдим этган орган томонидан ёки ундирувчининг аризасига кўра ёхуд суд қарорига мувофиқ амалга оширилади.

Инкассо топшириқномаси суд қарорига асосан ёки тўловчи тугатилганлигини тасдиқловчи маълумот мавжуд ҳолларда бекор қилиниши мумкин.

70. Инкассо топшириқномаси маблағларни тўловчи ёки олувчининг банкига қоғоз ва электрон шаклда тақдим этилиши мумкин.

Қоғоз шаклдаги инкассо топшириқномаси маблағларни тўловчининг банкига тақдим этилганда, ундаги реквизитлар маблағларни олувчининг банки томонидан текширилади ҳамда текширган масъул ходимга бириктирилган штамп билан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетларининг шахсий газна ҳисобварақларига маблағларни ундиришни назарда тутувчи инкассо топшириқномалари маблағларни олувчининг банки томонидан тасдиқланиши талаб этилмайди.

71. Инкассо топшириқномаси битта операция бўйича такроран тақдим этилиши мумкин эмас, бундан дастлабки инкассо топшириқномаси маблағларни тўловчининг банкига келиб тушмаган ҳоллар мустасно.

72. Қоғоз шаклдаги инкассо топшириқномаси маблағларни олувчи ёки тўловчининг банкига уч нусхада тақдим қилинади. Бунда инкассо топшириқномасининг:

биринчи ва иккинчи нусхалари ижро учун банкда қолдирилади;

учинчи нусхаси қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда инкассо топшириқномасини қабул қилиб олган масъул ходим томонидан имзоланади ва унга бириктирилган банк штамп билан тасдиқланиб, инкассо топшириқномасини тақдим этган шахсга қайтариб берилади.

Маблағларни олувчининг банкига тақдим этилган инкассо топшириқномасининг биринчи ва иккинчи нусхалари «Тўлов ҳужжатларини расмийлаштириш» журналида қайд этилган ҳолда почта хизмати орқали маблағларни тўловчининг банкига юборилади.

Электрон шаклдаги инкассо топшириқномаси тўлов ҳужжатларини тақдим этиш тизими орқали маблағларни тўловчининг банкига электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда ижро учун юборилади.

73. Маблағларни тўловчининг банки томонидан тўлиқ бажарилган қоғоз шаклдаги инкассо топшириқномасининг:

биринчи нусхаси банкнинг бухгалтерия кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади;

иккинчи нусхаси шахсий ҳисобварақидан кўчирма билан бирга маблағларни тўловчига тақдим этилади.

Электрон шаклда тақдим этилган инкассо топшириқномаларнинг ҳисоби банкда дастурий равишда юритилади.

Маблағларни тўловчининг банки томонидан тўлиқ бажарилган электрон

шаклдаги инкассо топшириқномасининг нухасини шахсий ҳисобварағидан кўчирма билан бирга маблағларни тўловчига тақдим этиш тартиби банк ва мижоз ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

74. Маблағларни олувчининг банкига тўлов тизими орқали келиб тушган электрон шаклдаги инкассо топшириқномалари рўйхат кўринишида чоп этилади ва банкнинг бухгалтерия кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади.

Электрон шаклдаги инкассо топшириқномасининг нухасини маблағларни олувчига унинг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилган ҳолда тақдим этиш тартиби мижоз ва банк ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

75. Маблағларни тўловчининг ҳисобварағида етарли маблағ бўлмаган тақдирда, инкассо топшириқномаси банк томонидан 2-сон картотекада ҳисобга олинади ва маблағларнинг етарли бўлган қисми доирасида тўлов амалга оширилади, бунда инкассо топшириқномасининг орқа томонида қисман тўлов амалга оширилган сана, қисман тўланган сумма ва қолдиқ кўрсатилиб, имзо қўйилади.

Инкассо топшириқномаси бўйича сумманинг қолган қисми маблағларнинг келиб тушишига қараб тўлаб борилади.

Тўлов ҳужжатларини тақдим этиш тизими орқали юборилган инкассо топшириқномаси асосида амалга оширилган қисман тўловлар ҳисоби дастурий равишда юритилади.

76. Маблағларни тўловчининг ҳисобварағида маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, инкассо топшириқномаси 2-сон картотекада ҳисобга олинади ҳамда маблағларнинг келиб тушишига қараб тўлаб борилади.

77. Инкассо топшириқномаси 2-сон картотекада ҳисобга олинганлиги ва тўлов суммаси ҳақида у келиб тушган кундан кейинги операция кундан кечикмай маблағларни олувчининг банкига ёки маблағларни олувчига хабар берилади.

78. Маблағларни тўловчининг банки инкассо топшириқномасининг ўз айби билан бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

7-боб. Аккредитивлар бўйича ҳисоб-китоблар

79. Аккредитивга ариза маблағларни тўловчи томонидан шартномада кўрсатилган суммани олувчининг аккредитив бўйича ҳисоб-китоблар учун очилган банк ҳисобварағига ўтказишида қўлланиладиган тўлов ҳужжати.

Аккредитив бўйича ҳисоб-китоб қилинганда тўловчининг топшириғи билан ва унинг кўрсатмаларига мувофиқ аккредитив очган банк (банк-эмитент), маблағларни олувчи ёки у кўрсатган шахс ҳужжатларни тақдим этган ва аккредитивда назарда тутилган бошқа шартларни бажарган тақдирда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

Аккредитив бўйича халқаро ҳисоб-китобларда чет эл банклари иштирок этганда, ушбу операциялар Халқаро савдо палатасининг стандартлари асосида амалга оширилади.

80. Аккредитивнинг амал қилиш муддати ва у бўйича ҳисоб-китоб қилиш тартиби маблағларни тўловчи ва олувчи ўртасидаги шартномада белгилаб қўйилади.

Бунда шартнома қўйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

маблағларни тўловчининг банки номи;

аккредитивнинг тури ва уни бажариш усули;

аккредитив очилганлиги ҳақида маблағларни олувчини хабардор қилиш усули;

аккредитив бўйича маблағлар олиш учун маблағларни олувчи томонидан тақдим этиладиган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати ва аниқ тавсифи;

товарлар жўнатилганидан (хизматлар кўрсатилганидан, ишлар бажарилганидан) кейин ҳужжатларни тақдим этиш муддатлари, уларни расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар.

Мазкур бандда назарда тутилган талабларга риоя қилинмаганда аккредитив бўйича шартнома тузилмайди ва аккредитив очилмайди.

81. Аккредитив қопланган (депонентланган) ва қопланмаган бўлиши мумкин.

Қопланган (депонентланган) аккредитив очилган тақдирда маблағларни тўловчининг банки уни очиш вақтида мижознинг маблағларини ёки унга берилган кредитни тўловчининг банки мажбуриятлари амал қилиб турадиган бутун муддатга маблағларни олувчининг банки ихтиёрига ўтказди.

Қопланмаган аккредитив очилган тақдирда маблағларни тўловчининг банки маблағларни олувчининг банкига аккредитивнинг бутун суммасини тўловчининг банкига маблағларни олувчининг банкида юритилаётган ҳисобварағидан ўчириш ҳуқуқини беради.

82. Аккредитивлар банклар томонидан 1-сон картотекада ва «Мижозларнинг аккредитивлар бўйича депозитлари» 22602 баланс ҳисобварағида ҳисобга олинади. Маблағларни олувчи учун унга хизмат кўрсатувчи банкда аккредитивлар бўйича алоҳида депозит ҳисобварақлари очилади.

83. Қопланган ва қопланмаган аккредитивлар ўзгартириш киритиш тартибига кўра чақириб олинмаган ва чақириб олинмайдиган турларга бўлинади. Аккредитивда унинг чақириб олинмаслиги назарда тутилмаган бўлса, бундай аккредитив чақириб олинмаган аккредитив ҳисобланади.

Чақириб олинмаган аккредитив маблағларни тўловчининг банки томонидан маблағларни олувчи билан олдиндан келишилмасдан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Аккредитивнинг чақириб олиниши тўловчининг банки учун ҳеч қандай мажбуриятни вужудга келтирмайди.

Чақириб олинмаган аккредитив шартларини ўзгартириш ёки бекор қилиш бўйича маблағларни тўловчининг топшириқлари маблағларни тўловчининг банки орқали берилади ва маблағларни тўловчининг банки томонидан маблағларни олувчининг банкига, олувчининг банки томонидан эса маблағларни олувчига хабар берилади.

84. Маблағларни олувчининг банки аккредитивни ўзгартириш ёки бекор қилиш бўйича хабарнома олмаган тақдирда, чақириб олинмаган аккредитив бўйича барча операцияларни амалга оширишга мажбур.

85. Чақириб олинмайдиган аккредитив маблағларни олувчининг розилигисиз ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас.

86. Маблағларни олувчининг банки чақириб олинмайдиган аккредитивни маблағларни тўловчининг банки билан тузилган шартнома асосида тасдиқлаши мумкин. Бунда чақириб олинмайдиган аккредитив тасдиқланган аккредитив ҳисобланади.

Тасдиқланган аккредитивларда маблағларни олувчининг банки тўловни амалга ошириш бўйича қўшимча мажбуриятлар олади. Тасдиқланган аккредитив маблағларни олувчининг банки розилигисиз ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас.

87. Аккредитивлар бўйича ҳисоб-китоблар, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, нақд пулсиз тартибда амалга оширилади.

Аккредитивни бошқа шахслар номига қайта расмийлаштириш тақиқланади.

88. Маблағларни тўловчи аккредитив очиш учун унга хизмат кўрсатувчи банкка шартномани илова қилган ҳолда икки нусхада аккредитивга ариза билан мурожаат қилади. Бунда аризанинг (тўлов ҳужжатининг):

биринчи нусхаси тўловлар амалга оширилгандан сўнг банкнинг бухгалтерия кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади;

иккинчи нусхаси маблағларни тўловчининг шахсий ҳисобварағидан кўчирмага илова қилинади.

Аккредитив суммаси бир вақтнинг ўзида кўзда тутилмаган ҳолатлар баланسدан ташқари ҳисобварағига кирим қилинади.

89. Қопланган аккредитивда назарда тутилган сумма маблағларни олувчининг банкида очилган ҳисобвараққа маблағларни тўловчининг аризасига (тўлов ҳужжати билан) асосан ўтказилади. Бунда маблағларни олувчининг банки аккредитивда назарда тутилган сумма маблағларни олувчининг ҳисобварағига келиб тушганлиги ҳақида уни хабардор қилади.

90. Маблағларни олувчининг банкига тўлов тизими орқали келиб тушган аккредитивга аризалар банк томонидан икки нусхада чоп этилиб, унинг бир нусхаси банкнинг бухгалтерия кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикиб қўйилади, иккинчи нусхаси — 1-сон картотекада ҳисобга олинади.

91. Аккредитивнинг муддати тугагунига қадар маблағларни олувчи ва тўловчи ўртасида тузилган шартномада белгиланган ва маблағларни олувчи томонидан аккредитив шартлари бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар икки нусхада тақдим қилинган тақдирда, тегишли сумма унинг ҳисобварағига ўтказиб берилади. Бунда банк томонидан маблағларни олувчининг аккредитив шартларига риоя қилганлиги ҳамда уларнинг бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги текширилиши шарт.

92. Маблағларни тўловчи ва олувчи ўртасида тузилган аккредитив бўйича шартномада белгиланган шартларнинг биттаси бажарилмаган тақдирда ҳам аккредитив бўйича тўловлар амалга оширилмайди.

93. Маблағларни олувчининг ҳисобварағига маблағларни ўтказишда банк томонидан тўрт нусхада мемориал ордер расмийлаштирилиб, унинг «Тўлов мақсади» графасида тўлов қайси шартнома асосида амалга оширилаётган бўлса, шу шартноманинг тартиб рақами ва санаси кўрсатилади. Бунда мемориал ордернинг:

биринчи нусхаси тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси билан бирга банкнинг бухгалтерия кунлик ҳужжатлари йиғмажилдига тикиб қўйилади;

иккинчи ва учинчи нусхалари уларга тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси илова қилинган ҳолда маблағларни тўловчининг банкига юборилади;

тўртинчи нусхаси шахсий ҳисобварағидан кўчирма билан бирга маблағларни олувчига берилади ҳамда аккредитив бўйича тўланган сумма 1-сон картотекадан ҳисобдан чиқарилади.

94. Маблағларни тўловчининг банки томонидан аккредитивнинг ижро этилганлиги тўғрисидаги ҳужжат маблағларни олувчининг банкидан олинганидан сўнг, аккредитив суммаси 1-сон картотекадан ҳисобдан чиқарилади ва маблағларни олувчининг банки томонидан тақдим қилинган мемориал ордернинг бир нусхаси тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ҳолда маблағларни тўловчига берилади.

95. Аккредитив маблағларни олувчининг банкида:

аккредитив муддати тугаган бўлса;

маблағларни олувчининг аккредитив амал қилиш муддати тугагунга қадар ундан фойдаланишдан воз кечиши ҳақидаги аризасига кўра, агар бундай воз кечиш мумкинлиги аккредитив шартларида назарда тутилган бўлса;

маблағларни тўловчининг аккредитивни бутунлай ёки қисман чақириб олиш ҳақидаги талабига мувофиқ, агар бундай чақириб олишга аккредитив шартлари бўйича йўл қўйилса, ёпилади.

Аккредитив ёпилганлиги ҳақида маблағларни олувчининг банки маблағларни тўловчининг банкени хабардор қилиши керак.

96. Аккредитив маблағларни тўловчига хизмат кўрсатувчи банк томонидан хабарнома олинган кунда «Мижозларнинг аккредитивлар бўйича депозитлари» 22602 баланс ҳисобварағи тегишли суммадан кам бўлмаган суммага камайтирилади ёки ёпилади.

97. Қопланган (депонентланган) аккредитивнинг фойдаланилмаган суммаси аккредитив ёпилиши билан бир вақтда маблағларни тўловчининг банкига қайтариб берилиши керак. Маблағларни тўловчининг банки қайтариб берилган суммаларни маблағларни тўловчининг маблағлари депонентланган ҳисобварағига киритиб қўйиши шарт.

98. Аккредитивдан тўлиқ фойдаланилмаганлиги сабабли, маблағлар тўловчининг банкига қайтарилган тақдирда, банк томонидан очилган 1-сон картотека қайтарилган суммага тенг миқдорда камайтирилади.

99. Аккредитив бўйича қисман тўловлар амалга оширилган тақдирда, маблағларни тўловчининг банки ва маблағларни олувчининг банки амалга оширилган қисман тўловларни 1-сон картотекадан ҳисобдан чиқариб боради.

8-боб. Юридик шахсни қайта ташкил этиш ва тугатиш вақтида маблағларни ҳисобдан чиқариш

100. Қайта ташкил этилаётган (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) юридик шахснинг тўлов ҳужжатлари бўйича тўловлар қонун ҳужжатларига мувофиқ унинг асосий ҳисобварағидан амалга оширади.

101. Кредиторлар ва ҳуқуқий ворис ўртасида низо юзага келган тақдирда, маблағлар суд қарорига асосан ҳуқуқий вориснинг ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилади.

102. Тугатилаётган юридик шахснинг ҳисобварағидан маблағлар фақатгина тугатиш комиссияси томонидан тақдим этиладиган тўлов топшириқ-номалари асосида ҳисобдан чиқарилади ҳамда тугатилаётган юридик шахснинг барча ҳисобварақлари тугатиш комиссиясининг ихтиёрига ўтади.

Тугатилаётган юридик шахснинг шахсий варақчаси ўз кучини йўқотган деб топилиб, унинг ўрнига тугатиш комиссияси аъзоларининг имзо намуналари туширилган шахсий варақча расмийлаштирилади. Бунда имзо намуналари ўз кучини йўқотган деб топилмаган шахсларнинг топшириқларига асосан тугатилаётган юридик шахснинг ҳисобварақларидан маблағларнинг ҳисобдан чиқарилганлиги учун банклар жавобгар бўлмайди.

9-боб. Яқуний қоидалар

103. Тўлов интизомига риоя қилмаган банклар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

104. Банкларнинг вакиллик ҳисобварақлари орқали ўтказиладиган операциялар, агар овердрафт (қисқа муддатли кредит бериш) назарда тутилмаган бўлса, банкларнинг вакиллик ҳисобварағидаги маблағлар доирасида амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

168 Санация қилинаётган корхона махсус санация ҳисоб-варағининг ишлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
13 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1636-4*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда Марказий банки бошқарувининг 2006 йил 7 июлдаги 2, 276-В-сон қарори (рўйхат рақами 1636, 2006 йил 3 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 43-44-сон, 437-модда) билан тасдиқланган Санация қилинаётган корхона махсус санация ҳисобварағининг ишлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат активларини бошқариш
агентлиги директори**

С. БЕКЕНОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 9 март,
14/02-сон

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 9 март,
276-В-4-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 13 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат активларини бошқариш агентлиги ва
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил
9 мартдаги 14/02 ва 276-В-4-сон қарорига
ИЛОВА

**Санация қилинаётган корхона махсус санация
ҳисобварағининг ишлаш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 1-банддаги «Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Ҳайъати (бундан кейин — Қўмита Ҳайъати)нинг» деган сўзлар «Давлат активларини бошқариш агентлиги Ҳайъатининг (бундан буён матнда Агентлик Ҳайъати деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Махсус санация ҳисобварағини очиш учун санация қилинаётган корхона унинг талаб қилиб олингунча асосий депозит ҳисобварағига хизмат кўрсатаётган банкка махсус санация ҳисобварағи очишга ариза тақдим этади. Аризага Агентлик Ҳайъатининг корхонага нисбатан судгача санацияни жорий этиш тўғрисидаги қарорининг Агентлик томонидан тасдиқланган нусхаси, молиявий соғломлаштириш бизнес-режаси ва барча кредиторлар қарзларини сўндиришнинг Агентлик Ҳайъати маъқуллаган жадвали илова қилинади.».

3. 3-бандда:

иккинчи хатбошидаги «хорижий валютадаги» деган сўзлар «чет эл валютасидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг давлат хариди ва қишлоқ хўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш» деган сўзлар «Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳаракати билан боғлиқ махсус ҳисобварақларнинг ишлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасини бошқариш департаменти томонидан белгиланади.».

4. 4-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги, 5 ва 8-банддаги «Қўмита» деган сўз «Агентлик» деган сўз билан алмаштирилсин.

5. 9-банддаги «Қўмита Ҳайъатининг» деган сўзлар «Агентлик Ҳайъатининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 11-бандда:

учинчи хатбошидаги «бошқа мажбурий тўловлар» деган сўзлар «йиғимлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбоши «банк» деган сўздан кейин «ва Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7. 12-банддаги «хорижий валютадаги» деган сўзлар «чет эл валютасидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 13-бандда:

биринчи хатбошидаги «Кўмита» деган сўз «Агентлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Кўмита Ҳайъатининг» ва «Кўмита» деган сўзлар тегишли равишда «Агентлик Ҳайъатининг» ва «Агентлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

169 Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
13 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3016-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 декабрдаги ПҚ–4544-сон «Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ва давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 15 майдаги 185-сон буйруғи (рўйхат рақами 3016, 2018 йил 26 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 22-сон, 458-модда) билан тасдиқланган Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 13 апрелда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 24 февраль,
7-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2020 йил 24 февралдаги
7-сон буйруғига
ИЛОВА

**Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-бандда:

ўн олтинчи хатбоши қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«**захира ижрочиси** — харид қилиш тартиб-таомиллари якунига кўра харид комиссиясининг қарорига мувофиқ волиб деб топилган иштирокчининг таклифидан сўнг таклифи энг мақбул деб топилган иштирокчи;»;

йигирма биринчи ва йигирма иккинчи хатбошилар қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«**давлат харидларининг электрон тизими** (бундан буён матнда электрон тизим деб юритилади) — электрон давлат харидлари жараёнида давлат харидлари субъектларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайдиган ташкилий, ахборот ва техник воситаларнинг дастурий мажмуи;

электрон давлат харидлари — давлат харидлари субъектларининг ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда давлат харидларини амалга ошириш шакллари.»

2. 2-банднинг учинчи хатбошиси қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион (бундан буён матнда аукцион деб юритилади);».

3. 7 ва 8-бандлар қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«7. Харид қилиш тартиб-таомилларини электрон дўкон ёки аукцион орқали амалга оширишда корпоратив буюртмачи ва иштирокчи томонидан киритилган закатлат шартнома мажбурияти бажариладиган вақтга қадар ёки шартнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилингунга қадар хатлаб қўйилади, бундан мазкур Низомнинг 8-бандида белгиланган ҳоллар мустасно.

8. Электрон дўкон ва аукцион иштирокчиларининг закатлати бошқа иштирокчилар томонидан пастроқ нархдаги таклиф берилгунга қадар хатланади.»

4. Қуйидаги мазмундаги 8¹-банд билан тўлдирилсин:

«8¹. Бюджет буюртмачиси томонидан электрон танлов ёки электрон тендер ўтказишда иштирокчиларнинг закалати оператор томонидан голиб аниқлангунга қадар хатлаб қўйилади. Электрон танлов ёки электрон тендер голибининг закалати шартнома тузилгунга қадар хатланади.

Корпоратив буюртмачи томонидан электрон танлов ёки электрон тендер ўтказишда иштирокчилар томонидан закат киритиш зарурати ва миқдори корпоратив буюртмачи томонидан белгиланади ҳамда киритилган закат оператор томонидан электрон танлов ёки электрон тендер голиби билан шартнома тузилгунга қадар хатланади. Бунда закат миқдори товар (иш, хизмат) қийматининг 3 фоизидан ошмаслиги керак.»

5. 9-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

6. 14-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги, 33-банднинг бешинчи хатбошисидаги, 45-банднинг бешинчи ва олтинчи хатбошиларидаги, 46-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги, 53-банддаги ҳамда 126-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. Қуйидаги мазмундаги 19¹-банд билан тўлдирилсин:

«19¹. Давлат буюртмачилари электрон дўконнинг қўшимча саҳифасидан фойдаланган ҳолда, давлат харидларини ҳудудлар (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) кесимида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (иш бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар) ўртасида амалга ошириши мумкин.

Бунда, электрон дўконнинг қўшимча саҳифасидан фойдаланиш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

буюртмачи электрон дўконда «миллий дўкон» ячейкасини танлайди;

электрон тизим буюртмачи жойлашган ҳудуд бўйича маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг (иш бажарувчиларнинг, хизмат кўрсатувчиларнинг) таклифлари жойлаштирилган қўшимча саҳифани очади.

«Миллий дўкон» ячейкасининг «қидирув» тугмасидан фойдаланилганда электрон тизим буюртмачи жойлашган ҳудуддаги маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (иш бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар) томонидан етказиб бериладиган товарни (ишни, хизматни) қидиради.

Электрон дўконнинг қўшимча саҳифасида харид қилиш тартиб-таомили якунига кўра товар (иш, хизмат) мавжуд эмаслиги сабабли шартнома тузилмаган бўлса, давлат буюртмачиси электрон дўконнинг асосий саҳифасидан фойдаланмасдан мустақил равишда танланган етказиб берувчи билан тўғридан-тўғри шартнома тузишга ҳақли эмас.»

8. Қуйидаги мазмундаги 20¹-банд билан тўлдирилсин:

«20¹. «Миллий дўкон» орқали харидларни амалга оширишда электрон тизим нархлар сўрови механизмини фақат буюртмачи жойлашган ҳудуддаги (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (иш бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар) орасида юборилишини таъминлайди.»

9. 3-бобнинг 1-параграфи номидан «ва тартиби» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

10. 47-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«47. Товарнинг (ишнинг, хизматнинг) қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг беш минг бараваридан ошган ҳолларда танлов бўйича техник топшириқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги қошидаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази (бундан буён матнда Марказ деб юритилади) билан келишиб олиниши лозим.»

11. 86-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «бошқа мажбурий тўловларни» деган сўзлар «йигимларни» деган сўз билан алмаштирилсин.

12. Қуйидаги мазмундаги 3¹-боб билан тўлдирилсин:

«3¹-боб. Электрон танлов ўтказиш тартиб-таомиллари

1-§. Электрон танлов воситасида харидларни ўтказиш шартлари ва танлов ўтказишда харид комиссияси фаолиятини тартибга солиш

125¹. Электрон танлов воситасидаги харидларни ўтказиш шартлари мазкур Низомнинг 3-боби 1-параграфига мувофиқ белгиланади.

125². Буюртмачи электрон танловни ўтказиш учун тоқ сонли аъзолардан (камида беш кишидан) иборат харид комиссиясини тузади.

125³. Харид комиссияси аъзоларининг таркиби ва сони олинadиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзгариши мумкин.

125⁴. Электрон танлов хўжалик фаолияти доирасида ўтказилганда харид комиссияси буюртмачининг вакиллари орасидан, зарур бўлган тақдирда овоз бериш ҳуқуқи билан экспертлар жалб этилган ҳолда шакллантирилади.

125⁵. Электрон танлов лойиҳа фаолияти доирасида ўтказилганда харид комиссияси вазифаларини белгиланган тартибда ташкил этиладиган лойиҳани амалга оширувчи гуруҳ бажаради, у харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш натижалари тўғрисида қарорлар қабул қилади.

125⁶. Қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг беш минг бараваридан ортиқ миқдордаги электрон танлов ўтказилганда харид комиссияси таркибига буюртмачининг вакиллари билан ташқари Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «ЎЗИнжиниринг» республика лойиҳалаштириш институти вакиллари киритилади.

125⁷. Харид комиссияси буюртмачининг тегишли қарори билан тузилади ва тарқатиб юборилади.

125⁸. Электрон танлов ўтказиш бўйича харид комиссиясининг тезкор фаолиятини унинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган масъул котиби ташкиллаштиради.

Харид комиссиясининг масъул котиби:

иштирокчиларнинг таклифларини танлов ҳужжатларининг расмийлаштириш талабларига мос келиши бўйича текширишни амалга оширади ва текшириш натижаларини харид комиссиясига кўриб чиқиш учун тақдим қилади;

танлов ҳужжатларида белгиланган мезонлар бўйича иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш натижаларини электрон тизимга киритади.

125⁹. Буюртмачи харид комиссиясининг ҳар бир аъзосига ва масъул котибига ўз вазифаларини амалга ошириш учун электрон тизимда шахсий кабинет очади.

125¹⁰. Харид комиссиясининг ваколатига киритилган масалаларни кўриб чиқиш учун харид комиссиясининг аъзолари ва масъул котибининг электрон тизим томонидан ёпиқ чат орқали мулоқот қилиш имконияти таъминланади.

125¹¹. Электрон тизимдаги шахсий кабинетга биринчи маротаба кириляётганда харид комиссиянинг ҳар бир аъзоси, шу жумладан унинг раиси иштирокчилар билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалари мавжудлиги тўғрисида маълумотларни киритиши шарт. Оператор харид комиссияси аъзолари томонидан киритилган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш бўйича жавобгар бўлади.

125¹². Харид комиссияси аъзоларида иштирокчилар билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд бўлган тақдирда, харид комиссиясининг бундай аъзоси бу масала кўтарилган мажлисда ўзини ўзи рад этиши ва мазкур масала бўйича овоз беришда иштирок этмаслиги керак, бу ҳақда баённомада қайд этилади.

Иштирокчиларнинг харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишда харид комиссияси аъзосининг ушбу иштирокчи билан аффилиланганлиги мавжуд бўлганда тизим ушбу харид комиссияси аъзосининг овозини мазкур масала бўйича овоз бериш натижаларидан чиқариб ташлайди.

125¹³. Харид комиссияси раисининг аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалари мавжуд бўлса, электрон танловни ўтказиш жараёни буюртмачи томонидан янги харид комиссияси раиси тайинлангунига қадар тўхтатилади.

125¹⁴. Харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси ўзининг шахсий кабинети орқали овоз беришда ёқлаб овоз бериши, қарши овоз бериши ёки унда иштирок этишдан бош тортиши мумкин. Харид комиссияси аъзоси қарши овоз берганда электрон баённомада шарҳ қолдириши шарт. Белгиланган муддатларда харид комиссияси аъзоси шахсий кабинети орқали овоз беришдан бўйин товлаган тақдирда, у овоз беришдан бош тортган деб тан олинади. Харид комиссия раиси овоз беришда бош тортишга ҳақли эмас.

2-§. Электрон танлов ўтказишда танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва электрон танлов ўтказилиши ҳақида эълон бериш

125¹⁵. Буюртмачи томонидан электрон танлов ўтказиш тўғрисидаги

қарор қабул қилинганидан сўнг буюртмачининг мутахассислари ёки электрон танловни ташкиллаштириш ва ўтказиш учун масъул шахс томонидан танлов ҳужжатларининг, шартнома ва электрон танлов ўтказиш ҳақидаги эълоннинг матни ишлаб чиқилади.

125¹⁶. Электрон танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда қуйидаги ахборот бўлиши керак:

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) батафсил тавсифи ва нархи;

электрон танлов ўтказадиган операторнинг номи ва унинг веб-сайтига ҳавола;

электрон танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар;

буюртмачининг иштирокчилар билан алоқада бўлиш учун боғловчи шахслар сифатида белгиланган бир ёки бир нечта мансабдор шахсининг ёки бошқа ходимларининг Ф.И.О., лавозими ва манзили;

танлов таклифларини бериш муддати тугайдиган вақт ва сана;

танлов таклифларини расмийлаштиришга доир талаблар.

Электрон танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ахборот ҳам бўлиши мумкин.

125¹⁷. Танлов ҳужжатларида қуйидагилар бўлиши керак:

электрон танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълонда кўрсатилган ахборот;

шартнома баҳосини ва ижрочилар билан ҳисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта ҳамда тўлов тартиби ҳақидаги ахборот;

электрон танловда иштирок этиш учун танлов таклифи қайси тилда тайёрланиши кераклиги бўйича талаб;

электрон танлов иштирокчиларига танлов ҳужжатлари қоидаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тартиби, тақдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана;

агар товарнинг (ишнинг, хизматнинг) муқобил вариантларига йўл қўйилса, лотни алмаштириш бўйича муқобил таклифларни баҳолаш тартибининг тавсифи;

техник топшириқ;

Қонунга мувофиқ иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби.

125¹⁸. Танлов таклифининг техник ва нарх қисми бўйича буюртмачининг товарларга (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжларини қондириш учун таклифнинг ҳар бир қисмини баҳолаш аҳамиятига қараб нисбий қиймати белгиланади.

Танлов ҳужжатларида балларнинг бошланғич қийматлари белгиланиши мумкин ва улардан ўтмаган иштирокчи электрон танловдан четлатилади.

Танлов таклифининг техник қисми учун миқдорий кўрсаткичлардан (малакали мутахассислар сони, етказиб бериш муддати, иш тажрибаси ва бошқалар) ёки эксперт баҳосидан келиб чиққан ҳолда баҳолаш мезонлари белгиланади.

Балл усулидан фойдаланганда танлов таклифининг техник қисмининг

хар бир баҳолаш мезони бўйича нисбий қиймат белгиланиши мумкин. Энг паст нарх усулидан фойдаланганда иштирокчининг танлов таклифи танлов ҳужжатларида белгиланган талабларга мос келиши ёки мос келмаслигини аниқловчи мезонлар белгиланиши мумкин.

Танлов ҳужжатларида белгиланган мезонлар ўта муҳим қийматга эга бўлиши мумкин. Бунда танлов таклифининг белгиланган мезонларга мос келмаслиги иштирокчини электрон танловнинг ҳар қандай босқичида чет-латилишига олиб келади.

Шартнома суммаси (нархи) танлов таклифи нарх қисмининг ягона мезони ҳисобланади.

125¹⁹. Танлов ҳужжатларига уларнинг ажралмас қисми бўлган шартнома лойиҳаси илова қилинади.

125²⁰. Буюртмачи танлов ҳужжатларини келишиш учун электрон шаклда харид комиссиясига киритади.

125²¹. Харид комиссияси танлов ҳужжатларини юзма-юз мажлисда ёки масофадан туриб Қонун талабларига мувофиқлигини кўриб чиқади ва қуйидагиларни белгилайди:

танлов таклифлари қабул қилинадиган муддатлар;

танлов таклифларини баҳолаш усуллари ва мезонлари;

танлов таклифлари қисмларининг ва зарур ҳолларда техник қисмининг ҳар бир баҳолаш мезонларининг нисбий қиймати;

танлов таклифини таъминлаш ҳажми ва шакли.

125²². Электрон танловни ўтказиш ҳақида қарор танлов ҳужжатлари харид комиссияси томонидан келишилганидан сўнг қабул қилинади.

125²³. Танлов ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда, аниқланган камчиликлар бартараф этилганидан сўнг, харид комиссияси томонидан танлов ҳужжатлари қайта келишилиши керак.

125²⁴. Буюртмачи харид комиссияси билан келишилган танлов ҳужжатларини электрон рақамли имзо билан тасдиқлайди.

125²⁵. Тасдиқланган танлов ҳужжатлари, шартнома лойиҳаси, шунингдек электрон танлов ўтказиш ҳақидаги эълон электрон танлов иштирокчиларининг таклифларини қабул қилиш муддати тугашидан камида ўн кун аввал буюртмачи томонидан порталга жойлаштирилади.

125²⁶. Электрон танлов ўтказиш ҳақидаги эълон қўшимча равишда буюртмачининг расмий веб-сайтида ёки ўзининг юқори турувчи органи расмий веб-сайтида, шунингдек оммавий ахборот воситаларига жойлаштирилиши мумкин.

125²⁷. Зарур ҳолларда буюртмачи танлов ҳужжатларига ўзгартириш киритиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

125²⁸. Танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор электрон танловда иштирок этиш учун танлов таклифларини бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қабул қилиниши мумкин.

Бунда ушбу электрон танловда танлов таклифларини бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар

эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, электрон танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

Танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш давомида товарни (ишни, хизматни) ёки унинг хусусиятларини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

125²⁹. Танлов ҳужжатларида буюртмачи ҳар бир товар (иш, хизмат) алоҳида лот сифатида кўриб чиқилишини эълон қилиши мумкин. Бундай ҳолда буюртмачи товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш учун танловнинг ҳар хил лоти бўйича бир нечта иштирокчи билан шартномалар тузиши мумкин, бунда ҳар бир лот учун фақат битта ғолиб аниқланиши мумкин.

3-§. Танлов таклифини бериш

125³⁰. Электрон танлов ўтказилганда иштирокчилар танлов таклифларини электрон конверт кўринишида ўзларининг шахсий кабинетлари орқали электрон танловни ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган муддатдан кечиктирмай тақдим этадилар.

125³¹. Иштирокчининг танлов таклифининг ажралмас қисми бўлган электрон ҳужжатлар оператор томонидан белгиланган форматларда тақдим этилади. Ҳар бир жойлаштирилган электрон ҳужжат иштирокчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

125³². Танлов таклифи билан биргаликда иштирокчилар эскизлар, расмлар, чизмалар, фотосуратлар ва бошқа ҳужжатларни файл сифатида жойлаштиришлари мумкин.

Бунда иштирокчиларнинг танлов таклифлари электрон тизимдаги шаблонларга мувофиқ ҳужжатларни бириктириш орқали тақдим этилади. Иштирокчи томонидан кўрсатилган маълумотлар бириктирилган ҳужжатлардаги маълумотларга мос келиши керак.

125³³. Танлов таклифларини очиш муддати етиб келгунга қадар улар электрон танлов иштирокчилари, шу жумладан харид комиссияси масъул котиби ва аъзолари томонидан кўрилишига йўл қўйилмайди, бундан ушбу таклифларни тақдим этган иштирокчи мустасно. Мазкур талабнинг бажарилишига оператор жавобгар ҳисобланади.

125³⁴. Электрон танлов иштирокчиси битта лотга фақат битта танлов таклифини беришга ҳақли.

125³⁵. Электрон танлов иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

125³⁶. Электрон танлов иштирокчиси тақдим этилган танлов таклифларини бериш муддати тугагунга қадар берилган танлов таклифини чақириб олишга ёки унга ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

125³⁷. Электрон танлов иштирокчиси танлов ҳужжатларидаги талабларни тушунтириш талаби билан буюртмачига очиқ электрон чат орқали танлов таклифларини бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин сўров юборишга ҳақли.

125³⁸. Буюртмачи сўров келиб тушган санадан эътиборан икки кун

ичида ушбу сўровга очиқ электрон чат орқали тушунтириш юбориши шарт.

125³⁹. Буюртмачи харид қилиш тартиб-таомилига нисбатан иштирокчилар томонидан танлов таклифларининг таъминланиши зарурлиги тарзида талаб белгилаган тақдирда, танлов таклифлари юборилгунига қадар иштирокчи таъминотнинг мақбуллигини тасдиқлаш тўғрисида очиқ электрон чат орқали сўров юборишга ҳақли. Буюртмачи бундай сўровга дарҳол жавоб беради.

125⁴⁰. Электрон танловда қўйидаги мезонларга мувофиқ бўлган иштирокчилар қатнаша олади:

шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;

солиқлар ва йиғимлар бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

4-§. Электрон танлов натижаларини сарҳисоб қилиш

125⁴¹. Уч ёки ундан ортиқ электрон танлов иштирокчилари — маҳаллий ишлаб чиқарувчилар бўлган тақдирда давлат харидлари буюртмачининг танловига кўра маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида амалга оширилиши мумкин.

125⁴². Электрон танловда битта иштирокчи иштирок этган ёки биронта иштирокчи иштирок этмаган тақдирда танлов ўтказилмаган деб топилади. Бундай ҳолатда буюртмачи танловни айни ўша шартларда ҳамда товарга (ишга, хизматга) доир айни ўша мезонларга ва талабларга мувофиқ такроран амалга ошириши шарт.

125⁴³. Электрон танлов харид комиссияси томонидан белгиланган муддатда ўтказилганда электрон тизим автоматик равишда иштирокчилар томонидан жойлаштирилган ва уларнинг танлов таклифларини ташкил этувчи электрон ҳужжатларни кўриш имкониятини беради.

Иштирокчи томонидан бириктирилган файллар унинг танлов таклифида кўрсатилган маълумотларига мос бўлиши ҳамда электрон тизимдаги электрон майдонлар тўлдирилиши керак.

Электрон тизим иштирокчи таклиф этган нархни бошланғич нархга мувофиқлигини ва электрон майдонларнинг тўлдирилганлигини ҳамда бириктирилган файлларнинг мавжудлигини текширади. Иштирокчи томонидан таклиф этилган нарх бошланғич нархдан юқори бўлса, шунингдек тўлдирилмаган майдонлар мавжуд бўлса ёки бириктирилган файллар тўлиқ бўлмаса, электрон тизим рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда иштирокчининг таклифини рад этади. Бириктирилган файллардаги маълумотларнинг иштирокчининг танлов таклифида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текшириш харид комиссиясининг масъул котиби томонидан амалга оширилади.

125⁴⁴. Агар танлов таклифи Қонуннинг ва танлов ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади. Танлов таклифи тегишли тарзда расмийлаштирилганлиги ёки расмийлаштирилмаганлиги бўйича харид комиссияси масъул котибининг қарори унинг асосланган сабаблари билан харид комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим.

125⁴⁵. Танлов таклифларини баҳолаш вақтида харид комиссиясининг масъул котиби электрон танлов иштирокчиларидан уларнинг танлов таклифлари юзасидан тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Мазкур жараён электрон шаклда ўтказилади.

125⁴⁶. Танлов таклифи танлов ҳужжатлари билан белгиланган муддат мобайнида кучда қолади.

125⁴⁷. Танлов таклифининг техник қисмини миқдорий кўрсаткичларга асосан баҳолаш, шунингдек таклифнинг нарх қисмини баҳолаш электрон тизим томонидан автоматик равишда амалга оширилади.

Миқдор кўрсаткичларига эга бўлмаган таклифнинг техник қисмининг мезонлари (эксперт мезонлари) бўйича иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш ва таққослаш харид комиссияси томонидан овоз бериш орқали амалга оширилади.

Танлов ҳужжатлари шаблонларини тўлдиришда миқдорий (ўлчов бирлигини белгиланган ҳолда) ва эксперт мезонларни харид комиссияси тасдиқлайди.

125⁴⁸. Танлов ҳужжатларида белгиланган шартлардан келиб чиқиб электрон тизим автоматик равишда:

танлов таклифининг техник ва нарх қисмларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда энг юқори балл тўплаган иштирокчини (балл усулидан фойдаланганда);

танлов таклифларининг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра электрон танловда иштирок этишни давом эттиришга рухсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф этган иштирокчини (энг паст нарх усулидан фойдаланганда) ғолиб сифатида аниқлайди.

Икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир хил балл тўплаган бўлса (балл усулидан фойдаланганда) ёки бир хил нарх таклиф қилган бўлса (энг паст нарх усулидан фойдаланганда), танлов таклифини барчадан олдин жойлаштирган иштирокчи ғолиб деб топилади.

Захира ижрочисини аниқлаш мазкур бандда белгиланган тартибда амалга оширилади.

125⁴⁹. Танлов таклифларини кўриб чиқиш натижаларига кўра харид комиссиясининг масъул котиби электрон тизимда харид комиссияси йиғилишининг электрон баённомасини тузади ҳамда тасдиқлаш учун харид комиссияси аъзоларига юборди.

Харид комиссияси аъзолари электрон баённомани электрон рақамли имзоларидан фойдаланган ҳолда тасдиқлайди.

125⁵⁰. Харид комиссиясининг қарорлари унинг аъзолари умумий сонининг кўпчилиги овози билан қабул қилинади.

125⁵¹. Танлов таклифларини кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижалари электрон баённомада қайд этилади ва электрон танлов ўтказиш бўйича харид комиссияси аъзолари томонидан электрон рақамли имзоларидан фойдаланган ҳолда имзоланади. Электрон баённомадан кўчирма порталда автоматик равишда эълон қилинади.

Бунда, баённомада қуйидаги ахборот бўлиши керак:

танлов таклифлари кўриб чиқиладиган ҳамда баҳоланадиган сана ва вақт;

харид комиссияси аъзоларининг ва электрон танлов иштирокчилари ваколатли вакилларининг таркиби;

танлов таклифлари кўриб чиқилган электрон танлов иштирокчилари;

танлов таклифлари уларни рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда рад этилган электрон танлов иштирокчилари;

электрон танлов ғолиби тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида маълумот;

электрон танлов ғолибининг номи (юридик шахслар учун), Ф.И.О. (жисмоний шахслар учун), турган жойи (почта манзили).

125⁵². Электрон танловнинг исталган иштирокчиси электрон баённома эълон қилинганидан сўнг буюртмачига электрон танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли.

125⁵³. Буюртмачи бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида электрон танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этишга мажбур.

125⁵⁴. Электрон танлов ўтказиш натижаларига кўра шартнома мазкур Низомнинг 3-боби 7-параграфига мувофиқ тартибда электрон шаклда тузилади, томонларнинг электрон рақамли имзолари билан тасдиқланади ҳамда шартномалар реестрига киритилади.»

13. 184-банддаги «иштирокчи ва резервдаги иштирокчи» деган сўзлар «ижрочи ва захира ижрочиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. Қуйидаги мазмундаги 4¹-боб билан тўлдирилсин:

«4¹-боб. Электрон тендер ўтказиш тартиб-таомиллари

1-§. Электрон тендер орқали давлат харидларини амалга ошириш шартлари ва харид комиссияси фаолиятини тартибга солиш

204¹. Электрон тендер орқали давлат харидларини амалга ошириш шартлари мазкур Низомнинг 4-боби 1-параграфига мувофиқ белгиланади.

204². Электрон тендер ўтказиш учун буюртмачи ҳузурида тоқ сонли (етти кишидан кам бўлмаган) аъзолардан иборат харид комиссияси тузилади.

204³. Харид комиссияси аъзоларининг таркиби ва сони харид қилиш тартиб-таомилининг турига боғлиқ бўлади ҳамда олинаётган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хусусиятлари инobatга олинган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

204⁴. Электрон тендер хўжалик фаолияти доирасида ўтказилганда харид комиссияси буюртмачининг вакиллари орасидан, зарур бўлган тақдирда овоз бериш ҳуқуқига эга экспертлар жалб этилган ҳолда шакллантирилади.

204⁵. Электрон тендер лойиҳа фаолияти доирасида ўтказилганда харид комиссияси вазифаларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этиладиган лойиҳани амалга оширувчи гуруҳ бажаради, у электрон тендер натижалари тўғрисида қарорлар қабул қилади.

204⁶. Харид комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «ЎзИнжиниринг» республика лойиҳалаштириш институти вакиллари киритилиши шарт.

204⁷. Харид комиссияси буюртмачининг тегишли қарорлари билан шакллантирилади ва тарқатиб юборилади.

204⁸. Электрон тендер ўтказиш бўйича харид комиссиясининг тезкор фаолиятини унинг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган масъул котиби ташкиллаштиради.

Харид комиссиясининг масъул котиби:

иштирокчиларнинг таклифларини тендер ҳужжатларининг расмийлаштириш талабларига мос келиши бўйича текширишни амалга оширади ва текшириш натижаларини харид комиссиясига кўриб чиқиш учун тақдим қилади;

тасдиқланган мезонлар бўйича иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш натижаларини электрон тизимда жойлаштиради.

204⁹. Буюртмачи харид комиссиясининг ҳар бир аъзосига ва масъул котибига ўз вазифаларини амалга ошириш учун электрон тизимда шахсий кабинет очади.

204¹⁰. Харид комиссиясининг ваколатига киритилган масалаларни кўриб чиқиш учун харид комиссиясининг аъзолари ва масъул котибининг электрон тизим томонидан ёпиқ чат орқали мулоқот қилиш имконияти таъминланади.

204¹¹. Электрон тизимдаги шахсий кабинетга биринчи мартаба кирилаётганда харид комиссиянинг ҳар бир аъзоси, шу жумладан унинг раиси иштирокчилар билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжудлиги тўғрисида маълумотларни киритиши шарт. Оператор харид комиссияси аъзолари томонидан киритилган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш бўйича жавобгар бўлади.

204¹². Харид комиссияси аъзоларида иштирокчилар билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд бўлган тақдирда, харид комиссиясининг бундай аъзоси бу масала кўтарилган мажлисда ўзини ўзи рад этиши ва мазкур масала бўйича овоз беришда иштирок этмаслиги керак, бу ҳақда баённомада қайд этилади.

Иштирокчиларнинг харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишда харид комиссияси аъзоларининг ушбу иштирокчилар билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалар мав-

жуд бўлганда тизим ушбу харид комиссияси аъзосининг овозини мазкур масала бўйича овоз бериш натижаларидан чиқариб ташлайди.

204¹³. Харид комиссияси раисининг аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалари мавжуд бўлса, электрон тендерни ўтказиш жараёни буюртмачи томонидан янги харид комиссияси раиси тайинлангунига қадар тўхтатилади.

204¹⁴. Харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси ўзининг шахсий кабинети орқали овоз беришда ёқлаб овоз бериши, қарши овоз бериши ёки унда иштирок этишдан бош тортиши мумкин. Харид комиссияси аъзоси қарши овоз берганда электрон баённомада шарҳ қолдириши шарт. Белгиланган муддатларда харид комиссияси аъзоси шахсий кабинети орқали овоз беришдан бош тортган тақдирда, унинг овози бетараф сифатида қабул қилинади. Харид комиссияси раиси овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас.

2-§. Электрон тендер ўтказишда тендер ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълонни жойлаштириш

204¹⁵. Буюртмачи томонидан электрон тендер ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан сўнг буюртмачининг мутахассислари ёки электрон тендерни ташкиллаштириш ва ўтказиш учун масъул шахс томонидан тендер ҳужжатларининг, шартнома ва электрон тендер ўтказиш ҳақидаги эълоннинг матни ишлаб чиқилади.

204¹⁶. Электрон тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълонда қуйидаги ахборот бўлиши керак:

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) батафсил тавсифи ва нархи;

электрон тендер ўтказадиган операторнинг номи ва унинг веб-сайтига ҳавола;

электрон тендер иштирокчиларига қўйиладиган талаблар;

буюртмачининг иштирокчилар билан алоқада бўлиш учун боғловчи шахслар сифатида белгиланган бир ёки бир нечта мансабдор шахсининг ёки бошқа ходимларининг Ф.И.О., лавозими ва манзили;

тендер таклифларини бериш муддати тугайдиган сана ва вақт;

тендер таклифларини расмийлаштиришга доир талаблар.

Электрон тендер ўтказиш тўғрисидаги эълонда қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ахборот ҳам бўлиши мумкин.

204¹⁷. Тендер ҳужжатларида қуйидагилар бўлиши керак:

электрон тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълонда кўрсатилган ахборот; шартнома баҳосини ва ижрочилар билан ҳисоб-китобларни шакллантириш учун фойдаланиладиган валюта ҳамда тўлов тартиби ҳақидаги ахборот;

электрон тендерда иштирок этиш учун тендер таклифи қайси тилда тайёрланиши кераклиги бўйича талаб;

электрон тендер иштирокчиси тендер таклифининг техник ва нархга оид қисми, уларни баҳолаш тартиби тўғрисидаги ахборот;

электрон тендер иштирокчиларига тендер ҳужжатлари қодаларига

доир тушунтиришларни тақдим этиш тартиби, тақдим этиш муддати бошланадиган ва тугайдиган сана;

техник топшириқ;

Қонунга мувофиқ иштирокчиларнинг тендер таклифларини баҳолаш усуллари, мезонлари ва кўриб чиқиш тартиби.

Тендер ҳужжатларида электрон тендер иштирокчилари малакасига оид талаблар назарда тутилиши мумкин.

204¹⁸. Тендер таклифининг техник ва нарх қисми бўйича буюртмачининг товарларга (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжларини қондириш учун таклифнинг ҳар бир қисмини баҳолаш аҳамиятига қараб нисбий қиймати белгиланади.

Тендер ҳужжатларида балларнинг бошланғич қийматлари белгиланиши мумкин ва улардан ўтмаган иштирокчи электрон тендердан четлатилади.

Тендер таклифининг техник қисми учун миқдорий кўрсаткичлардан (малакали мутахассислар сони, етказиб бериш муддати, иш тажрибаси ва бошқалар) ёки эксперт баҳосидан келиб чиққан ҳолда баҳолаш мезонлари белгиланади.

Балл усулидан фойдаланганда тендер таклифининг техник қисмининг ҳар бир баҳолаш мезони бўйича нисбий қиймат белгиланиши мумкин. Энг паст нарх усулидан фойдаланганда иштирокчининг таклифи тендер ҳужжатларида белгиланган талабларга мос келиши ёки мос келмаслигини аниқловчи мезонлар белгиланиши мумкин.

Тендер ҳужжатларида белгиланган мезонлар ўта муҳим қийматга эга бўлиши мумкин. Бунда тендер таклифининг белгиланган мезонларга мос келмаслиги иштирокчини электрон тендернинг ҳар қандай босқичида четлатилишига олиб келади.

Шартнома суммаси (нархи) тендер таклифи нарх қисмининг ягона мезони ҳисобланади.

204¹⁹. Тендер ҳужжатларига уларнинг ажралмас қисми бўлган шартнома лойиҳаси илова қилинади.

204²⁰. Буюртмачи тендер ҳужжатларини келишиш учун электрон шаклда харид комиссиясига киритади.

204²¹. Харид комиссияси ўзининг юзма-юз мажлисида ёки масофадан туриб тендер ҳужжатлари лойиҳасини Қонун талабларига мувофиқлиги бўйича кўриб чиқади ва қуйидагиларни белгилайди:

тендер таклифлари қабул қилинадиган муддатлар;

тендер таклифларини баҳолаш усуллари ва мезонлари;

тендер таклифи қисмларининг ва зарур ҳолларда техник қисмининг ҳар бир баҳолаш мезони бўйича нисбий қиймати;

тендер таклифини таъминлаш ҳажми ва шакли.

204²². Тендер ҳужжатлари лойиҳаси унда белгиланган талаблар билан бирга муҳокамага қўйилади.

204²³. Харид комиссияси томонидан тендер ҳужжатлари лойиҳаси маъқуланган ҳолда электрон тендер ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинади.

204²⁴. Тендер ҳужжатлари маъқуланмаган ҳолларда улар қайта иш-

лаш учун қайтариб юборилиши ёки харид комиссияси мажлисида қайта ишланиши мумкин.

204²⁵. Ишлаб чиқилган тендер ҳужжатлари лойиҳаси буюртмачи томонидан тендер ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш учун Марказга юборилади.

204²⁶. Маъқулланган тендер ҳужжатларини буюртмачи электрон рақамли имзоси билан тасдиқлайди.

204²⁷. Тасдиқланган тендер ҳужжатлари, шартнома лойиҳаси, шунингдек электрон тендер ўтказиш тўғрисидаги эълон электрон тендер иштирокчиларидан тендер таклифларини қабул қилиш муддати тугайдиган санадан камида ўттиз кун олдин ва кўпи билан қирқ беш кун олдин порталга буюртмачи томонидан жойлаштирилади.

204²⁸. Электрон тендер ўтказишни амалга ошириш ҳақидаги эълон қўшимча равишда буюртмачининг расмий веб-сайтида ёки ўзининг юқори турувчи органи расмий веб-сайтига, шунингдек оммавий ахборот воситаларига жойлаштирилиши мумкин.

204²⁹. Тендер ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қарор электрон тендерда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қабул қилиниши мумкин.

Бунда ушбу электрон тендерда тендер ҳужжатига ўзгартириш таклифлар бериш муддати тугаётганда киритилган тақдирда электрон тендер, тендер ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан ўн кундан кам бўлмаган муддатга узайтирилиши лозим. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, электрон тендер ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

204³⁰. Тендер ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш жараёнида товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

204³¹. Зарур бўлган ҳолларда буюртмачи томонидан тендер таклифларини бериш муддати узайтирилиши ёки электрон тендер иштирокчиларига тендер таклифлари қабул қилиниши муддати харид комиссияси қарори билан маълум вақтга узайтириш таклифи билан мурожаат қилиши мумкин.

204³². Тендер ҳужжатларида буюртмачи ҳар бир товар (иш, хизмат) алоҳида лот сифатида кўриб чиқилишини эълон қилиши мумкин. Бу ҳолатда буюртмачи товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш учун тендернинг бир нечта иштирокчиси билан шартномалар тузиши мумкин, бунда ҳар бир лот учун фақат битта ғолиб аниқланиши мумкин.

3-§. Электрон тендерда иштирок этиш учун таклиф бериш

204³³. Электрон тендер ўтказилганда иштирокчилар тендер таклифларини электрон конверт кўринишида ўзларининг шахсий кабинетлари орқали электрон тендерни ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган муддатдан кечиктирмай тақдим этадилар.

204³⁴. Иштирокчининг тендер таклифини ташкил этувчи электрон ҳуж-

жатлар оператор томонидан белгиланган форматларда тақдим этилади. Ҳар бир жойлаштирилган электрон ҳужжат иштирокчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

204³⁵. Тендер таклифи билан биргаликда иштирокчилар эскизлар, расмлар, чизмалар, фотосуратлар ва бошқа ҳужжатларни файл сифатида жойлаштиришлари мумкин.

Бунда иштирокчиларнинг тендер таклифлари электрон тизимда шаблонларга мувофиқ ҳужжатларни бириктириш орқали тақдим этилади. Иштирокчи томонидан кўрсатилган маълумотлар бириктирилган ҳужжатлардаги маълумотларга мос келиши керак.

204³⁶. Тендер таклифларини очиш муддати етиб келгунга қадар улар электрон тендер иштирокчилари, шу жумладан харид комиссияси масъул котиби ва аъзолари томонидан кўрилишига йўл қўйилмайди, бундан ушбу таклифларни тақдим этган иштирокчи мустасно. Мазкур талабнинг бажарилишига оператор жавобгар ҳисобланади.

204³⁷. Электрон тендер иштирокчиси битта лотга фақат битта тендер таклифини беришга ҳақли.

204³⁸. Электрон тендер иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

204³⁹. Электрон тендер иштирокчиси тендер таклифларини бериш муддати тугагунга қадар берилган тендер таклифини қайтариб олишга ёки унга ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

204⁴⁰. Жойлаштирилган эълонда кўрсатилган муддат ва вақтда электрон тизим тендер таклифларини қабул қилишни тўхтатади.

204⁴¹. Тендер таклифлари тендер ҳужжатларида кўрсатилган муддатда ўз кучида қолади.

204⁴². Электрон тендер иштирокчиси тендер ҳужжатларидаги талабларни тушунтириш талаби билан буюртмачига очик электрон чат орқали тендер таклифларини бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин сўров юборишга ҳақли.

204⁴³. Буюртмачи сўров келиб тушган санадан эътиборан икки кун ичида ушбу сўровга очик электрон чат орқали тушунтириш юбориши шарт.

204⁴⁴. Буюртмачи электрон тендер ўтказиш тартиб-таомилига нисбатан иштирокчилар томонидан тендер таклифларининг таъминланиши зарурлиги тарзида талаб белгилаган тақдирда, тендер таклифлари юборилгунга қадар иштирокчи таъминотнинг мақбуллигини тасдиқлаш тўғрисида очик электрон чат орқали сўров юборишга ҳақли. Буюртмачи бундай сўровга дарҳол жавоб беради.

204⁴⁵. Электрон тендерда қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлган иштирокчилар қатнаша олади:

шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;
шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;
солиқлар ва йиғимлар бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;
инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

4-§. Электрон тендер натижаларини сарҳисоб қилиш

204⁴⁶. Уч ёки ундан ортиқ электрон тендер иштирокчилари — маҳаллий ишлаб чиқарувчилар бўлган тақдирда давлат харидлари буюртмачининг танловига кўра маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида амалга оширилиши мумкин.

204⁴⁷. Электрон тендерда битта иштирокчи иштирок этган ёки биронта иштирокчи иштирок этмаган тақдирда танлов ўтказилмаган деб топилади. Бундай ҳолатда буюртмачи тендерни айни ўша шартларда ҳамда товарга (ишга, хизматга) доир айни ўша мезонларга ва талабларга мувофиқ такроран амалга ошириши шарт.

204⁴⁸. Электрон тендер харид комиссияси томонидан белгиланган муддатда ўтказилганда электрон тизим автоматик равишда иштирокчилар томонидан жойлаштирилган ва уларнинг тендер таклифларини ташкил этувчи электрон ҳужжатларни кўриш имкониятини беради.

Иштирокчи томонидан бириктирилган файллар унинг тендер таклифида кўрсатилган маълумотларига мос бўлиши ҳамда электрон тизимдаги электрон майдонлар тўлдирилиши керак.

Электрон тизим иштирокчи таклиф этган нархни бошланғич нархга мувофиқлигини ва электрон майдонларнинг тўлдирилганлигини ҳамда бириктирилган файлларнинг мавжудлигини текширади. Иштирокчи томонидан таклиф этилган нарх бошланғич нархдан юқори бўлса, шунингдек, тўлдирилмаган майдонлар мавжуд бўлса ёки бириктирилган файллар тўлиқ бўлмаса, электрон тизим рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда иштирокчининг тендер таклифини рад этади. Бириктирилган файллардаги маълумотларнинг иштирокчининг тендер таклифида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текшириш харид комиссиясининг масъул котиби томонидан амалга оширилади.

204⁴⁹. Тендер таклифларини баҳолаш қўйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

тендер таклифининг тендер ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мос равишда расмийлаштирилганлигини текшириш;

иштирокчининг малака талабларига (тендер ҳужжатларида назарда тутилган бўлса) мувофиқлигини баҳолаш;

тендер таклифининг техник қисмини баҳолаш;

тендер таклифининг нарх қисмини баҳолаш.

Бунда электрон тизим тендер таклифининг малака, техник ва нарх қисмларида мавжуд бўлган маълумотларни тендер таклифининг олдинги қисми баҳоланиши яқунлангандан сўнг кетма-кетлик билан ошкор қилинишини таъминлайди.

204⁵⁰. Агар тендер таклифи Қонуннинг ва тендер ҳужжатларининг та-

лабларига мувофиқ келса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади. Тендер таклифи тендер ҳужжатларининг талабларига мувофиқлиги ёки номувофиқлиги бўйича харид комиссияси масъул котибининг қарори унинг асосланган сабаблари билан харид комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим.

204⁵¹. Иштирокчининг тендер таклифи талабларга мос келмаганлиги тўғрисидаги қарор, ушбу қарор қабул қилинган кунда иштирокчининг шахсий кабинетига юборилади.

204⁵². Электрон тендер қолибини аниқлаш учун рад этилмаган тендер таклифларини баҳолаш тендер ҳужжатларида белгиланган мезонлар ва усул асосида амалга оширилади. Буюртмачи иштирокчиларнинг тендер таклифларини баҳолаш усулини (энг паст нарх усулини ёки балл усулини) ва мезонларини ишлаб чиқади ва харид комиссиясига келишиш учун киритади.

204⁵³. Тендер таклифларини баҳолаш вақтида харид комиссиясининг масъул котиби электрон тендер иштирокчиларидан уларнинг тендер таклифлари юзасидан тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Мазкур жараён электрон шаклда ўтказилади.

204⁵⁴. Тендер таклифининг техник қисмини миқдорий кўрсаткичларга асосан баҳолаш, шунингдек таклифнинг нарх қисмини баҳолаш электрон тизим томонидан автоматик равишда амалга оширилади.

Миқдор кўрсаткичларига эга бўлмаган таклифнинг техник қисмининг мезонлари (эксперт мезонлари) бўйича иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш ва таққослаш харид комиссияси томонидан овоз бериш орқали амалга оширилади.

Тендер ҳужжатлари шаблонларини тўлдиришда миқдорий (ўлчов бирлигини белгиланган ҳолда) ва эксперт мезонларни харид комиссияси тасдиқлайди.

204⁵⁵. Миқдор кўрсаткичларига асосланган мезонларни баҳолашда: тендер ҳужжатларида кўрсаткичларнинг энг кам ва энг кўп қийматлари белгиланиши мумкин;

миқдор кўрсаткичлари энг кам ва энг кўп ҳисобга олинандиган қийматлари оралиғида бўлган иштирокчилар учун балл коэффиенти унинг миқдор кўрсаткичининг энг кам ва энг кўп ҳисобга олинандиган қийматларининг фарқига бўлган нисбатини аниқлаш орқали ҳисобланади;

агар маълум бир мезон бўйича иштирокчининг миқдор кўрсаткичи тендер ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ энг кам ҳисобга олинандиган қийматидан кам бўлса, иштирокчига энг кам балл қўйилади;

агар маълум бир мезон бўйича иштирокчининг миқдор кўрсаткичи энг кўп ҳисобга олинандиган қийматидан юқори бўлса, унинг кўрсаткичи энг кўп ҳисобга олинандиган қийматидан қай даражада юқорилигидан қатъи назар унга ушбу мезон бўйича энг юқори балл берилади;

миқдорий ёки эксперт мезонини баҳолаш электрон тизим томонидан баллни ушбу мезоннинг ҳисобга олинандиган қийматига кўпайтириш орқали автоматик равишда амалга оширилади.

204⁵⁶. Харид қилинаётган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) ўзига хос

хоссалари ва хусусиятларидан келиб чиқиб, харид комиссияси иштирокчиларга шартномани бажариш учун зарур профессионал ва техник малака маълумотларига, касбий ва техник компетенцияга, молиявий ресурсларга, жиҳозларга ва бошқа моддий имкониятларга, бошқарув малакасига, ишончилигига, тажрибага ва обрўга, шунингдек инсон ресурсларига эга эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун қўшимча мезон ва талабларни белгилаш ҳуқуқига эга.

Бунда иштирокчиларни камситишга олиб келиши мумкин бўлган мезонларни, талабларни ва тартиб-таомилларни қўллашга йўл қўйилмайди.

204⁵⁷. Тендер ҳужжатларида электрон тендер иштирокчисининг малака талабларига мос келишини тасдиқловчи ҳужжатларнинг электрон тизимга бириктирилиши назарда тутилиши мумкин. Буюртмачи тендер ҳужжатларида назарда тутилмаган мезонлар бўйича иштирокчининг малакасини баҳолашга ёки тендер ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этилишини талаб қилишга ҳақли эмас.

204⁵⁸. Тендер ҳужжатларида белгиланган шартлардан келиб чиқиб электрон тизим автоматик равишда:

тендер таклифининг техник ва нарх қисимларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда энг юқори бал тўплаган иштирокчини (балл усулидан фойдаланганда). Икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир хил балл тўплаган бўлса, тендер таклифини барчадан олдин жойлаштирган иштирокчи ғолиб деб топилади;

тендер таклифларининг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра электрон тендерда иштирок этишни давом эттиришга рухсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф этган иштирокчини (энг паст нарх усулидан фойдаланганда) ғолиб сифатида аниқлайди.

Захира ижрочисини аниқлаш мазкур бандда белгиланган тартибда амалга оширилади.

204⁵⁹. Харид комиссиясининг қарорлари унинг аъзолари умумий сонининг кўпчилиги овози билан қабул қилинади.

204⁶⁰. Тендер таклифларини кўриб чиқиш натижаларига кўра харид комиссиясининг масъул котиби электрон тизимдаги мавжуд шаблонлар асосида харид комиссия йиғилишининг электрон баённомаларини шакллантиради ҳамда тасдиқлаш учун харид комиссияси аъзоларига йўллайди.

Харид комиссияси аъзолари йиғилишининг электрон баённомаларини электрон рақамли имзоларидан фойдаланган ҳолда тасдиқлайди. Электрон баённомадан кўчирма порталда автоматик равишда эълон қилинади.

204⁶¹. Тендер таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомасида қуйидаги ахборот бўлиши керак:

тендер таклифлари кўриб чиқиладиган ҳамда баҳоланадиган сана ва вақт тўғрисида;

ҳозир бўлган харид комиссияси аъзоларининг ва электрон тендер иштирокчилари ваколатли вакилларининг таркиби ҳақида;

тендер таклифлари кўриб чиқилган электрон тендер иштирокчилари тўғрисида;

тендер таклифлари уларни рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда рад этилган электрон тендер иштирокчилари ҳақида;
электрон тендер ғолиби тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида;
электрон тендер ғолибининг номи (юридик шахс учун), фамилияси, исми, отасининг исми (жисмоний шахс учун), турган жойи (почта манзили).

204⁶². Электрон тендернинг исталган иштирокчиси тендер таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг буюртмачига электрон тендер натижалари бўйича тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли.

204⁶³. Буюртмачи бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида электрон тендер иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

204⁶⁴. Электрон тендер ўтказиш натижаларига кўра шартнома тузиш мазкур Низомнинг 4-боби 7-параграфига мувофиқ тартибга солинади. Бунда шартнома электрон ҳужжат шаклида тузилади, томонларнинг электрон рақамли имзолари билан тасдиқланади ва оператор томонидан шартномалар реестрига киритилади.»

15. 231 — 233-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«231. Шартномалар реестри электрон дўкон, аукцион, танлов, тендер, электрон танлов, электрон тендер натижалари ва тўғридан-тўғри тузилган шартномалар, шу жумладан, ягона етказиб берувчидан амалга оширилган харидлар якунлари бўйича шакллантирилади.

232. Электрон дўкон ва аукцион, шунингдек, электрон танлов ва электрон тендер орқали тузилган шартномалар порталда рўйхатга олинганидан сўнг автоматик режимда шартномалар реестрига киритилади.

233. Буюртмачи томонидан танлов, тендер, ягона етказиб берувчидан харид амалга оширилиши, шунингдек бошқа тўғридан-тўғри харидлар натижасида тузилган шартномалар ҳақидаги маълумотлар электрон тизимга киритилгандан сўнг электрон тизим томонидан автоматик режимда ахборот шакллантирилади ва шартномалар реестрига киритилади.»

16. 235¹-банддаги «кунлик» деган сўз «онлайн» деган сўз билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2020 йил 11 апрелдан 17 апрелгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2020 йил 24 февралдаги 8-сон «Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 13 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3015-2.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 15 февралдаги 3/11-сон «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисобкитоблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2020 йил 13 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2465-8.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 15 февралдаги 3/12-сон «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисобкитоблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 13 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3229.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 9 мартдаги 14/02, 276-В-4-сон «Санация қилинаётган корхона махсус санация ҳисобварағининг ишлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори.

2020 йил 13 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1636-4.

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2020 йил 24 февралдаги 7-сон «Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 13 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3016-3.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги (рўйхат рақами 2465, 2013 йил 3 июнь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2465-1, 2013 йил 4 декабрь), (рўйхат рақами 2465-2, 2014 йил 11 март), (рўйхат рақами 2465-3, 2015 йил 8 октябрь), (рўйхат рақами 2465-4, 2017 йил 17 июль), (рўйхат рақами 2465-5, 2017 йил 22 ноябрь), (рўйхат рақами 2465-6, 2019 йил 22 апрель), (рўйхат рақами 2465-7, 2019 йил 8 октябрь).

Адлия вазирининг 2020 йил 13 апрелдаги 88-мқ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.